ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

З.Х. ТОШМАТОВ, О.А. АРЗИКУЛОВ

КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ СТАТИСТИК ТАДҚИҚОТИ

Монография

ТОШКЕНТ
“IQTISOD-MOLIYA”
2023

УЎК 311:334.72
КБК 60.6 65.292

Тақризчилар: *и.ф.н., проф.в.в.б.* **Б. Маматқулов**
и.ф.н., доц. **Т. Бердиёров**

А 74 Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигининг статистик тадқиқоти. Монография / З.Т. Тошматов, О.А. Арзикулов; – Т.: “Iqtisod-Moliya”, - 2022, – 180 б.

Мазкур монография кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигини статистик тахлил қилишга бағишланган. Монографияда кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигини статистик тадқиқ этишнинг назарий асослари, унинг эконометрик моделларини тузиш ҳамда истиқболларини прогнозлаш масалари ёритилган.

Ушбу монография кичик бизнес соҳасига дахлдор йўналишларда изланишлар олиб бораётган профессор ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, магистрантлар, талабалар, соҳа мутахассислари ҳамда кенг тадбиркорлар оммасига мўлжалланган.

Данная монография посвящена статистическому анализу эффективности малых предприятий и микрофирм. В монографии освещены теоретические основы статистического исследования эффективности малых предприятий и микрофирм, создания эконометрических моделей и вопросы прогнозирования их перспектив.

Настоящая монография предназначена для профессоров и преподавателей, научных сотрудников, магистрантов, студентов, отраслевых специалистов и предпринимателей широкого профиля, которые проводят исследования в областях связанных с малым бизнесом.

Монография Жиззах политехника институти илмий Кенгашининг 2022 йил 12 декабрдаги 5-сонли қарорига мувофиқ чоп этилди.

УЎК 311:334.72
КБК 60.6 65.292

ISBN 978-9943-9254-4-1

1 З.Т. Тошматов,
О.А. Арзикулов, 2023
1 “IQTISOD-MOLIYA”, 2023

КИРИШ

Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув ва рақобат шароитида миллий ҳамда минтақавий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишида кичик корхона ва микрофирмалар муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда жаҳондаги 63,0 фоиз аҳолининг иш билан бандлиги айнан шу соҳада таъминланган ҳамда 90,0 фоизга яқин корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тааллуқли ҳисобланади”[1]. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кучайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳамда турмуш сифатини яхшилаш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотларни кенг доирада амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада статистик кўрсаткичлар тизими ва моделларни тузишга комплекс ёндашиш, статистик таҳлил сифатини ошириш ва тартибга солишни такомиллаштириш масалалари юзасидан алоҳида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигини ошириш, барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушини ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш йўналишларида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳам “таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, кичик корхона ва микрофирмалар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш”[2] сингари устувор вазифалар белгиланган. Бу вазифалар ҳудудлар даражасида кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигини комплекс статистик баҳолаш, интеграллашган статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш,

---

[1] http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.

туман ва шаҳарлар кесимида ривожланиш омиллари ва тенденцияларини махсус статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш, иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи эконометрик моделларни тузиш ва истиқболларини прогнозлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақазо этади.

Монографиянинг мақсади кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигини статистик тадқиқ этиш, эконометрик моделларини тузиш ҳамда истиқболларини прогнозлаш бўйича илмий амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади:

кичик корхона ва микрофирмаларнинг миллий ва ҳудудий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини илмий асослаш;

ҳудудларда кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигини баҳоловчи интеграллашган статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг статистик ҳисоб тизими ва уларнинг ахборотлар базасини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг иқтисодий ривожланиши ва самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш;

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва самарадорлигининг эконометрик моделларини тузиш ва прогнозлаш вариантларини асослаш;

кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш.

I БОБ. КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ СТАТИСТИК ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини статистик ўрганишнинг назарий асослари

Бозор иқтисодиётига ўтилгач, қатор янги масалалар кўрилдики, уларни эски тушунчалар, ёндашув ва усуллар билан ҳал этиш мушкулдир. Бу борада бозор назариясига жавоб бера олувчи ижтимоий ва иқтисодий тушунча ҳамда атамалардан фойдаланиш қулай ҳисобланади. Шундай экан, бу атама ва тушунчаларни тадқиқ этиш лозим. Буни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Иқтисодий адабиётларда кўп учрайдиган, лекин кам ўрганилган, аммо аниқ ифодаси ҳақида бир тўхтамга келиш шарт бўлган “тадбиркор” ва “тадбиркорлик” ҳам шундай атамалар сирасига киради.

Иқтисодий назария эволюцияси нуқтаи назардан “тадбиркорлик” категориясини ўрганиш бирмунча аҳамиятлидир. Бунда иқтисодий капиталларнинг иқтисодий назарияни модернизациялашда тутган ўрнини асослаш кифоя.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг жамият иқтисодий ривожланишида тутган ўрнини аниқлаш учун жаҳон ва мамлакатимиздаги иқтисодий, илмий ғоялардаги хулосаларни мазмунан кўриб чиқиш керак (1.1-жадвал).

“Тадбиркорлик” категориясини муомалага киритишда, уни илмий нуқтаи назардан изоҳлашда Р.Кантильон, К.Боде, И.Х.Тюнен ва Найтеарнинг хизматлари беқиёсдир. Бу тушунчани фанга биринчи бўлиб Р.Кантильон киритган. У тадбиркор бозор талаби ва таклифи ўртасидаги фарқни сезган ҳолда иш тутишдек фойда келтириш хусусияти эканлигини, бу арзонга олиб, қимматга сотиш имконини беришини таъкидлаган[3], бу имкониятдан фойдалана олганларни, таваккалчилик билан иш тутувчиларни “тадбиркор”лар деб билган.

[3] Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности. – М.: 1994. – 44 б.

Демак, Р.Кантильоннинг фикрича, тадбиркор бозор имкониятларини кўра олувчи шахсдир. У фойда олиш учун бу имкониятлардан тадбиркорлик билан фойдаланади.

1.1-жадвал

“Тадбиркор” ва “тадбиркорлик” тушунчалари эволюцияси

Давр	Тушунчалар мазмуни
Ўрта аср	Тадбиркор деганда ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи; кўргазмалар, намойишлар, ярмаркалар ташкил қилувчи, қайта ишлаб чиқариш ва қурилиш лойиҳаларини бажариш фаолиятига жавобгар шахс тушунилади
17 аср	Давлат билан шартнома тузиш жараёнида бу тузилаётган шартнома қийматини олдиндан белгиловчи ҳамда шартнома шартларини бажариш борасида молиявий жавобгарликка тўла масъул шахс ҳисобланади.
1725 й.	Ричард Кантильон тадбиркорни маълум бир таваккалчилик шароитида фаолият юритувчи шахс дея таърифлаган.
1797 й.	Карно Бодонинг талқинида тадбиркор-тадбиркорлик фаолиятига масъул ва унга эгалик қилувчи, фаолиятини ташкил этувчи, назорат қилувчи, режалаштирувчи шахсдир.
1803 й.	Батис Сей: тадбиркорлик капитал даромадидан даража бўйича фарқланади
1876 й.	Фарансис Уокер ҳар ким ўз ташкилотчилик қобилиятларига асосан иқтисодий самара олиши, капитални бериб, бу капитал учун маълум бир миқдорда фоиз олиш фарқларини англай олиши керак
1934 й.	Йозеф Шумпетер: тадбиркор – новатор, яъни янги технологияларни ишлаб чиқарувчи
1961 й.	Дэвид Маккеланд: тадбиркор – ғайратли, ўртача таваккалчилик шароитида ҳаракат қилувчи одам
1964 й.	Питер Друкер: тадбиркор – янги имкониятлардан фойдаланиб, кўпроқ фойда олувчи одам
1972 й.	Альберт Шапиро: тадбиркор – иқтисодий-ижтимоий механизмларни ташкиллаштирувчи ташаббускор бўлиб, у таваккалчилик асосида фаолият юритиб, юзага келувчи салбий натижани тўлиқ ўз зиммасига олувчи шахс
1983 й.	Гиффорд Пиншо: тадбиркор мавжуд корхона шароитида фаолият юритувчи, яъни корхонани ташкил қилувчи тадбиркордан фарқли шахс ҳисобланади.

К.Бодо (физократ) бу борада ўтмишдошларини ортда қолдириб, тадбиркор турли ахборот ва билимлардан ташкил топган маълум интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши керак дея таъкидлаган.

И.Х.Тюнен эса, тадбиркор ахборотга эга бўлиш билан бирга, ўзида капитал ҳам мавжуд бўлиши зарур, деган фикрни билдирган. Шунингдек у, агар иқтисодиётнинг асоси сифатида капитал муҳим ўрин тутса, олинадиган иқтисодий наф фаолият эгасининг ютуғи бўлиб, мазкур фаолиятнинг ривожланишига асос бўлади.

И.Х.Тюнен тадбиркорлик, шунингдек, ўзига хос хусусиятларга (таваккалчиликка бориш, ихтирочилик ва тадқиқотчилик.) ҳамда ўта интилувчиликка эгалигини уқтиради. Бундай фикрлар ХХ аср бошларида Файт томонидан ҳам ривожлантирилган. У чуқур тадқиқот асосида “таваккалчилик” ва “ноаниқлик” категориялари орасидаги фарқни асослаган.

Тадбиркорлик моҳиятини татбиқ этиш билан боғлиқ иккинчи йўналиш Адам Смит, Давид Рикардо, Дж.С. Милль ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ёндашувлари асосида шаклланди[4]. Бу йўналиш вакиллари амалда тадбиркорлик вазифаларини ажратиб чиқмаганлар, ишлаб чиқариш фаолияти ва капитал қўйишни автоматик тарзда вужудга келувчи жараён деб, улар исталган кўра билиш қобилияти таваккалчиликни баҳолашда ўта муҳим қарор қабул қилишни талаб этмайди дея ҳисоблаганлар. Ж.Б. Сей конституцияси деб танилган учинчи йўналиш, маълум бир даврдан кейин А.Маршалл ва Й.Шумпетернинг изланишларида намоён бўлган.

Ж.Б.Сей тадбиркорнинг асосий функцияси фаолиятга капитални киритиш функциясини ажратган ва тадбиркорнинг истеъдодини ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиришни корхонанинг оддий хўжалик жараёни сифатида талқин қилган. У тадбиркорнинг олган иқтисодий самарасини тадбиркорлик фаолиятининг мақсади ва якуний натижаси деб ҳисоблаган. Бундай йўналишда тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқариш асосий омилларини бирлаштиришнинг

[4]Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 б.

энг яхши усули (ер, капитал, меҳнат)[5], тадбиркорлик фаолияти омилларининг ўзаро боғлиқ эканлигини самарали мувофиқ ҳолга келтириш иши, ҳатто, ишлаб чиқариш омилининг тўртинчиси дея аниқлик киритган.

Ишлаб чиқаришда иштирок этувчи барча омилларни бирлаштириш тадбиркорликнинг энг асосий жиҳатлари А.Маршаллнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Шу сабабли, ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариш тадбиркорлик фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Тадбиркор ёки ишбилармонлар бундай вазифаларни бажариш борасида фаолият таваккалчилиги бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

“Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти эгалари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган капитал меҳнатни бирлаштирадилар, ишлаб чиқариш бўйича умумий режаларни тузиб, лойиҳасини амалга ошириб, қўшимча қисмлари устидан назорат қиладилар”[6]. Ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш мураккаблиги ортиши билан бирга, фаолиятнинг унумдорлигини ошириш ва инсоний эҳтиёжларни тўлиқ қондириш учун ташкилий вазифаларни тайёрлашда ташкилий ишлар ишлаб чиқариш фаолиятидан ажрала бошлайди ва алоҳида ҳолатда воситачи-тадбиркорлар туркумига қўшилади.

Тадбиркорларни А.Маршалл кенг маънодаги менежерлар дея таърифлаган. Менежер вазифаси “ишчи кучи” юқори даражада савдо фаолиятига ихтисослашганлиги сабабли ажралиб чиқиши келтириб ўтилган. И.Шумпетер иқтисодий ривожланиш концепцияси борасида иқтисодчи олимлар Ж.Б.Сэй ва А.Маршаллнинг илмий ғояларини такомиллаштириш орқали тадбиркорлик назариясининг ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшган. У ҳақиқатан ҳам, илғорлар сифатида, Ғарб иқтисодий назариясида иқтисодий тизимга нисбатан динамик ва ривожланувчи куч эканлигини акс эттирган.

---

[5]Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985. – 55 б.
[6] Маршалл А. Принципы экономического развития. Пер. с.англ. – М.: Прогресс, 1993, Т, 1, 377 б.

У содир бўлаётган жараёнларни мутаносибликни сақлашнинг айрим тенденциялари деб билган. Унинг фикрича, мутаносиблик – бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг ёрқин ҳолати узоқ муддатли даврларда умуман мавжуд бўлмайди. Шунинг билан, у кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини фарқлашга иқтисодий юксалиш асоси сифатида ёндашган. Унинг фикрича, фаолият жараёнида ишлаб чиқариш омиллари янги бирлашишни содир этиши тадбиркорлик фаолиятининг мазмундорлиги дея баҳоланади[7].

Иқтисодчи олим Й.Шумпетер кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини мулкчилик категориясидан фарқлаган ва уни инновация фаолияти билан боғлаган. Унинг концепцияси кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий моҳияти ва тарихий миссиясини аниқлашда, тадқиқ этишда энг самарали йўналиш бўлди.

Й. Шумпетернинг тадбиркорликка ёндашувларини австриялик иқтисодчи олим, Нобель мукофати соҳиби Ф.Фон Хайек ривожлантирди. XX аср бошларида тадбиркорлик фаолияти устида олиб борилган илмий изланишлар натижасида яна бир янги йўналиш вужудга келди. Унга немис тарихий мактаби намоёндалари М.Вебер ва В.Зомбрат асос солдилар. М.Вебер тадбиркорликни касб-ҳунар доирасида фикрлаш қобилияти сабабли ҳамма вақт қонуний иқтисодий самарага эришишга интилиш, деб таъкидлаган[8].

Д.Гэлбрейтнинг “Янги индустриал жамият” асари кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини татбиқ этишда юзага келган янги босқичда муҳим аҳамиятга эга. Бу ишлаб чиқариш ҳажми индивидуал ривожланишдан ялпи стандартлашган шаклга ўтиши билан тавсифланувчи иқтисодий ривожланишнинг маълум поғонага кўтарилишидир. Бунда бозорни босқичма-босқич ўрганиш, талабнинг давомийлигини таъминлаш, янги технология ва материаллардан фойдаланиш зарур ҳисобланади. Янги парадигмада бошқариш рационализациядан ташкилий хулқ тадбиркорлигига ўтиш тушунилади. Бу доимий равишда эришилган даражани

[7] Шумпетер Й. Теория экономического развития.пер. с. Англ. – М.: Прогресс, 1992, 169-170, 183 б.
[8] Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма. Пер. с немецкого. – М.: Прогресс, 1990-85 б.

ўзгартиришдан, бўлажак имкониятлар ва хавфларни олдиндан билиш, глобал муқобил ҳаракат йўлларини излашдан иборат.

Кичик корхона ва микрофирмалар тушунчаси талқини ҳаммани қизиқтириши табиий ҳол. Илмий адабиёт ва хорижий мамлакатлар қонунчилигида, иқтисодиётнинг бу тармоғи асосан "кичик тадбиркорлик" ва "кичик бизнес" сингари иқтисодий иборалар билан таърифланади. Маъно жиҳатидан, жаҳонда бўлганидек, мамлакатимизда ҳам тадбиркорликнинг асосий мақсади ва асослари мантиқан бир хил мазмунга эга. Аммо турли хорижий давлатлар иқтисодиётининг юксалиш даражаси ва ўзига хос хусусиятларидан улардаги кичик корхона ва микрофирмалар субъектларини аниқлаш турли услублар асосида амалга ошрилади, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини баҳолаш бўйича кўрсаткич ёки маълум мезонлардан фойдаланилади[9].

Ўзбекистонда кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим йуналишларидан биридир. Академик С.Ғуломов ва и.ф.д. Б.Ғойибназаровнинг фикрларича, "Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиш жараёнларида Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор берилиб, бу жараён янгидан-янги инновацион техника ва технологияларни, ташаббускорлик жалб қилиш орқали (барча ресурсларни тежаш, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали) иқтисодий юксалишни барқарорлаштириш мумкин. Бунга эса Кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари раҳбарлари фан-техника тараққиётининг энг сўнгги инновацияларини ўз фаолиятларига кенг жалб қилишлари зарур"[10].

Жаҳонда, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётда ўрта мулкдорлар синфи шаклланишига, солиқ базаси миқёсининг ортишига шароит яратади. Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини

---

[9] Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2003, 84-б.

[10] Ғуломов С, Ғойибназаров Б. Иқтисодий юксалиш омиллари. // Халқ сўзи, 2017 йил 27 феврал.

юксалтириш, ҳаттоки, олис ҳудудларда янги меҳнат ресурсларини юзага келиши ҳамда ёшлар орасида бандлик масаласи ҳал этилишига олиб келади.

Профессор Н.Узоқовнинг фикрича, “Давлат активларини хусусийлаштиришда кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари сафи ортмоқда ва мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти ҳамда унинг Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятлари ўзаро қийин бирикувчи меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни ўзига осон жалб этиши боис келгуси даврлардаги истиқболига алоҳида эътибор берилмоқда”[11].

Ўзбекистонда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг ривожланиши ва шаклланишининг тарихини уч босқичга ажратиш мумкин: инқилобгача, шўро даври ва мустақиллик даври.

Иқтисодий фаолият соҳалари ўрганилаётганда “тадбиркор” ва “бизнесмен” атамалари маънодош ҳисобланмайди. “Бизнес” атамаси “тадбиркор”дан тор доирадаги тушунча ҳисобланади. Ғарбда, бозор муносабатлари тўғрисидаги адабиётларда “бизнес” – инсонларнинг талаби ва истакларини қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқариш тизими” деб тушунтирилади.

Бизнес бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг ҳамма қатнашчилари ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади ҳамда ишбилармонлар билан бирга истеъмолчилар, ёлланма ишчи ва давлат тизими хизматчилари фаолиятини ҳам қамраб олади. Бу ҳолатда, “бизнес” атамасининг маънодоши “тижорат”, “савдо-сотиқ” атамалари ҳисобланади. Умуман, бизнес кишиларнинг бозор иқтисодиётидаги фаоллигидир.

Тадбиркорлик фаолияти турли соҳаларда амалга оширилувчи бизнеснинг маълум кўринишидир. Юртимизда қабул қилинган “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга кўра тадбиркорлик – аҳолининг фойда ёки шахсий даромадга эга бўлиш мақсадида мустақил равишдаги ташаббускор фаолияти бўлиб, уларнинг ўз номидан,

[11] Узоқов Н., Рўзиқулов У., Эркаев Ф. Кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни.// Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва истиқболи. Республика илмий ва амалий конференциясининг мақолалар тўплами. Қарши “Насаф”, 2005, 107-108 б.

ўзининг ёки юридик шахснинг (корхонанинг) мулкий жавобгарлиги ва таваккалчилиги асосида вужудга келади. Шундай қилиб, тадбиркор моддий маблағга тўла ёки қисман эга бўлган фаол шахс ҳамда у ушбу ресурслардан фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланади. Унинг фирма (ташкилот, ширкат, корхона)си мамлакатимизда юксалаётган кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг бир қисми ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони ва қайси саноат тармоғига тегишлилиги билан тавсифланувчи алоҳида хусусиятлари мавжуд. Кичик корхона ва микрофирмалар сифатида ўзининг шахсий мулки ва иқтисодий қарам бўлмаган хўжалиги мавжуд ва соҳанинг доминанти бўлмаган корхоналар эътироф этилади.

Хорижлик иқтисодчи олимлар савдо ҳажми 20 млн. доллардан ошмаган ва фаолиятда 500 киши банд бўлган корхоналарни кичик корхона ва микрофирмалар деб ҳисоблайдилар. Аммо, фикримизча, бу кўрсаткичлар, маълум даражада шартлидир. Махсус кўрсаткичлар сифатида, яна қўшимча қиймат солиғи ва корхонадаги асосий воситалар қиймати қўлланади. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг афзалликларига қуйидагилар киради:

• ташиш харажатлари тежалиши ҳисобига маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхона ва микрофирмалар кам харажатли ҳисобланади. Уларнинг иқтисодий ютуқлари маҳаллий шарт-шароитлардан хабардорлиги, анча паст капитал ва меҳнат харажатлари орқали ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши;

• кичик корхона ва микрофирмалардаги бажарилаётган иш, фаолиятдаги канцелярия меҳнатига нисбатан самарали ва моддий тавсифга эга;

• ишчилар сони камлиги уларнинг малакавий истеъдодлари осон кўзга кўринишига сабаб бўлади;

• бозорга мослашиш, яъни ишлаб чиқилаётган маҳсулот ассортименти ва турини бошқасига алмаштириш кичик корхона ва микрофирмаларда қийинчиликларсиз амалга оширилади. Шу боис,

бозор шароитидаги мамлакатларда кичик бизнес ўз мавқеини барқарор равишда яхшилаб бормоқда.

Жаҳон амалиётида ҳали катта ва кичик корхона ҳамда микрофирмаларни ажратиб берувчи ягона мезон ўрнатилмаган. Ҳозирги кунда бир-биридан ажратувчи алоҳида белгиларни аниқлаш корхоналарнинг муҳим соҳалари бўйича умумлашма белгилари каталогини бунёд этиш орқали амалга оширилмоқда. Жамоа, ширкат, оилавий, хусусий корхоналар, фирма ва бошқа юридик мақомга эга бўлган корхоналар ҳам ўрта корхоналар бўлиши мумкин.

XX асрнинг сўнгги чорагида кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари юқори суръатларда ривожлана борди ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омиллари бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда кенг миқёсда ривожланмаган кичик корхона ва микрофирмаларсиз замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. У бир томондан, маълум даражада йирик корхоналар билан рақобатда бўлади, шу нуқтаи назардан иқтисодиётнинг бозор конъюнктураси ўзгаришлари, мода ва истеъмолчилар диди тез-тез алмашиб туриши ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуришга ёрдам беради. Иккинчи томондан, кичик корхона ва микрофирмаларнинг катта қисми йирик бизнес билан ҳамкорлик қилади, уларга хос техник консерватизмни бартараф этишга кўмаклашади.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантириш бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш ва ҳудудий монополизмни бартараф этиш, рақобат муҳити вужудга келиши ва кенгайиши, илмий-техник натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва экспорт салоҳияти юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг яна бир хусусияти бирмунча кам харажатлар эвазига янги иш жойлари яратиш, шу орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ҳисса қўшиши ҳисобланади. Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар турли ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги тафовутларни қисқартириш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни сармоядорлик даражаси юқори бўлган соҳаларга йўналтириш ва

иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ижтимоий жиҳатдан ўзига хос вазифалари мавжуд. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти орқали инсонларнинг ишбилармонлик, ижодкорлик қобилиятлари шаклланишида қулайликлар мавжуд. Йирик корхоналардан истисно сифатида, фаолият натижаси ва ишчилар манфаатдорлигининг боғлиқлиги намоён бўлади.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг яна бир муҳим ижтимоий вазифаси шундан иборатки, у ижтимоий жиҳатдан заиф аҳоли қатламлари: аёллар, ногиронлар, пенсионерларни иш билан таъминлаб, уларнинг меҳнатидан кенг фойдаланиш баробарида даромад топишлари учун ҳам имкон, ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси ортишига шароит яратади.

Кичик корхона ва микрофирмаларга бағишланган иқтисодий адабиётларда “тадбиркор”, “тадбиркорлик” тушунчаларига берилган таърифлар кўп ва хилма-хил (1.1-жадвал). Шу боис бу таърифларни солиштирма таҳлил қилиб, уларга танқидий баҳо бериш зарур. Шундагина “тадбиркор” ва “тадбиркорлик” атамаларининг замонимизга муносиб ва бозор муносабатларининг ҳамма жиҳатларини қамраб олувчи илмий таърифини ифодалаш муҳим.

“Тадбиркорлик” атамасига бугунги кунгача бўлган таърифларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни хорижлик иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг таърифлари, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва мутахассисларининг таърифлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган таърифлар гуруҳлари ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маҳаллий олимлардан С.Ғуломов, А.Ўлмасов, Ё.Абдуллаев, Х.Абулқосимов, М.Қосимова, Х.Хўжақулов, Э.Эгамбердиев, Х.Боев, Д.Тожибоева, Ш.Шодмонов, А.Ваҳобов ўз тадқиқотлари, турли дарслик ва адабиётларида турлича кўринишдаги таърифларни келтириб ўтганлар.

Хусусан, академик С.Ғуломовнинг таърифига кўра, “Ҳаракатчанлик ва жўшқинлик бу тадбиркорликнинг энг муҳим

жиҳатидир. Тадбиркор ўз фикри бўйича янги ҳаракат услубларини, маҳсулот туркумлари ва ишлаб чиқариш технологияси, истеъмолчилар доираси, товар ва хизматлари сифатини яхшилаш йўлларини доимо излаш орқали муваффақиятга эришади. Тадбиркор молиявий ресурслари, моддий материаллар ва меҳнат ресурслари ёрдамида янги товар, савдо ва ишлаб чиқариш фаолиятини вужудга келтирувчи ёхуд жараённи ташкиллаштиришнинг мукаммаллашган услубини бунёд этувчи шахсдир”[12].

Профессорлар Ё.Абдуллаев ва Ф.Каримовнинг ёндашувларида[13] эса, “тадбиркор” тушунчасига бозор иқтисодиётида хўжалик юритишнинг асосий субъекти эканлиги кўрсатиб ўтилган. Тадбиркор якка шахс сифатида ҳам, ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи кишилар гуруҳи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкинлиги, бу кишилар ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситаларини иш кучи билан, бу иш кучини сотиб олиш ва хўжалик фаолиятида ундан фойдаланиш нуқтаи назаридан бирлаштириш таъкидланади.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга кўра, “Тадбиркорлик – фаолият эгаларининг ташаббусли хоҳиши билан, қонуний фаолияти, таваккал ҳисобига ва ўз активлари билан жавобгарликни ўз зиммасига олувчи иқтисодий самара сифатида даромад ёки фойдага эришиш учун амалга оширилган жараёндир”[14], деб таъриф берилган.

Юқорида келтирилган ёндашувларга жуда мос бўлган баъзи назарий фикрларни ҳам ўрганиб, “Тадбиркорлик – фаолият субъектларининг ўз ва жалб қилинган моддий ва молиявий ресурси ҳисобига таваккал қилиб, самарали фойдаланиб, қонуний тарзда иқтисодий самара сифатида даромад ёки фойдага эришиш учун қилинган ташаббусли мустақил фаолияти” деган таърифни бердик.

Профессор В.Шепелев “Тадбиркор” тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Тадбиркор бозор иқтисодиётида хўжалик

---

[12] Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: Ўқитувчи. 2002. 32-б.

[13] Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат. 2010. 18-б.

[14] Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 3-моддаси. – Т., 2000 й.

юритишнинг асосий субъекти ҳисобланади. Тадбиркор якка шахс сифатида ҳам ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи кишилар гуруҳи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкинки, бу кишилар ўз ихтиёрида (тасарруфида) бўлган ишлаб чиқариш омилларини ишчи кучи билан, бу ишчи кучини сотиб олиш ва хўжалик фаолиятида ундан фойдаланиш воситасида бирлаштирадилар” деб тушунтиради[15].

Иқтисодчи олим Х.Абулқосимов ўз тадқиқотлари натижасида “бизнес” атамасига “маълум фаолият (иш) юзасидан муносабат, аниқроғи тадбиркорларнинг иқтисодий муносабати, дея таъриф берган. Кенгроқ маънода эса қонунда назарда тутилган тартибда даромад олишга йўналтирилган ҳаракатлардир”[16].

Ўйлаймизки, юқорида қайд этилган муаллифлар томонидан “тадбиркорлик” тушунчасига берилган таърифларнинг ҳозирги замон талаби ва бозор иқтисодиётига мослиги уларнинг бу атаманинг иқтисодий моҳиятини ёритиб беришга ҳаракат қилганларини билдиради. Барча таърифларнинг устун томонлари ҳам, маълум камчиликлари ҳам мавжуд. Жумладан: Ё.Абдуллаев кичик корхона ва микрофирмаларни бандликни таъминловчи асосий омил сифатида тушуниб илмий таъриф берган, Х.Абулқосимов берган таърифда эса тадбиркорлик аҳоли фаровонлигига таъсир этувчи омил эканлигига эътибор қаратилмаган.

Юқорида келтирилган барча таърифларни жамлаб, “тадбиркор” ва “тадбиркорлик” атамаларига қуйидагича таърифни келтириб ўтамиз:

“Тадбиркор – юридик ёки жисмоний шахс мақомидаги доимий фаолият юритувчи шахс”. “Тадбиркорлик – қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳсулот (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) ишлаб чиқариш орқали таваккалчилик ҳисобига, ўз молиявий активлари билан мулкий жавобгарликни зиммасига олиб, фойда (даромад) олиш, бандликни таъминлаш, бозорларнинг мўл-кўллигини

[15] Шепелев В. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик. Солиқ тўловчининг журнали, 1996. 7-сон, 30-б.
[16] Абдуқосимов Х. Хусусий кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари. – Т.: ТДИУ, 1998. 26-б.

оширишга хизмат қилувчи ташаббускорлик фаолияти ҳисобланади”. Кўриниб турибдики, бу таърифда тадбиркорликнинг ҳар учала жиҳати (бозорларни тўлдириш, фойда (даромад) олиш, бандликни таъминлаш) ҳам мужассам.

Юқорида келтирилган таърифларни илмий асосда қиёсий таҳлил қилиш натижасида юқорида келтирилган таърифларда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи бир қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб, булар бозор иқтисодиёти талабларига ҳам мос келади, деган хулосага келинди.

1.2. Пандемия шароитида мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида кичик корхона ва микрофирмалар соҳасининг ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси”[17]да кичик корхона ва микрофирмаларни ҳар томонлама юксалтириш, унга кенг миқёсдаги иқтисодий эркинликлар яратиб бериш келтирилган асосий вазифалар сифатида тавсифланади. Тадбиркорларга мустақиллик бериш билан уларда ўз фаолиятининг якуни учун масъулият ҳисси янада ортади, иқтисодиётимиздаги ҳиссаси доимий ортишига олиб келади.

Фикримизча, пандемия даврида кичик корхона ва микрофирмалар миллий иқтисодиётнинг юксалишини таъминлаш билан бир қаторда, юртимиз учун долзарб масала бўлган бандлик ва фаровонликни оширишни кўзлайди. Юқоридагиларга, албатта, иқтисодиётимизнинг бу тармоқ учун берилаётган эътибор ва қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимидаги кенг ислоҳотларни амалга ошириш масалаларига жиддий эътибор берилиши боис эришилмоқда.

Республикамиз иқтисодиётида аҳамияти тобора ортиб бораётган кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари

[17] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда. / www.lex.uz

фаолиятнинг шахсий молиявий манфаатдорлик, ташаббускорлик ва мулкий жавобгарлик масъулияти тамойиллари асосида мулкчиликнинг турли шакллари тенг ҳуқуқлилик ва соғлом рақобат асосида юксалмоқда. Ўз мулки ва маҳсулотига эгалик ҳисси, ихтиёридаги мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни мустақил тасарруф этишига кўра, бозор муносабатлари тамойилларига мос келади. Унинг мамлакатда бандлик муаммосини ҳал этиш, мўл-кўлчиликни таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишдаги имкониятлари эса жуда каттадир.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, пандемия шароитида Ўзбекистонда бу соҳани барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда фикримизча, кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар билан узвий боғлиқ:

дастлабки сармояси нисбатан кичикроқ ҳажмда эканлиги;

бозорга тез ва осон мослаша олиш, сифатли маҳсулот яратиш қобилияти;

нисбатан олганда қисқа фурсатда истеъмолчилар эҳтиёжини қондира олиши;

қисқа вақтда янги иш ўрни яратиш ва бу орқали бандлик масаласини ҳал этишда ўзига хос имконияти.

Илмий кузатишларимиз кўрсатишича, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда кичик корхона ва микрофирмалар соҳасини ривожлантириш борасида улгуржи ва чакана савдо-сотиқ тизимида ислоҳотлар амалга оширилди, кичик корхона ва микрофирмалар субъектларига инфратузилма бўлинмалари томонидан хизмат кўрсатишнинг самарали тизими жорий этиб келинмоқда, кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатлари белгилаб берилиб, муҳофаза қилинмоқда ҳамда тадбиркорларга мустақиллик берилиб, уларнинг эркинлигини кафолатлаш тизими такомиллаштирилмоқда; кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг Давлат рўйхатидан ўтишлари, ҳисобга туришларнинг енгиллаштирилган ва хабардор

қилиш механизми амалиётга татбиқ этилди; биржа орқали тадбиркорларнинг моддий-техник ресурсларини эркин харид қилишга шарт-шароитлар яратиб берилди; маҳсулот ишлаб чиқаришда соддалаштирилган мажбурий стандартлаштириш ва сертификатлаш жорий этилди; солиқ юки енгиллаштирилиб, янада соддалаштирилди; статистика ва солиқ ҳисоботларининг қисқартирилган ва соддалаштирилган шакли жорий этилди; ташқи иқтисодий фаолият билан шуғуланиш кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари учун эркинлаштирилди; фаолиятини янгидан бошловчи тадбиркорлар учун дастлабки сармояни шакллантириш ва бошқа шакллардаги янги молиявий кўмак ва қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ва бошқа бир қатор ишлар амалга оширилди.

Демак, кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари мамлакатимизда хўжалик юритишнинг мутлақо янги шакли ҳисобланмайди. Улар дастлаб давлат тасарруфидаги корхоналар шаклида МДҲнинг барча мамлакатларида фаолият юритган, лекин, ўша вақтларда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятига етарли эътибор қаратилмаган.

Ўша пайтларда катта бўлмаган корхоналар таркибига одатда, ҳуқуқий жиҳатдан мустақил хўжаликлар, айрим ҳолатларда эса йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари таркибидаги корхоналар киритилар эди. Умуман, саноат тармоқларида, агросаноат мажмуи ва матлубот кооперациялари таркибида устахоналар, турли ёрдамчи цехлар, мустақил корхона ва ташкилотларнинг бўлинмалари кўринишидаги кичик ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эди.

Кичик корхона ва микрофирмаларни таснифлашда, одатда корхона ишчилари сони асосий мезон бўлган ва жами маҳсулот ҳажми ҳам эътиборга олинар эди[18]. Юқоридаги мезонга асосан корхоналарнинг қарийб 46 фоизи катта бўлмаган ишлаб чиқариш корхоналари таркибида фаолият юритган.

[18] Абдуқосимов Х. Хусусий кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари. – Т.: ТДИУ, 1998. 26-б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори орқали кичик корхона ва микрофирмаларни аниқлаш мезони жаҳон амалиётидаги штат жадвалидаги ходимлар сони кўрсаткичи ягона белгиловчи мезон сифатида кўрсатиб берилган. Лекин бу фан-техника тараққиёти даврида корхонанинг ҳақиқий кўлами ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот бера олмайди.

Хорижий давлатларнинг тажрибасига эътибор қаратилса, уларда кичик корхона ва микрофирмаларни таснифлашда 2 та мезонга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, корхоналардаги ишловчилар сони ва чакана товар айланмаси уларни таснифлашда асосий мезон сфатида хизмат қилади. Бундай тажриба АҚШ, Германия, Россия Федерациясида кўп йиллардан буён кенг қўлланиб келмоқда. Хусусий секторни кенгайтириш кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришда туб бурилиш ясаш имконини оширади.

Статистик маълумотлар кўрсатадики, кичик корхона ва микрофирмалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли иқтисодиётимизнинг бу соҳаси йилдан-йилга юксалиб, унинг иқтисодиётдаги нуфузи, бандлик ва маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2021 йил 1 январь ҳолатига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)да кичик тадбиркорликнинг ҳиссаси 55,7 фоизга етди. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш улуши саноатда 24,3 фоизни, қишлоқ хўжалигида 97,1 фоизни, савдо ва умумий овқатланишда 86,2 фоизни, ташиш ва сақлашда 50,7 фоизни, бошқа хизматларда 33,3 фоизни ташкил этди.

Таҳлиллар кўрсатишича, пандемия шароитида ҳам кичик корхона ва микрофирмаларнинг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналари сони ва салмоғи аста-секин ортиб бормоқда. Унинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши 2021 йил

1 январь ҳолатига кўра 20,5 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 6,8 фоизга ошган. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг экспорт қилган маҳсулотлари асосини қишлоқ хўжалиги, электротехника ишлаб чиқариш маҳсулотлари, тўқимачилик, ишлов берувчи, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этмоқда.

Пандемия шароитида ҳам ҳукуматимиз томонидан кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг ташқи савдо фаолияти самарадорлигини ошириш учун кенг шарт-шароит ва қулайликлар яратиб берилди. Уларга ишлаб чиқариш учун фойдаланилувчи технологик асбоб-ускуналарни олиб киришда ўрнатилган импорт божларини тўлашдан озод қилиш имтиёзлари берилган. Натижада, дунё бозорида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспортга сотиш имконини беради.

Таҳлилларимиз пандемия шароитида республикамизда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ташкил этиш янада жадаллашувига, бу соҳанинг ривожланишига бир қатор муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Улар асосан қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

биринчидан, пандемия шароитида кичик корхона ва микрофирмалар ривожланиши суст ҳолатда. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами корхоналар сонидаги улуши 10,7 фоизни, микрофирмалар улуши эса 78,3 фоизни ташкил этади;

иккинчидан, тармоқ таркибида кичик корхона ва микрофирмаларнинг номуносиблик ҳолати намоён бўлади. кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари асосан қишлоқ хўжалигида (43,0 фоиз), савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш (25,6 фоиз) тизимларида улуши кўпроқ. Саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қурилишда кичик корхона ва микрофирмалар нисбатан суст ривожланмоқда. Бу эса, кичик корхона ва микрофирмаларнинг истеъмол бозорларидаги талабни қисқа фурсатда қондириш имкониятини чеклайди;

учинчидан, кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти республика ҳудудлари миқёсида турлича ривожланмоқда. Бундай

корхоналар пойтахтда (10,6 фоиз), Самарқанд вилоятида (10,3 фоиз) ва Андижон вилоят (9,5 фоиз)ида юқорироқ улушни ташкил этган;

тўртинчидан, кичик корхона ва микрофирмаларнинг маҳсулот экспорти жараёнидаги иштироки талаб даражасида эмас.

Фикримизча, кичик корхона ва микрофирмалар соҳасини ривожлантириш жараёнида бундай масалаларнинг самарали ечимини топишда ҳукуматимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш учун стратегик дастурларни тузиш ва амалга ошириш керак. Юқорида келтирилган концепция доирасида номутаносиб-ликларни ўз вақтида бартараф этиш, ҳудудларнинг ўзига хос иқтисодий имкониятларидан унумли фойдаланиш имконини берувчи тизимли ўзгаришларни қамраб олиши зарур.

Фикримизча, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантиришга мўлжалланган концепцияда энг муҳим эътибор фаолият олиб бораётган юқори иқтисодий салоҳиятга эга кичик корхона ва микрофирмалар субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тармоқлар ва ҳудудлар учун ўта зарур, аммо рентабеллиги паст соҳаларни юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларига мос равишда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантириш, улар орасида ҳудудий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхона ва микрофирмалар учун маҳсус солиқ имтиёзларини жорий этиш, лизинг ва инвестицион рискларни суғурта қилиш тизимини янада кенгайтириш ҳамда молиявий жиҳатдан чекланган кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг банк томонидан ажратиладиган кредитлардан фойдаланиш шароитларини янада кенгайтириш зарур.

Пандемия шароитида ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида хўжалик юритиш механизми самарадорлигини оширишга дахлдор қўшимча имкониятларни топиш ҳамда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига замин бўлувчи шароитларни яратиш вазифалари янада муҳим аҳамият касб этди.

Бунда табиийки, миллий иқтисодиётни соғломлаштириш алоҳида ўрин тутади. Миллий иқтисодиётни соғломлаштиришнинг Ўзбекистон учун маъқул бўлган усуллари эса биринчи навбатда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантириш зарурати билан боғлиқ.

Шу жиҳатдан, иқтисодий ривожланишга таъсир қилувчи турли омиллар орасида мамлакатимизда аҳолининг тадбиркорлик салоҳиятини юксалтириш, инсонларнинг мустақил ўз ташаббусига кўра хўжалик юрита олишларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи кенг қамровли иқтисодий механизмни жорий этиш, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини иқтисодий ривожланиш, рақобатбардошлилик ва жамиятда аҳоли фаровонлиги ортишига олиб келувчи ягона куч сифатида тан олиш муҳим аҳамиятга эга.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожланишига имкон берувчи асосий омиллардан бири рақобат муҳитини яратиш ва хўжалик юритиш субъектларига иқтисодий эркинлик беришдир. Муаммо моҳиятини бундай тушуниш жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ўзига хос жиҳатлардан бири – кичик корхона ва микрофирмаларнинг тобора ортиб бораётган аҳамиятини янада яхшироқ англаш имконини беради. Айнан шу тармоқ қобилиятли ва ишбилармон кишиларни танлаб олишнинг самарали тизимини ифода этади, зарур рақобат муҳитини юзага келтиради, йирик хўжалик тузилмалари томонидан ҳал этилиши қийин бўлган бир қатор муаммоларни тез орада ҳал этишга имкон яратади.

Сўнгги йиллар мобайнида замонавий бозор муносабатлари амал қилувчи иқтисодиёт асосида юксалаётган кўпгина давлатларда йирик корхоналар аввал ички бўлинмалари томонидан бажарилган кўп функцияли механизмлардан воз кечиб, уларни кичик корхона ва микрофирмаларга ўтказиш амалиёти кўп кузатилмоқда. Шу боис, сон жиҳатидан йирик саноат тармоғида фаолият юритаётган корхоналар камайиб, кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони ортмоқда. Бу жараён бозор муносабатлари амал қилувчи иқтисодиётнинг ҳаракатчан,

динамик, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан, янгиликларга ҳозиржавоб бўлишини таъминламоқда.

Илмий кузатишлар кўрсатишича, кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти билан шуғулланувчи фирмалар асосан юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш жараёнларини юритишга ҳаракат қилиши билан изоҳланади. Бундай фирмаларнинг фаолият стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

биринчидан, технологик жиҳатдан юқори даражага эга ривожланиш босқичидаги корхоналар рақобатдан манфаат кўрмайди. Шунинг учун, бозорни ўрганиш натижасида аниқланган юқори даражада фойдага эга бўшлиқлардан фойдаланишга ҳаракат қилади ва ўз ишлаб чиқариш фаолиятини ихтисослик жиҳатидан тор доирада амалга оширишни хоҳлайди;

иккинчидан, электроника фирмаларига ўхшаш фирмалар, ўзидан анча йирик корхоналардан айрим бутловчи ва эҳтиёт қисмларини сотиб олиб, ишлаб чиқаришнинг асосий харажатларини имкон даражасида камайтиришга уринади;

учинчидан, иқтисодиётдаги кўплаб фирмалар асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараённи имкон қадар енгиллаштириш учун маълум турда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки бир турдаги технологияда ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва ана шу маҳсулот ёхуд технологияларни истеъмолчилар талабига мослаштиришга интиладилар. Йирик фирмаларга хос жиҳат уларнинг кенг истемолчилари талабини тўлиқ қондириш имконини берувчи стандарт товарлар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг йирикларидан афзаллик томони ва фарқи ҳам шунда ҳисобланади;

тўртинчидан, қарийб ҳамма кичик корхона ва микрофирмалар молиявий мустақиллигини сақлаш мақсадида, ташқи молиявий манбалардан маблағ олмасликка интиладилар. Мутахассислар, кичик корхона ва микрофирмалар маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги технологиясидан фойдаланиб, мустақилликни

сақлаш ва ўзгача ижтимоий-маданий муҳитни муносиб шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

Юқорида баён этилганлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистон фирмаларининг хорижий фирмалар билан рақобатбардошлик даражаси кўтарилишига замин бўлувчи энг асосий омиллардан бири кичик корхона ва микрофирмаларнинг йирик тармоғи вужудга келишига имкон берувчи қулайликларни вужудга келтиришдир. Бунда корхоналарнинг бундай жамланмаси рақобатга бой бозор муҳитини яратишга имкон беришини назарда тутиш керак.

Республикамизда минтақаларнинг кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини олиб борувчи фирмаларга алоҳида эътибор бериш, бу жараён ташаббускорлик ва янги инновацияларни талаб этиши, шулар асосидагина (ресурсларни тежаб, сифатли маҳсулот чиқариш йўли билан) иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкинлигини унутмаслик керак. Шундай қилиб, ҳудудлардаги кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари раҳбарлари фан-техника тараққиёти ютуқларининг энг сўнгги инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кичик корхона ва микрофирмаларни ривожланишининг энг муҳим стратегик вазифалари борасида муҳим бўлган қатор устувор йўналишлар ривожланишини рағбатлантириш; салоҳияти юқори бўлган фирмаларга кўпроқ имоният ва қулайликлар яратиш ҳамда соҳа ва минтақалар ривожланиши учун зарур, аммо рентабеллиги паст субьектларни қўллаб-қувватлаш; юқори фойда келтирувчи бўшлиқни эгаллашга ихтисослашув; йирик корхоналар билан кооперациялашув; истеъмолчилар талабига мослашув; мустақил тадбиркорлик муҳитини мустаҳкамлашни кузатиш мумкин.

Минтақаларнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш ва янада такомиллаштириш, замонавий техник ва технологик воситалар билан қайта жиҳозлашга долзарб масала сифатида ёндашиш талаб этилади.

Чунки эскирган технологиялар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан аллақачон эскирган асбоб-ускуна ва дастгоҳлар билан ишлаётган ўнлаб ва юзлаб корхоналар сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлигига уларда молиявий имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганига сабаб бўлмоқда. Бу эса, бундай корхоналарда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ масалаларга нисбатан янгича ёндашувни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясидан белгиланган устувор йўналишлар ҳамда ишлаб чиқилган дастурлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда муҳим жиҳатларига баҳо бериш билан бирга, энг долзарб, функционал аҳамиятга эга томонига эътибор бериш зарур.

Пандемия даврида мамлакатимизда молия-банк соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлаш, кичик тадбиркорлик субъектларига молиявий ва ҳуқуқий кўмак бериш, янги ишчи ўрни яратиш ва жамиятда ижтимоий ҳимояни ошириш сингари зарур чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этишга эътибор қаратиш лозим.

Бошқача айтганда, бугунги кунданоқ ҳаётимизнинг пандемия давридан кейинги тараққиёти ҳақида ўйлаш, бунинг учун узоқ муддатли стратегик дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш зарур. Бу дастурлар иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқларини замонавий талабларга мослаштириш, техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, юртимизда ривожланишнинг янги босқичига чиқиши учун муҳим омил бўлувчи ва халқаро бозорда юқори даражадаги рақобатдошлигини барқарор таъминловчи янгидан-янги инновацион ютуқларни татбиқ этиш борасида мақсадли лойиҳаларни қамраб олиши зарур.

Ҳудудларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мунтазам модернизация қилиш учун самарали рағбатлантириш тизимини яратиш зарур. Модернизация қилиш ва янгилаш жараёнларини жадаллаштириш учун корхоналарнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан йўналтирилаётган сармояларни уч

йилга даромад (фойда) солиғидан, белгиланган ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган янги ускуналарни эса мулк солиғидан озод қилиш бу жараёнга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг ҳуқуқий жиҳатдан манфаатларини кенг миқёсда ҳимоялаш ва улар фаолияти давомида қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар натижаларининг республикамиз ҳамда Жиззах вилояти статистик маълумотлари асосидаги қиёсий таҳлили муайян хулосаларга олиб келади (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти ривожланишининг макроиқтисодий ва минтақавий кўрсаткичлари ўзгариши, фоиз[22]

Кўрсаткичлар	**Йиллар**										
	2010	**2011**	**2012**	**2013**	**2014**	**2015**	**2016**	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**
1. Умумий банд бўлганлар сони-даги улуши:											
-республика	74,3	75,1	75,6	76,7	77,6	77,9	78,2	78,0	76,3	76,2	73,8
-Жиззах вилояти	78.3	79.1	80,3	81,0	81,4	81,7	81,8	80,9	79,0	79,9	79,0
2. ЯИМ(ЯҲМ) ҳажми ошиши:											
-республика	107,1	107,5	107,1	107,3	106,9	107,2	105,9	104,4	105,4	105,7	101,7
-Жиззах вилояти	109,2	110,7	107,9	108,9	107,8	108,3	107,8	104,1	103,9	108,3	101,7
3. ЯИМ (ЯҲМ)даги улуши:											
-республика	60,8	61,9	60,8	60,9	61,9	64,6	66,8	65,3	62,4	56,0	55,7
-Жиззах вилояти	79,4	80,1	78,3	76,0	78,4	83,0	84,2	85,6	86,2	83,1	83,4
	Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг тармоқлар бўйича улуши:										
4. Саноатда: -республика	26,6	28,6	29,7	33,0	36,8	40,6	45,3	41,2	37,4	25,8	27,5
-Жиззах вилояти	40,3	46,0	44,7	49,4	48,5	52,5	59,1	63,9	66,8	57,5	64,2
5. Қурилишда: -республика	52,5	67,6	70,0	70,6	69,5	66,7	66,9	64,8	73,2	75,8	72,4
-Жиззах вилояти	94,3	88,3	90,1	87,8	92,4	91,9	92,6	89,3	97,2	98,0	96,3

[22] Давлат статистика қўмитаси ва Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Бунда икки босқичли қиёсий таҳлил учун 2012–2020 йиллардаги кичик бизнес соҳасининг ривожланиш кўрсаткичлари ўзгариши (фоиз)нинг макроиқтисодий, вилоят ва тармоқлар кесими асос қилиб олинди.

Биринчи босқичда республика ва вилоятнинг ўзаро қиёсий кўрсаткичлари учун умумий банд бўлганлар сони; ЯИМ (ЯҲМ) ҳажми ошиши; ЯИМ (ЯҲМ)даги улуши танланди.

Иккинчи босқичда эса, кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг етакчи тармоқ (қишлоқ хўжалиги, саноат, чакана савдо, пулли хизмат)лари бўйича республика ва вилоят даражасидаги улушининг таҳлилига эътибор қаратилди.

Юртимизда кичик корхона ва микрофирмалар субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида зарур ва энг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда замонавий инфратузилма билан таъминланган бўлиб, бу уларга фаолиятни ҳозирги замоннинг ўзига хос талабларига жавоб бериш даражасида юксак марраларга эришиш учун кенг миқёсда имтиёз ва имкониятлар тизимини яратиб бермоқда.

Фикримизча, республикамиз ҳудудлари инфратузилмасида кичик корхона ва микрофирма субъектлари фаолиятининг яхши ташкил этилиши иш билан бандлик муаммоси юмшатилиши, аҳоли реал даромадлари ортиши, солиқ тушумлари кўпайиши, маҳаллий бюджет даромадлари ошиши, иқтисодиётда соғлом рақобат муҳити яратилиши ҳамда турли институционал секторлар орасидаги ўзаро алоқалар мустаҳкамланишини таъминлайди.

Тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган мазкур чоралар унинг ривожланиш жараёнида, мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ортишида ва иқтисодиётнинг мазкур секторидаги бандлик даражасида ўз аксини топмоқда.

Йирик корхоналар, одатда, барча янги турдаги, юқори даражада ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришувчи илғорлардан бўлган. Сабаби, уларда катта бизнесдаги замонавий ишлаб чиқариш воситалари, техника-технологияларни яратиш ҳамда уларни ўз фаолиятига татбиқ этишга молиявий воситалар билан таъминлаш ва янги турдаги маҳсулотларни кенг миқёсда ишлаб чиқаришни

ташкиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш борасида кўплаб иқтисодий ва молиявий имкониятлар мавжуд.

Лекин бу ҳолат иқтисодий-сиёсий жиҳатдан асосланган турли шарт-шароитларда зарур бўлган ва бугунги кунда умуман бошқа тус олган. Шу сабабли, “чекланган молиявий ресурслар муаммоси доимий мавжуд бўлган ва ўзига зарурий эътибор қарата олмаган, бу соҳа корхоналари йирик ҳажмда ишлаб чиқариш салоҳиятига эга корхоналар билан рақобатлашиш имкониятига эгами?” – деган муаммоли савол пайдо бўлади. Чунки йирик корхоналарнинг барча имкониятлари асрлар давомида тан олиниб, ҳаётий тажрибада ўз тасдиғини топган.

Шунга кўра, бу соҳа инқирозга юз тутишга маҳкум этилгандек кўринади ва уни йирик ишлаб чиқариш корхоналари учун қулай жиҳати ва истиқболи бўлмаган йўналишлардагина муваффаққиятга эришиш мумкин, деган фикр туғилади. Лекин ишлаб чиқаришда самарадорлик хусусиятларини фаолият натижаларини баҳолаш миқдорига нисбатан ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўрни ортиши билан кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг бозордаги ўрни ва мавқеи жуда кескин тарзда ортди.

Тадқиқотимиз давомида ҳосил бўлган фикримиздан келиб чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари йирик турдаги корхона ва фирмалар билан рақобатлаша олиши учун уларда самарадорликни ифодаловчи сифат кўрсаткичларидек энг муҳим стратегик воситага эришилди. Шунинг учун ҳам, айнан бу корхоналар бозор талабига тезда мослашиб, юзага келаётган янги турдаги талабларни йирик фирма ва корхоналарга кўра қисқа муддатда қондириш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз ва унинг ҳудудлари миқёсида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг экспортбоп, рақобатлаша олувчи, сифатли товар ва хизматларини ишлаб чиқаришни изчил йўлга қўя олувчи мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.

1.3. Кичик корхона ва микрофирмалар ривожланиши бўйича илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўналишлари

Кичик корхона ва микрофирмалар иқтисодиётимизда ўзига хос ижтимоий ва иқтисодий вазифаларга эга. Уларнинг энг асосийлари, кичик корхона ва микрофирмаларw фаолияти мамлакатда иқтисодий-сиёсий барқарор ривожланиш омили бўлган ўрта мулкдорлар синфи шаклланишига замин яратади. Ҳар бир давлатда ўрта синф вакиллари мамлакат тараққиётида ўзига хос аҳамиятга эга.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан бири истеъмол талабининг турли синфларга ажралиши ва индивидуаллашуви натижасида турли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдир.

Бугунги кунга келиб, кичик корхона ва микрофирмалар субъектларисиз иқтисодиётни кўз олдимизга келтириб бўлмайди. Бу соҳа вакилларининг йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан рақобатга киришиши иқтисодий тизимнинг бозор конъюнктурасидаги турли ўзгаришлар ва иқтисодиётнинг таркибий тузилишини янгидан шакллантиришга замин яратади.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг ривожланиши истеъмол товар ва хизматларига талабни қондириш, тармоқ ва ҳудудлардаги монополистик корхоналар фаолиятига барҳам бериш, иқтисодиётда рақобатнинг вужудга келиши ва ривожланиши, фан-техника ютуқлари натижаларини бу фаолиятга кенг жалб этиш ва хорижга қилинадиган экспорт ҳажми ортишига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Жамиятдаги ўрнига кўра, ижтимоий вазифалари мавжудлиги борасида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг аҳамияти беқиёс. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти жамият ва инсонларнинг ишбилармонлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик ва ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришга кенг имкониятлар беради. Йирик корхоналар нуқтаи назаридан, уларда

ишлаб чиқариш натижаси ҳамда ишчилар манфаатлари ўртасида боғлиқлик намоён бўлиши яққол акс этади.

Йирик мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётида кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг ўрни беқиёсдир, кичик корхона ва микрофирмаларда ишлаётган ишчилар сони мезон қилиб олинганда қуйидагича бўлади[19]:

– Буюк Британияда ишчилар сони 50 кишигачани ташкил қилганда;

– Европа Иттифоқи мамлакатларида ишчилар сони 100 нафардан кам бўлганда (ўрта бизнес субъектларида эса, 100 дан 250 кишигача);

– АҚШ иқтисодиётида 100 нафаргача;

Дунёнинг қолган етакчи давлатлари иқтисодиётида барча тармоқ ва соҳаларда кичик корхона ва микрофирмалар улуши турлича бўлиб, уларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

– Испания қурилиш саноатида кичик корхона ва микрофирмалар – 30 %, саноат тармоғида – 31 %, қишлоқ хўжалигида эса – 80 % ва кемасозликда – 30 % улушга эга;

– Германияда йирик автомобилсозлик, кимё ёки металлургия концернлари иқтисодиётда асосий ўринни эгалламайди, балки унда кичик ва ўрта корхоналар мавқеи баланд ҳисобланади (улар барча турдаги тижорат билан шуғулланувчи корхоналарнинг 99,7 фоизини ташкил қилади).

Йирик давлатлар иқтисодиётида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўрни қуйидагиларда намоён бўлади:

– АҚШ иқтисодиётида соф даромадларнинг қарийб 35 %и ва экспорт ҳажмининг 30 %и кичик корхона ва микрофирмалар ҳисобига тўғри келади;

– Европа мамлакатларидан Франция ва Германия мисолида бу соҳанинг ЯИМда қарийб 50 % улушга эга;

---

[19] Миллий иқтисодиётдаги таркибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг тизимли таҳлили. Монография. Профессор Б.Бегалов таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: ЎзР ДСҚ Статистик материаллар тарқатишни техник қўллаб-қувватлаш шўъбаси, 2018. – 70 б.

– Япония иқтисодиётида қайта ишлаш саноат тармоғида 57 % улушга кичик корхона ва микрофирмалар эгалик қилади;

– Италия бўйича эса миллий даромаднинг қарийб 95 %и кичик корхона ва микрофирмаларга тўғри келади.

Хорижий мамлакатларда кичик корхона ва микрофирмаларга жалб этилганлар сони қуйидагича:

– АҚШ мисолида олсак, ишчилар сони 250 нафардан ортиқ бўлган фирмаларга хусусий секторда ишлаётганларнинг қарийб 50 %и тўғри келади;

– Европа иттифоқида нодавлат секторда банд бўлганларнинг 70 %и кичик корхона ва микрофирмалар соҳаси ходимларидан ташкил топган[20].

Тарихга назар ташласак, кичик корхона ва микрофирмалар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг маҳаллий бозорида фаолият юритувчи эркин хўжалик фаолиятидан ташкил топган бўлиб, у молиявий маблағи чегаралганган, мулкка эга тадбиркор инсон бўлган. Маълум бир вақт мобайнида, меҳнат тақсимотининг ривожланиши, молиявий маблағларнинг жамғарилиши ва ташиш харажатлари пасайиб бориши билан йирик корхоналар пайдо бўлган.

Кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари фаолиятидан асосий кўзланган мақсад тадбиркорлик даромадини олиш ҳамда қонунда белгиланган тартибда фаолият юритувчи корхона ва фирмалар, яъни якка тадбиркорлар, кичик корхона ва микрофирмалар деган фикрни билдириш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг энг муҳим вазифалари қаторига ижтимоий жиҳатдан заиф аҳоли қатламлари – нафақахўрлар, аёллар ва ногиронларга янги иш ўринлари яратиш ҳамда ёшлар орасида бандлик кўрсаткичини ошириш, уларга ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда

[20] Миллий иқтисодиётдаги таркибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг тизимли таҳлили. Монография. Профессор Б.Бегалов таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: ЎзР ДСҚ Статистик материаллар тарқатишни техник қўллаб-қувватлаш шўъбаси, 2018. 70-71-бетлар.

барча имкониятлардан фойдаланишлари учун зарур кўмак бериишдан иборат.

Иқтисодиётнинг бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтиш жараёнида кичик тадбиркорлик фаолиятининг тараққиёти муҳим аҳамиятга эга.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг тараққий этиши кўп устуворликларга эга.Улар хусусан, қуйдагиларда намоён бўлади:

– иқтисодий фаол аҳолининг улуши ортиши;

– интилувчан, ташаббускор ва ишбилармон инсонларни қўллаб- қувватлаш, уларни рағбатлантириш ва лавозим пиллапояларида кўтарилиши;

– қиёсий жиҳатдан бирмунча кам пул сарфлаб, янги ишчи ўрни ташкил қилиш;

– замонавий ва инновацион техника ва технологик янгиликларни жалб этиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

– ҳалол ва эркин рақобат муҳитини шакллантириш;

– молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур маблағлар билан таъминлашда улардан янада унумлироқ фойдаланиш;

– турли иқтисодиёт тармоқларида ўзаро алоқани ривожлантириш.

Уларга қўшимча тарзда, кичик тадбиркорлик фаолияти ялпи ички маҳсулот ҳажми ортиши ва аҳолининг бандлик даражаси яхшиланишида энг асосий омил ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги саноат билан интеграциялаш ва савдо билан қўшилиш орқали тараққий этмоқда. Шу боис жаҳон қишлоқ хўжалигини унга алоқадор бўлмаган соҳалар билан қўшиб олиб бориш кенг тарқалмоқда. Жумладан, Японияда шундай деҳқон хўжаликлари 80 %га етиб қолди. Америкада фермерларнинг қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган соҳалардан олаётган даромадлари ўртача 63 %, Хитойда 65 %, Жанубий Кореяда 40 %ни ташкил этади[21].

[21] Раҳмонов Ҳ.О. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: Фан, 2008. -190 б.

Замонавий техника воситалари ва биотехнологияларнинг ривожланиши туфайли қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги муносабатлар мураккаблашиб бормоқда. Япония ҳукумати томонидан ХХ асрнинг 60-йиллари охирига келиб, мамлакат ҳудудини ўзлаштиришнинг учинчи режаси ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бу қарорда қишлоқ хўжалигини саноат билан интеграциялаш зарурати кўзда тутилган. Қишлоқни саноатлаштириш орқали маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш режалаштирилган.

1978 йили мамлакатда "Қишлоқ жойларда саноат корхоналарини ривожлантириш ҳақида"ги қонун эълон қилинди. Унда қишлоқ саноатини тузиш тадбирлари тизими кўзда тутилган эди. Шу қонун асосида "Ҳар бир қишлоқда битта товар" ҳаракати бошланди. Унинг мазмуни шуки, ҳар қайси қишлоқда рақобатбардош саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи битта корхона бўлиши шарт. Қишлоқ саноатининг ривожланиши муносабати билан "Битта қишлоқда юзта товар" шиорини илгари сурган мураккаб вазифа кун тартибига қўйилди[22].

АҚШ иқтисодиётидаги кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг улуши нафақат ялпи ички маҳсулотда, балки унда ишловчилар сонида ҳам катта. Кичик корхона ва микрофирмалар субъектларини ривожлантиришнинг 900 дан ортиқ марказлари кичик корхона ва микрофирмаларга маслаҳат беради, янги бошловчи тадбиркорларга бизнес-режалар тайёрлаш ва давлат ташкилотларидан молиявий ёрдам олишда кўмаклашади. 1,5 мингдан кўпроқ компанияларни бирлаштирган округ кенгашларида семинарлар ўтказилади, тадбиркорларни ўқитилади, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ташкил қилиш бўйича маълумотнома-қўлланмалар тузилади[23].

Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш учун 330 га яқин махсус узоқ, ўрта ва қисқа муддатли дастурлар амалга оширилмоқда. Бу

---

[22] Иватов Ш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш омиллари. // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2003. 11-сон. -41 б.

[23] Муродов Ч. Тадбиркорлик таянчи. // Ж.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999. 8-сон.- 18 б.

дастурнинг қарийб ярмидан кўпроқ қисми мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида мазкур соҳани шакллантириш ва янада ривожлантириш учун ўзига хос кредитлаш тизими ва ишлаб чиқаришни янги инфратузилма билан таъминлашни ривожлантириш, солиқ солишнинг табақалаштирилган шаклида амалга оширилади[24].

Японияда ҳам кичик корхона ва микрофирмалар сезиларли аҳамиятга эга. Бунга кичик корхона ва микрофирмаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ривожланган тизими яратилганлиги имконият яратди. Шу нарса диққатга сазоворки, Япония қонунчилиги кичик корхона ва микрофирмаларни улар ривожининг барча босқичларида имтиёзли қарз ва кредитлар бериш, турли солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, техника ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш, ахборот хизматини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш асосида рағбатлантиришни назарда тутади.

Япония саноатининг бу секторида кичик корхона ва микрофирмалар шаклланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил солиқ имтиёзлари ва пухта молия сиёсати билан бир қаторда кичик корхона ва микрофирмаларга кредит берувчи хусусий банкларга берилувчи кафолатлар тизимидир.

Жанубий Корея, Сингапур ва Гонконгда кичик корхона ва микрофирмаларга зарур капиталнинг 50 %гача қисми давлат томонидан берилган, шунингдек, давлат узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизлар суммасининг ярмини тўлашни ҳам ўз зиммасига олган. Қуйидагилар ҳам кичик корхона ва микрофирмаларни қўллаб-қувватловчи муҳим тадбирлар турига киради: хомашё ва асбоб-ускуналарни қатъий баҳоларда етказиб бериш кафолатланган давлат хариди[25].

Лотин Америкаси мамлакатларида кичик корхона ва микрофирмаларни турли кредит-молия ташкилотлари: Перу давлатида молиявий қўллаб-қувватлаш Ривожланиш молия корпорацияси

---

[24] Иватов Ш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш омиллари. // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2003. 11-сон. -41 б.

[25] Узоқов Н., Рўзиқулов У., Эркаев Ф. Кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни. // Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва истиқболи. Республика илмий - амалий анжумани маърузалар тезислари тўплами. – Қарши: Насаф, 2005. 107-108 б.

томонидан амалга оширилса, Лос ва Андес Омонат кассаси ва Бирдамлик банки Боливия тадбиркорларига молиявий кўмак беради, Уругвайда тадбиркорлар Миллий ривожланиш корпорацияси томонидан ёрдам оладилар, Колумбияда Миллий Кафолат фонди ва бошқалар молиявий кўмак берадилар[26].

Кичик корхона ва микрофирмалар тармоғи дунёнинг барча давлатлари иқтисодиётида ниҳоятда муҳим вазифаларни амалга оширади. Мазкур тармоқ бозор муносабатлари шароитида қисқа муддатда кўзланган мақсадга эришишга катта имкон яратади, ишлаб чиқариш жараёнида чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацион тизимни вужудга келтиради. Чунки улар юқори даражадаги самарадорликнинг асосий омили ҳисобланади. АҚШни мисол қилиб олсак, иқтисодиётнинг турли йўналишларидаги 19 млн.дан зиёд мустақил фаолият юритувчи корхоналарнинг қарийб 90 фоиздан кўпроғи кичик корхона ва микрофирмалардир.

Япония мисолида эса кичик корхоналари, кичик фирмалар қаторида 10 млн.дан зиёд мустақил фаолият юритувчи фирмалар мавжуд, уларнинг 99 фоизи кичик корхона ва микрофирмаларда иш юритар экан, юқорида келтирилган бу икки мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми ялпи маҳсулотнинг ярмидан кўпроқ улуши шундай фирмаларга тўғри келади[27].

АҚШда янги иш ўринларининг 3 дан 2 қисми майда фирмаларда ташкил этилмоқда. Масалан, 1970 йилда 264 мингта, 1980 йилда 532 мингта, 1988 - 1990 йилларда 682 мингта кичик корхона ва фирмалар ташкил топиши аҳолини иш билан таъминлашда катта имконият яратди. Хуллас, кичик корхона ва микрофирмалар АҚШ тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантиришда Буюк Британиянинг ҳам ўзига хос йўналиши мавжуд бўлган. 1970 йилда ҳокимиятни бошқарган Э.Хито кичик корхона ва микрофирмаларга жиддий аҳамият берган ва 1971 йил Болтон комиссиясини тузган. Комиссияга кичик корхона ва микрофирма-

[26]Узоқов Н. Узоқов О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари – иқтисодиётининг таянч омили. // Бозор, пул ва кредит. – Т., 2003. №2. –18 б.
[27] Шестаков А. Предпринимательская деятельность. – М., 2000. – 263 с.

ларнинг аҳволини ўрганиб бориш ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар киритишни топширган. Натижада кичик корхона ва микрофирмалар тараққиёти учун энг қулай шароит яратилган. Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур йилларда ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти билан шуғулланувчи фирмалардан 96 фоизининг ҳар бирида ишчилар сони 20 нафардан ошмаган[28].

Умуман, ривожланган мамлакатларда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг 70-90 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти билан шуғулланади. Германия саноат ишлаб чиқаришининг экспортдаги энг катта улуши билан ажралиб турувчи давлатлар сирасига киради. Мазкур мамлакат товар айланиши бўйича Европада биринчи ўринда туради. Унинг тажрибасидан ўрганиб, ҳаётга татбиқ этса, арзийдиган жиҳатлари жуда кўп. Аниқ, пухта, ўз вақтида, бекаму-кўст бажариш билан бирга доимо ҳар бир талабга ҳозир бўлиш каби қоидалар шундай жиҳатлардан саналади[29].

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва иш, хизматлар кўрсатиш соҳасида эндигина ўз фаолиятини бошлаган тадбиркорнинг бу қоидаларга эътибор бериши сифат кўрсаткичлари ошиши ҳамда ортиқча харажатлар камайишига сабаб бўлади.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан, кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омили, иқтисодий конъюнктура ўзгаришларига тез мослаша олувчи, янги техника ва технологияларни доимий равишда талаб этувчи, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган хўжалик субъектлари сифатида кенг фаолият юритмоқда. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини юксалтириш туфайли аҳолига янги бўш иш ўринлари яратилиб, барқарор даромад топиш имкониятини яратиш, аҳоли орасида ташаббускорлик ва ишбилармонликни юксалтириш учун рағбатлантириш воситаларини ишлаб

[28] Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М., 1982. – 130 с.
[29] Колесникова Л. и др. Организационные структуры и культуры предпринимательство. // Вопросы экономики. 1999. 8-сон. - с. 15 -16.

чиқиш орқали аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиш кўникмаларини кенгайтириш имкониятлари вужудга келади.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг самарадорлик даражасини юқори даражада ривожланишига олиб келади. Шу сабабли, ҳозирги кунда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантириш орқали юртимизда ўрта мулкдорлар қатламини таркиб топтириш, миллий бозорларда аҳоли талабини арзон ва сифатли маҳсулот ва хизматлар билан қондириш, бандликни таъминлаш учун янги ишчи ўрни яратишга, кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг амалга ошираётган экспорт ҳажмини янада ошириш ёрдамида юртимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга жиддий эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда турли манбалар асосида ривожланган ва ривожланиш босқичига кираётган бир неча хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали уларнинг ўзимиз учун мос жиҳатларини мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик корхона ва микрофирмаларнинг салмоғини ошириш жараёнига татбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ривожланган давлатлар иқтисодиётига назар ташласак, уларда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун мамлакат даражасида комплекс тузилма ташкил қилинган ва кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг ҳуқуқий ҳимоялари кафолатланиши қонун ҳужжатлари билан асослаб қўйилган ҳамда уларни имтиёзли фоиз ставкалари ва шартларидаги кредит ресурслари билан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилган.

Солиқ қонунчилигига мувофиқ имтиёзли ставкаларда тўловларни амалга ошириш имкониятлари мавжуд, ишлаб чиқариш, молия тизими, илм-фан, бозор инфратузилмасидаги жами қулайлик ва инновацион янгиликлар ҳамда тўлақонли манфаатли иқтисодий ўсишга кўмаклашувчи барча имкониятлар билан таъминланган.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, бирор-бир мамлакатда давлат кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини қўллаб-қувват-

лашга доир мақсадли ва қатъий иқтисодий сиёсат юритилар экан, албатта, ўз ҳудудида яшовчи аҳолининг, иқтисодиётдаги тузилмаларининг ўзига хос хусусиятлари, менталитети ва бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, Германияда қишлоқ жойларда цехлар кўринишидаги кичик-кичик ишлаб чиқариш хўжаликларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича қарорлар қабул қилиниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг маълум экин тури ёки ўсимликка ихтисосланмаганлиги, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, истеъмол молларининг ишлаб чиқарилиши кенг йўлга қўйилишига муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Японияда эса кичик ва йирик кооперация тармоқларини шакллантириш, майда ва ўрта бизнес имкониятларини ривожлантириб, йирик корхоналар тизимини яратиш, ташқи бозорларда япон маҳсулотлари, япон технологиясининг қадру-қимматини оширишга алоҳида эътибор берила бошлади[30].

Ривожланган мамлакатларда ҳам даставвал кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодиётда тутган ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Қисқа муддатда Европа иқтисодиётининг асосий устунларидан бирига айланган Германияда ўтказилган қатъий давлат сиёсати натижасида мамлакат иқтисодиётида кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти ривожлантирилди ва урушдан кейинги йиллар мобайнида кичик корхона ва микрофирмалар тараққиёти 10 дан 65 %гача етди.

Японияда ҳам иқтисодиётда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини жадал ривожлантириш натижасида “япон мўъжизаси” яратилиб, дунёда бу борадаги энг юксак натижалар қўлга киритилди, яъни, Японияда аҳоли жон бошига 38000 АҚШ доллари ҳисобида даромад кела бошлади, ҳолбуки, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар бошланишидан аввал бу кўрсаткич қарийб 600 АҚШ долларини

[30]Абатуров В., Рустамов Д. Йирик ва кичик бизнес: жаҳонда ва Ўзбекистонда. // Бозор, пул ва кредит. 1999, 11-сон, 55-59 б.

ташкил этарди, холос[31]. Жаҳон саноатида етакчи ўринда турувчи Японияниинг “Ямаха” трансмиллий компанияси бутун дунё бўйича йилига бир неча ўн миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқармоқда, холбуки мана шу “наханг” компания ҳам ўз фаолиятини ўтган асрнинг 40-йиллари охирида 7 нафар киши ишловчи велосипед таъмирлашни амалга оширувчи кичик кооператив (устахона) шаклида бошлаган эди.

2000 йилларгача ўтган 20 йил (1980-2000 йй.) давомида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) иқтисодиётни кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятига қатор имкониятлар яратиш асосида ташкил этиши натижасида мамлакат иқтисодий, сиёсий ва давлат инқирозидан кўп кўрсаткичлар бўйича чиқиб кетди ва жаҳон тараққиётида муносиб ўрин эгаллади. Ютуқлар шу даражада беқиёски, глобал иқтисодий таҳлил марказлари ҳисобланган Бутунжаҳон банки ва Халқаро Валюта Жамғармаси маълумотига кўра, бундай “тараққиёт тезлиги”да Хитой иқтисодий ривожланишдаги мутлақ кўрсаткичлари бўйича 2015-2020 йилларда АҚШ ва Японядан ўзиб кетиши керак эди.

Кейинги 20 йил давомида ХХРнинг ЯИМ ҳажми бир неча баробар ошиб, 1998 йилда 8 трлн. юан (тахминан 1 трлн. АҚШ доллари)га етди. Аҳоли жон бошига ўртача даромад 16 марта – 184 юандан 2972 юангача, аҳолининг пул жамғармалари 254 мартага (450 млрд. АҚШ долл.) ошди. Бу даврда ЯИМ ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш суръати 10 фоизни, жумладан, саноатда – 15,8 %, қишлоқ хўжалигида 7 %ни ташкил этди. Бу эса давлатнинг иқтисодиётни ривожлантиришга сарфлайдиган улкан ички инвестиция жамғармаси шаклланишига асос бўлди.

ХХР иқтисодиёти жадал ривожланишининг асосий сабабаларидан яна бири ҳукумат томонидан кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти ва хорижлик инвесторлар фаолиятининг ҳар томонлама доимий қўллаб-қувватланиши ва химояланишидир.

[31]Холиқулов А.Р., Нуриддинов С.А. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик асослари ва чет эл тажрибаси. – Т.: Университет, 1994.- 50 б.

Бунинг тасдиғи сифатида қайд этиш мумкинки, 1979 йилдан ҳозирги кунгача Умумхитой халқ вакиллари йиғини (УХВЙ) ва УХВЙ Доимий қўмитаси томонидан 328 та қонун кўриб чиқилиб, улар бўйича шарҳ ва қарорлар қабул қилинган. Давлат кенгаши орқали ХХР ҳукумати томонидан молиявий-иқтисодий ва бозор муносабатларининг турли жиҳатларини тартибга солувчи 700 дан ортиқ меъёрий ҳужжат қабул қилинди[32].

Хитойда иқтисодий ислоҳотлар ва модернизациялашнинг ажойиб ва оригинал жиҳатларидан яна бири "очиқ" иқтисодий сиёсат олиб борилишидир. Бу сиёсат мамлакатда махсус иқтисодий зоналар ташкил этилгани, 14 та йирик денгиз портлари ва шаҳарлар очиқ деб эълон қилинганида намоён бўлади. Бутун Хайнань провинцияси (шу ном билан аталувчи оролда жойлашган) майдони махсус очиқ иқтисодий ҳудуд деб эълон қилинди. Шанхайда Пудун янги иқтисодий райони ташкил этилди.

Очиқлик сиёсати эса, аввало, мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини халқаро амалиёт талаблари асосида олиб бориш имконини берди. Натижада ташқи савдода ислоҳотлар амалга оширилди, валюта тушуми харажатларини режалаштиришга чек қўйилди, мунтазам ва босқичма-босқич равишда божларнинг умумий миқдори камайтириб борилди. Хорижий капитал қўйилмалар учун Марказий банк ва давлатнинг ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатларини белгиловчи комплекс тизим яратилди.

"Очиқлик сиёсати" ва қулай инвестицион муҳит яратилиши Хитойни иқтисодиётга хориж капиталини киритиш бўйича АҚШдан кейинги, иккинчи марказга айлантирди. Ислоҳот йилларида Хитойда 370 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ хориж капиталидан фойдаланилган. Хорижий капитал иштирокида 300 мингдан зиёд инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга эришилган. Бунда 17,5 млн киши банд бўлган[33].

---

[32]Абатуров В., Рустамов Д. Йирик ва кичик бизнес: жаҳонда ва Ўзбекистонда. // Бозор, пул ва кредит, 1999. 11-сон, 55-59-бетлар.

[33] Арипов О., Мирзаолимов Р. Кичик бизнес: давлат механизми фаолияти. // Бозор, пул ва кредит, 2004. 2-сон. - 17 б.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини юксалтириш учун Жанубий Корея, Исроил, Малайзия ва Иордания давлатларида ҳам фойдали тажрибалар тўпланган. Сўнгги йилларда Исроил давлатида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имтиёз ва имкониятлар яратишга қаратилган давлат сиёсати ишлаб чиқилиб, 1998 йилда кичик бизнесни ривожлантириш бўйича 64 та марказ ташкил этилди.

Иорданияда кичик майда ишлаб чиқарувчилар иқтисодиётнинг бетартиб сектори деб аталувчи секторни ташкил этувчи хўжалик субъектларидир. Унга қуйидагилар киритилади:

- банд бўлган ходимлар сони 9 кишидан ортмайдиган майда саноат корхоналари, шунингдек, техникани таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи устахоналар;

- цех ва уйларда амалга оширилувчи, ёлланма ва оила меҳнатидан фойдаланилувчи ҳунармандчилик ишлаб чиқариши;

- уй хизматчилари, юк ортувчилар, қоровуллар, ошпазлар, ҳайдовчилардан ташкил топган шахсий хизматлар соҳаси;

- кичик ҳажмдаги чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олган майда анъанавий хизмат ва транспортга оид соҳалар.

Шу пайтгача бозор таркибида банд бўлганлар сони бўйича бетартиб сектор кичик корхона ва микрофирмалар соҳасидан бир ярим баравар кўп бўлиб, маълум устунликка эга.

Иорданияда майда товар ишлаб чиқариш, замонавий меҳнат қуролларини чиқариш ва таъмирлаш, электр маиший ва радиоэлектрон техника, тиббий ускуналар, автотранспортни таъмирлаш тармоқлари тобора кенг тарқалмокда. Бу тармоқлар йирик шаҳарларда кўпроқ ривожланган. Анъанавий тармоқларнинг асосий қисми эса чекка шаҳарларда жамланган. Таъмирлаш тармоқларида конвейер тизими қўлланувчи устахоналар устунлик қилади. Унда муайян ишчиларнинг изчиллик билан бажарилган қўшма меҳнати натижаси якуний маҳсулот ҳисобланади. Бундай муассасалар кўпинча кичик хусусий корхоналарга айланади.

Майда ишлаб чиқариш қишлоқ-шаҳар йўналишида кўчиб юришни секинлаштиради. Чунки асосий корхоналар учун хомашё аввал уни тайёрловчи деҳқонлардан қишлоқдаги яримтайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи касаначи усталар ва улардан кейингина у якуний қайта ишловчи корхоналарга келади. Рақобат шароитида бундай кўп босқичли алоқалар деҳқон ва шаҳар вакилига қўшимча маблағ келтиради.

Иорданияда фан-техника ютуқларининг тарқалиши ва трансмиллий компаниялар кириб келиши, майда ишлаб чиқаришнинг замонавийлашиши уни ишлаб чиқаришнинг замонавий асбоблари ва воситалари билан таъминланишига олиб келди. Бу эса янада замонавийроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш имконини берди. Шунингдек, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи аксарият корхоналарда янги турдаги асосий воситалар қимматбаҳо эканлиги боис ҳанузгача анъанавий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб келинмоқда.

Замонавий ишлаб чиқаришларда техника билан таъминланиш ва энергиядан фойдаланиш даражаси анъанавийга нисбатан бирмунча юқори. Анъанавий майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг айланма маблағлари тузилмасида машина ва ускуналарнинг қиймати эмас, балки хомашёнинг қиймати кўпроқ улушни ташкил этади. Бу эса гилам тўқиш, чарм ва мўйна, рангли металлар, сунъий ва табиий қимматбахо тошлардан ишланган буюмлар ишлаб чиқаришга хосдир. Бундай тармоқлар учун айланма маблағлар микдори асосий айланма маблағлар миқдоридан 25-30 баравар ортади[34].

Шу тариқа, Иорданияда ривожланишнинг мураккабликлари ва бир хил эмаслигига қарамай, майда ишлаб чиқариш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тузилмасининг муҳим қисми ҳисобланади. У жамиятнинг хўжалик тузилмасини кўп жиҳатдан белгилайди ва кичик тадбикорликнинг асосий негизини ташкил этади.

---

[34]Ашуров М. Тадбиркорлик риск (хавф - хатарлари)ни самарали бошқариш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001. 10,11-сон. -36 б.

Ҳозирги кунда дунё бозорида асосий истеъмол маҳсулотларига талабнинг ўртача олганда ҳар тўққиз ой мобайнида ўзгаришларга учраши намаён бўлмоқда. Шу сабабли ҳам айнан кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг ижобий ва афзал томонлари янада ёрқинроқ ва яққол намоён бўлиб, улар иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминловчи аниқ режаларга асосланган тизимли ишлаб чиқаришга ўтишида муҳим аҳамиятга эга.

Статистик маълумотларда қайд этилишича, ривожланган давлатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига назар ташласак, уларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 %дан то 67 %гача қисми кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар улушига тўғри келмоқда. Буни АҚШ мисолида ўргансак, 50-52 %, Европа Иттифоқида 63-67 %, кунчиқар юрт – Японияда эса 52-55 % улушга эга бўлмоқда, аммо, МДҲ мамлакатлари бу борада ривожланган давлатларга нисбатан паст кўрсаткичга эга.

1.3-жадвал

Жаҳонда турли давлатлар иқтисодиётида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўрни[35], *(2020 йил 1 январь ҳолатига)*

Мамлакатлар	**Кичик корхона ва микрофирмалар сони**		**кичик корхона ва микрофирмалар улуши, фоиз ҳисобида**	
	минг дона	**минг киши ҳисобига**	**жами иш билан бандлар сони**	**ялпи ички маҳсулот**
АҚШ	19300	74,2	54	50-52
Европа Иттифоқи мамлакатлари	15777	45	72	63-67
Буюк Британия	2930	46	49	50-53
Германия	2290	37	46	50-54
Италия	3920	68	73	57-60
Франция	1980	35	54	55-62
Япония	6450	49,6	78	52-55
Россия	836,2	6,5	9,6	10-12
Ўзбекистон*	419,2	17	76	52-56

[35]«Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среди бизнеса». Отчет Международной Финансовой Корпорации по итогам 2020 года. - 21 с.

*Ўзбекистон бўйича маълумотлар 2019 йил якунлари бўйича берилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Кунчиқар мамлакатда ҳамма корхоналарнинг 99,6 %и, сотилган товарларнинг 55 %и ва саноатда ишчиларининг 80 %и кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Барча тадбиркорлар кичик тадбиркорликка жалб этилгани туфайли бундай юқори курсаткичларга эришилганлиги намоён бўлади.

Иқтисодиётда кичик корхона ва микрофирмалар жуда кўп соҳаларни (оддий уй хўжалигидан инновацион тараққий этган замонавий фирмаларгача) эгаллаган. Бу ривожланган мамлакатларнинг аксариятида, шунингдек Японияда ҳам кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнига ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб муносиб баҳо берилиб, унга эътибор тобора кучайтириб борилгани натижасидир.

Турли хорижий давлатларда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини юксалтириш учун олиб борилаётган сиёсатда майда ва катта фирмаларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлан-тиришни қўллаб-қувватлаш тенденцияси устуворлик қилади. Масалан, АҚШ қонунчилигида қиймати “500 минг доллардан ортиқ миқдордаги тўғридан-тўғри федерал битим тузишда йирик фирмалар бу битим бўйича бажариладиган ишларнинг маълум бир қисми(фоизи)ни кичик корхона ва микрофирмаларга бериши (яъни улар орқали бажариши) шартлиги белгилаб қўйилган.

Бундай шартларга риоя этилиши, кичик бизнес фаолиятида ишларнинг ташкил этилиши бўйича маъмурият томонидан назорат олиб борилади. Турли ташкилот ҳамда йирик корхоналарнинг кичик корхона ва микрофирмаларга молиявий ёрдам беришга қизиқиши ва манфаатдорлигини ошириш учун маъмурият кичик корхона ва микрофирмаларни кредитлашда кредиторларга кредитни тўлай олмаслик хавфини камайтириш мақсадида заём капиталининг 90 %игача давлат кафолатини беради (суғурталайди).

Бундай сиёсатни амалга изчил татбиқ этилаётгани туфайли кейинги йилларда йирик корпорациялар ўз фаолиятида кичик корхона ва микрофирмаларга алоҳида иш ва хизматлар турларини бериш орқали юксалишга эришмоқда. Чунки бундай иш ва

хизматлар айнан кичик корхона ва микрофирмаларда сифатли ва самарали бажарилади.

Иқтисодий ривожланиш миллий кенгаши томонидан мунтазам равишда кичик фирмаларнинг ихтисослашган каталоги чиқарилиб, у орқали йирик компаниялар кичик бизнесдаги потенциал ҳамкорларини танлаб олишига имкон яратилмоқда. Шунингдек, майда ва йирик корхоналар ўртасидаги алоқани изчил йўлга қўйиш билан шуғулланувчи махсус марказлар фаолияти ҳам унга қанот бермоқда. Бундай ташкилот ва йирик компаниялар сирасига Савдо ва саноат вазирлигининг, “Дженерал электрик”, “Нешил компьютер” фирмаларининг ахборот марказларини алоҳида киритиш мумкин.

Японияда майда саноат корхоналарининг 60 %дан зиёд қисми йирик корхоналар билан субпудрат фаолиятини амалга оширади. Субпудратчи корхона барча ҳажмдаги субпудрат корхоналарига кирувчи катта корхоналарнинг яриммустақил аъзолари ҳисобланиб, бу субпудрат корхоналар марказий пудратчи компаниялар атрофида гуруҳланади.

Субпудратчилар хусусий капитал маблағлари ҳисобига технологик ишлаб чиқариш жараёнларининг салмоқли улушини ташкил қилади, айрим детал ва бутловчи қисмлар билан таъминлайди, тайёр маҳсулотлар таъминоти билан шуғулланади. Таъкидлаш керакки, “Sony” корпорацияси бевосита технологик жараёнлар учун 1100 дан зиёд майда корхона ва фирмалар билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Бундай тенденциянинг тараққий этиши солиқчилик тизимида назарда тутилган кенг имтиёзлар туфайли кичик корхона ва микрофирмалар учун “паст даражали бўлмаган” иқтисодий нафга эришиш имконини яратмоқда[36].

[36] Малый, средний и частный бизнес. Ежеквартальный информационный бюллетень для предпринимателей. Республиканская научно-техническая библиотека. ГФАГИ, 1999.

1.4-жадвал

Баъзи иқтисодий тараққий этган давлатларда кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий кўрсаткичлари (фоиз)[37],

(2020 йил 1 январь ҳолатига)

Мамлакатлар	ЯИМдаги салмоғи	Жами бандликдаги улуши	Жами корхоналар таркибидаги улуш
Германия	57	69,3	99,3
Италия	55	71,0	99,2
АҚШ	52	50,1	97,6
Буюк Британия	52	55,5	99,1
Япония	51,6	69,5	99,2
Франция	49,8	56,6	97,6
Канада	43	47	99,8

Хорижий мамлакатлар тажрибасида, биринчидан, ривожланаётган мамлакатларда муҳим иқтисодий омиллардан бири кичик корхона ва микрофирмалар ривожи бўлиб, бу борадаги ҳар бир умумманфаатни кўзлаган самарали фаолият давлат аҳамиятига эга бўлади ва қўллаб-қувватланади. Зеро, кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти ривожланиб, янада самарали бизнесга айланиши, мамлакат ички бозорини товар ҳамда хизматлар турлари билан тўлдириши, шу тариқа экспорт салоҳияти ривожига ҳисса қўшиши, иш билан бандлик муаммоси ҳал этилишига кўмаклашиши, аҳолининг реал даромади ортишига, пировард натижада турмуш даражаси юксалишига олиб келади.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида, жаҳон бозорида рақобат кучаяётган шароитда йирик корхоналардан кўра айнан кичик корхона ва микрофирмаларда рақобатга дош бериш, маневрлар қилиш, ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириш сингари иқтисодий чора-тадбирларни кўриш осон кечади.

Кўриниб турибдики, хорижий давлатларда кичик корхона ва микрофирмалар фолиятига кенг имкониятлар яратиш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг турли механизмларининг ривожланган

[37] «Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среди бизнеса». Отчет Международной Финансовой Корпорации по итогам 2006 года. - 21 с.

тизими амал қилиб, у кучли рақобат шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг барқарор ривожланишига замин яратади. Бу эса, ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш механизми керакли даражада тараққий этганлигини намоён қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, дунёнинг турли мамлакатлари тажрибасида кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, янги иш ўрни яратиш, бозордаги кутилмаган шароитларга қисқа муддатда мослашиш ва турли мулкдорлар синфи кенгайишида беқиёс ўрин ва юқори унумдорликка эга эканлигини исботламоқда. Аксарият мамлакатларда кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва унинг тадбиркорлик фаолияти тараққий этишида бозор иқтисодиёти ривожланишидаги аҳамиятига жиддий эътибор қаратилмоқда.

II БОБ. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

2.1. Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг иқтисодий-статистик таҳлили

Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги жуда катта табиий (ер ва сув), моддий ва меҳнат ресурсларига эга. Вилоятнинг 50 фоиздан зиёд аҳолиси қишлоқ жойларида яшайди. Таҳлиллар кўрсатдики, вилоят қишлоқларида аҳволни барқарорлаштириш билан бирга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Вилоят қишлоқлари аҳолиси қадим-қадимдан ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган. Кичик корхона ва микрофирмалар негизида ривожланган фаолиятнинг бу тури уста маҳорати, анъанавий буюмлар тайёрлаш борасидаги тажрибалар авлоддан-авлодга ўтишига мустаҳкам замин яратган. Ҳунармандчиликнинг заргарлик, кўнчилик, гиламчилик турлари халқ санъатининг ўзига хос кўринишларига айланган. Бадиий ҳунармандчилик маҳаллий аҳоли турмушига кўрку таравот берувчи буюмларгина эмас, балки экспортбоп товарлар ҳам ишлаб чиқармоқда.

Аҳолининг кенг қатламини асосий ишларидан бўшаганларидан кейин ҳунармандчиликнинг ана шу жабҳасига жалб этиш, шу соҳага ўқитиш ва ўргатиш, улар орасидан янги-янги истеъдодларни рўёбга чиқаришга, меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбиялашга ҳам ёрдам беради.

Вилоятда кейинги 20 йил мобайнида деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзида ижобий ва салбий ўзгаришлар юз берди. Аҳоли кўпроқ шаҳарлар ва туман марказларига кўчиб ўтди. Бу эса, ўз навбатида, ишчи ва хизматчиларни уй-жой билан таъминлашда кескин вазиятни вужудга келтирди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари қишлоқларда қўшимча иш ўринлари яратиш

ҳақида қайғурганларида аҳоли миграциясини кескин камайтириш мумкин эди.

Бундан бутун жамият манфаат кўрарди. Хусусан, биринчидан, қишлоқларда янги иш жойларини яратиш шаҳарларга нисбатан 5-7 фоиз арзонга тушади; иккинчидан, қишлоқда қайта ишловчи корхоналарнинг ташкил этилиши хомашёни ўша жойнинг ўзида қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари исрофгарчилигини кескин камайтириш имконини беради; учинчидан, ҳунармандчилик ва кичик саноат корхоналарининг қайта тикланиши бозорларни истеъмол товарлари билан бойитишда ҳам жуда катта захирадир.

Вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантириш бўйича кенг қамровли иқтисодий-сиёсий ишлар олиб борилиши натижасида бу соҳа сезиларли даражада тараққий этмоқда. Бунга жумладан, республикамизда қабул қилинган алоҳида қонунлар тизими, меъёрий ҳужжатлар, айниқса, давлат дастури асосида яратилган ҳуқуқий-меъёрий база замин бўлмоқда. Шу сабабли, вилоятда бу тоифадаги субъектлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Илмий кузатишларимиз кўрсатишича, мамлакатимиз ҳудудлари ва минтақаларида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қатор дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йилда Жиззах вилоятида тадбиркорлик субъектлари сони 4,1 фоизга, уларни қўллаб-қувватлаш борасида берилаётган кредитлар миқдори 57,7 фоизга ошган. Кичик корхона ва микрофирмалар соҳасида 31,8 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилган[41].

Охирги йилларда эса вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантириш эвазига 23 мингга янги иш ўринлари ташкил этилиб, касаначилик эвазига 8,4 мингдан ортиқ оила доимий иш билан таъминланди ва даромад манбаига эга бўлди.

Шунинг учун вилоятда кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишлаб чиқаришдаги моҳияти, иқтисодий тизим ва жамиятдаги ўрни

[41] Жиззах вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

ҳамда аҳамияти мезонларига эътибор бериш зарур. Қуйидагиларда улар намоён бўлишини кузатишимиз мумкин:

- иқтисодий-таркибий тузилиши жиҳатдан у секторлар таркибий тузилишини белгилаб, аҳоли талабини бозор қонуниятлари асосида товар ва хизматлар билан қондиради;

- қишлоқ ва шаҳардан олис ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш функцияси сифатида янги иш ўрни ва узлуксиз даромад билан таъминлаб бориб, аҳоли фаровонлиги юксалишида асосий ўринни эгаллайди;

- ишлаб чиқариш ва кам харажат билан янги иш жойларини қайтадан ташкил қилиш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлашга замин яратади;

- жамиятда инсонлар онгида оилавий меҳнат кўникма ва анъаналари йиллар давомида шажаралар бўйича сақланиб, авлоддан-авлодга ўтишини, ишлаб чиқариш этикаси ва турли касбга оид сир-асрорларини ривожланиш жараёнларининг давомийлигини сақлаб қолади.

Статистик таҳлиллардан ошган натижаларимизга кўра, ҳудудларнинг кўплаб қишлоқ жойлардаги тадбиркорлик субъектлари қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан бир қаторда бошқа турдаги фаолиятни ҳам амалга оширмоқдалар. Бу, йирик шаҳарлар ҳамда саноат ҳудудлари марказлари атрофида кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти ривожланишига асос бўлмоқда.

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусияти бу аҳоли сони ва меҳнат ресурслари бирмунча юқори даражада ошиб борсада, вилоятда банд бўлганлар таркибида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятида ишлаётганлар улуши сўнгги йилларда сезиларли даражада ортаётганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, 2000 йилда иқтисодиётнинг реал секторида умумий банд бўлганлар таркибида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятида банд бўлганлар

54,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, (2019 йилда 72,5 фоиз) 76,0 фоизга етган[42].

Вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар ҳаракати ривожининг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, мавжуд тадбиркорлик субъектларидан 87,0 фоизга яқинини микрофирмалар ташкил этмоқда. Ҳар йили ташкил этилаётган кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг 65-70 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келмоқда. Бу, ҳукуматимиз томонидан республикамиз, айниқса, қишлоқ ҳудудларида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантиришга етарли шароит ва қулай имкониятлар яратилаётганидан далолат, шунингдек, тадбиркорлик ҳаракати ривожланишининг бир хусусияти ҳисобланади.

Вилоятда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини тараққий эттиришда беқиёс ўринни эгалламоқда. Бу борада вилоят иқтисодиёти учун янги бўлган бозор муносабатларининг кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятига кўрсатувчи таъсир кўламини тўлиқ ҳисобга олиб, шу асосда мақсадли йўналтирилган ва манзилли асосдаги иқтисодий-сиёсатни амалга ошириш имкони вужудга келади.

Эътиборда тутиш керакки, мустақилликка эришилгандан кейинги иккинчи ўн йилликда республикамиз ҳудудлари иқтисодиётида барча тармоқлараро сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилди. Республикамизда яратилган жами ялпи ички маҳсулот ҳажмининг базис йилга нисбатан ошиши таъминланиб, 2011 йилда ўтган 2010 йилга кўра реал ЯИМ 107,1 фоиз ўсишига эришилди. Бугунги кунда ЯИМ ҳажмининг қўшимча ошишининг 50 фоизи қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилиш улушига тўғри келмоқда. Юртимизда иқтисодиётнинг ҳамма тармоқлари барқарор ривожланиши туфайли 2020 йилда ЯИМ ҳажмининг йиллик иқтисодий ўсиши 1,7 фоизни ташкил қилди (2.1-расм).

[42] Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.



2.1-расм. **ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмининг ошиш суръатлари ўзгариши (2010-2020 йилларда базис йилига нисбатан фоизда)[43]**

2020 йилда Жиззах вилоятининг республика ЯИМ ҳажмидаги улуши 3,0 фоизни, Сирдарё вилоятида эса 2,1 фоизни ташкил этган.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, Жиззах вилоятида 2020 йилда ЯҲМ ҳажми 1,7 фоизга ошишига эришилган. У республиканинг бу борадаги ўсиш даражасида бўлган (республика ЯИМ ҳажми 2019 йилга нисбатан 1,9 фоизга ошган). Сирдарё вилоятида эса 2020 йилда ЯҲМ ҳажми 0,2 фоизга ошишига эришилган.

Олинган статистик рақамлар шуни кўрсатадики, 2020 йил ЯИМ(ЯҲМ) ҳажмининг узлуксиз тарзда барқарор ошишининг йигирма бешинчи йили сифатида қайд этилди. Бу кўрсаткичга асосий омил сифатида ЯИМда саноат (машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, металлургия, кимё озиқ-овқат саноати ва нефть кимёси), хизмат (савдо, маиший хизмат) кўрсатиш салмоғининг жадал суратларда барқарор ортиши, ҳукумат томонидан мақсадли ва ижобий таъсир кучига эга пул-кредит сиёсатини амалга оширилиши ҳисобига инфляция даражаси камайиши, хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар яратилиши ва иқтисодий

[43] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари.

муносабатлар ҳамда ахборотлар тизимининг шаффофлиги таъминланиши, кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кенг йўл очиб берилиши, корхоналар ишлаб чиқариш қувватлари қисқа фурсатларда янгиланиши, замон талабига мос янги технологиялар жалб этилиши ва саноатнинг экспорт базаси янада кенгайиши туфайли эришилмоқда.

Айнан шулар бизнес фаолиятини тараққий эттириш ва кенгайтиришдан, натижада миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожаланишини таъминлашдан энг кўп манфаат кўради. Жамиятда барқарорлик ва ер юзида тинчликни мустаҳкамламай туриб, юқорида баён этилган эзгу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ҳам айнан шулар жумласидандир.

Аҳоли турмуш даражасини янада оширишни юксак мақсад қилиб қўймоқдамиз. Ушбу муҳим вазифани хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқлари, алоқа ва транспорт, молия-банк хизматлари, коммунал хизмат ҳамда асосан кичик тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини талаб этувчи бошқа инфратузилма соҳаларини жадал ривожлантириш орқали ҳал этиш мумкин.

2.1-жадвал маълумотлари 2020 йилда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятлари томонидан республика ЯИМнинг 55,7 фоизи, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмаларда 21,0 фоизи ишлаб чиқарилганлиги ҳамда, кичик сектор иқтисодиётдаги жами бандлар 73,8 фоизининг бандлигини таъминланганини кўрсатади.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг ривожланишини баҳолашда корхоналар сони, уларда банд ходимлар ёки уларнинг яратган янги иш ўринлари сони, фаолиятдан олинган даромад уларнинг бозорни тўлдиришга қўшаётган улушларини баҳоловчи барча кўрсаткичлардан умумий ҳолатда фойдаланилади. Кичик корхона ва микрофирмалар ривожланишининг 2020 йил якунларига кўра, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона водийси вилоятларида бундай кўрсаткичлар бирмунча юқори. Буни кўпроқ саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши билан изоҳлаш мумкин.

2.1-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти субъектларининг асосий кўрсаткичлари[44]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли-ги	Ўзбекистон Республикаси				Жиззах вилояти				Сирдарё вилояти			
		2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ (ЯҲМ) даги улуши	Фоиз	65,3	62,4	56,0	55,7	85,6	86,2	83,1	83,4	77,9	77,8	69,8	70,9
шу жумладан:													
Кичик корхона ва микрофирмалар	Фоиз	22,0	22,9	21,0	21,0	26,5	25,0	29,0	29,6	29,7	31,0	30,1	31,0
Кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар сони	минг киши	10541,5	10128,8	10313,4	9938,2	378,7	384,5	428,3	421,1	278,4	274,2	266,5	248,7
Банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидаги улуши	Фоиз	78,0	76,3	76,2	73,8	80,9	79,0	79,9	79,0	78,8	77,4	76,1	74,5
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг саноатдаги улуши	Фоиз	41,2	37,4	25,8	27,5	63,9	66,8	57,5	64,2	49,6	51,4	34,5	37,3
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг қурилишдаги улуши	Фоиз	64,8	73,2	75,8	72,4	89,3	97,2	98,0	96,3	87,0	95,2	93,0	97,5

[44]Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари.



2.2-расм. **Кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, фоизда**[45]

Кичик тадбиркорлик фаолиятининг қолган сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун бошқа маълумотлардан (2.2-жадвал) фойдаланамиз. Улардан кўринадики, таҳлил учун олинган давр бўйича кичик корхона ва микрофирмалар сони ортиши билан бирга, уларнинг республика миқёсида жами ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи пасайган. Масалан, бунинг 2016 йилдаги 66,8 фоиз улуши 2020 йилга келиб 55,7 фоизга тушган, яъни 11,1 фоизга пасайган. Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг республика миқёсида жами ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 22,0 фоиздан 26.5 фоизга ортган. Шу билан бирга, кичик корхона ва микрофирмалар субъектларида банд бўлган аҳолининг иқтисодиётда банд бўлганлардаги салмоғи ҳам шу вақт мобайнида 2,9 фоизга ортган[46].

[45] Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари.
[46] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2.2-жадвал

Республика ва минтақанинг кичик корхона ва микрофирмаларининг тармоқлар бўйича асосий кўрсаткичлари[47]

Кўрсаткичлар	Ўл. бирлиги	Ўзбекистон Республикаси					Жиззах вилояти					Сирдарё вилояти				
		2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
ЯИМ (Ялпи ҳудудий маҳсулот)	трлн. сўм	255,4	317,5	424,7	529,4	602,6	7,8	9,7	12,8	16,1	18,1	6,1	6,8	8,6	11,9	12,9
шу жумладан:																
Ялпи ички маҳсулотдаги улуши	фоиз	66,8	65,3	62,4	56,0	55,7	84,2	85,6	86,2	83,1	83,4	75,9	77,9	77,8	69,8	70,9
Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми	фоиз	104,1	102,7	103,5	103,7	99,8	105,7	102,2	101,9	106,1	99,6	104,9	94,0	101,7	107,5	98,4
Кичик корхона ва микрофирмалар сони	бирлик	225560	242379	276237	353921	436981	9065	10069	11845	14769	18661	7668	8064	8947	11697	14256
Яратилган кичик корхона ва микрофирмалар сони	бирлик	31279	38167	48922	92874	93214	1486	1776	2319	3432	4278	1200	1189	1354	3153	2947
Тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони	бирлик	25207	21924	15601	15646	9895	540	840	575	540	374	447	1320	486	447	400
Кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш коэффициенти	К	13,9	15,7	17,7	26,2	21,3	16,4	17,6	19,6	23,2	22,9	15,6	14,7	15,1	27,0	20,7
Кичик корхона ва микрофирмаларни тугатиш коэффициенти	К	11,2	9,0	5,6	4,4	2,3	6,0	8,3	4,9	3,7	2,0	5,8	16,4	5,4	3,8	2,8
Иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши	фоиз	66,8	65,3	62,4	56,0	55,7	84,2	85,6	86,2	83,1	83,4	75,9	77,9	77,8	69,8	70,9
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши	фоиз	45,3	41,2	37,4	25,8	27,5	57,9	65,4	66,8	57,7	64,4	46,3	50,1	51,8	34,5	37,2
Қурилиш ишларидаги улуши	фоиз	66,9	64,8	73,2	75,8	72,4	92,5	94,1	97,2	98,0	96,3	90,2	89,2	95,2	93,0	97,5
Чакана савдо айланмасидаги улуши	фоиз	89,1	88,6	89,9	89,1	87,5	94,4	93,6	88,0	91,4	96,5	88,5	83,1	85,7	91,0	94,2
Иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидаги улуши	фоиз	77,9	78,0	76,3	76,2	73,8	80,8	80,9	79,0	79,9	79,0	78,7	78,8	77,4	76,1	74,5

[47]Муаллиф ишланмаси.

2.3-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши (2021 йил 1 январь ҳолатига)[48]

Тармоқлар	Ўзбекистон Республикаси		Жиззах		Сирдарё	
	минг бирлик	жамига нисба-тан фоиз	минг бирлик	жамига нисба-тан фоиз	минг бирлик	жамига нисба-тан фоиз
Жами	437,0	100,0	18,7	100,0	14,2	100,0
шундан:						
Саноат	87,9	20,1	3,6	19,3	2,2	13,4
Қурилиш	42,9	9,8	2,1	11,2	1,6	9,8
Қишлоқ хўжалиги	44,0	10,1	3,7	19,8	2,3	14,0
Транспорт ва алоқа	27,8	6,4	0,9	4,8	0,9	5,5
Савдо ва умумий овқатланиш	171,9	39,3	6,5	34,8	6,1	37,2
Бошқалар	62,5	14,3	1,9	10,1	3,3	20,1

2.3-жадвал маълумотлари далолат берадики, республика улушига нисбатан Жиззах ва Сирдарё вилоятининг кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятлари улуши ҳам кенгайиб бормоқда. Бу, аввало, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмида намоён бўлмоқда.

Таҳлил учун олинган даврларда кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги тақсимланишидан кўринадики, келтирилган маълумотларга кўра қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш улуши катта салмоқни эгаллайди. Бу эса келгусида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятида бошқа соҳаларни ҳам ҳар томонлама ривожлантиришга уларга ажратилаётган инвестициялар миқдорини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини тасдиқламоқда.

[48] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2.2. Вилоятда кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи статистик кўрсаткичларни баҳолаш

Ўтган пандемия даврида мамлакатимиз ҳудудларда аҳолининг ишсизлик даражасини пасайтириш ва барқарор даромад манбалари билан таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш, юқори даражада ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда тадбиркорлик, шу жумладан, кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти ҳамда унинг самарадорлигини ошириш энг муҳим омиллар сирасига киради.

Тадбиркорлик, кенг маънода, шахсий манфаатга асосланган, субъект олдида турган мақсадга эришишга қаратилган, унинг бевосита иштирокида шахсий омилларига асосланиб, амалга оширилувчи, оила хўжалигини ташкил қилишдан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда сотиш билан боғлиқ ишлар ақлий фаолият сифатида ўрганилади. Тор маънода эса, тадбиркорлик фақат иқтисодий жараёнларнинг барча даражаларида ишлаб чиқариш жараёнлари, яъни соҳибкорлик қобилиятини ифодалайди[50].

Шу сабабли ҳам истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, мамлакатимизда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини тараққий эттириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун жиддий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада бир қатор қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа соҳани ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда[51].

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ....миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ҳамда хусусий секторда фаолият

---

[50] Ғойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О ва бошқалар. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. – Т.: Фан, 2008. –190 б.

[51] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 6 октябрдаги ПФ–4848-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сонли “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.lex.uz

юритувчиларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди[52]. Белгилаб берилган бу вазифаларни бажаришда мамлакатимиз ҳудудларида комплекс равишда кичик корхона ва микрофирмалар субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг барқарор ўсиш тенденцияларига эришишларини таъминлаш ўта муҳим ҳисоблади.

Айниқса ҳозирги пандемиядан кейинги даврда мамлакатимизда кичик корхона ва микрофирмаларни миллий ва ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни юқори бўлмоқда. Бу соҳа имконият даражасида ички бозорни тўлдириш, аҳолининг маҳсулот ва хизматларга моддий эхтиёжларини қондириш ҳамда экспортни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Статистик таҳлилларга кўра, республикамизда кичик корхона ва микрофирмалар соҳаси ривожланишига Жиззах вилояти субъектлари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Бугунги кунда вилоятнинг доимий аҳолиси сони 1396,3 минг киши бўлиб, унда иқтисодий фаол аҳоли сони 598,9 минг киши (42,8 фоиз), меҳнат ресурслари сони 774,6 минг киши (55,5 фоиз), иқтисодиётда банд бўлганлар сони 534,3 минг киши(38,3 фоиз)ни ташкил этади. Вилоятда доимий аҳоли сони ошиши билан бирга иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг сони ҳам ўзгармоқда. Масалан, 2016 йилда вилоятда иқтисодиётда банд аҳоли сонининг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 103,0 фоизга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 99,6 фоизни ташкил этган[53].

Фикримизча, меҳнат бозоридаги асосий кўрсаткичлардан бири фойдали меҳнатга лаёқатли аҳолининг ишсиз қолишидир. Халқаро статистикада бугунги кунда дунёда 200 млн. кишидан ортиқ ишсиз мавжудлиги қайд этилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда ишсизлик даражаси 11,0 фоизни ташкил этмоқда. Айнан шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, вилоятнинг кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш,

---

[52] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

[53] Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. 2016-2019 йй.Статистик тўплам. – Т.: ДСҚ, 2021 йил. 16 бет.

уларни қўллаб-қувватлаш зарур. Шунингдек, Жиззах вилоятида номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи ҳам 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 117,3 фоизни ташкил этди[54].

Жиззах вилоятида банд аҳоли сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2.4-жадвалда келтирилган.

2.4-жадвал

Жиззах вилоятида банд аҳоли сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши[55] (фоизда)

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Жами	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**
Шу жумладан				
Қишлоқ,ўрмон ва балиқ хўжалиги	41,8	39,1	36,3	37,3
Саноат	9,9	9,6	10,3	10,3
Қурилиш	6,7	6,0	7,6	7,5
Савдо	7,6	7,2	7,5	7,7
Ташиш ва сақлаш	2,2	2,1	3,0	2,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1,9	1,8	2,0	2,0
Ахборот ва алоқа	0,2	0,2	0,2	0,1
Молиявий ва суғурта фаолияти	0,4	0,5	0,4	0,4
Таълим	8,6	8,7	8,3	8,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш	3,5	3,4	3,6	4,2
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,4	0,4	0,4	0,4
Бошқа фаолият турлари	16,8	21,0	20,4	18,8

Таҳлиллар кўрсатишича, 2020 йилда вилоятда банд аҳоли сони улуши асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 37,3 фоиз, саноатда 10,3 фоиз, таълим соҳасида 8,8 фоиз, қурилишда 7,5 фоиз, савдода 7,7 фоиз улушини ташкил қилган. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ва ЯҲМдаги улуши 2.5-жадвалда келтирилган[56] .

[54] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари
[55] Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. 2016-2020 йй. Статистик тўплам. – Т.: ДСҚ, 2021 йил. 16 бет.
[56] Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Статистик тўплам. – Т.: ДСҚ, 2021 йил. 16 бет.

Таҳлилларга кўра, 2020 йил республикада кичик корхона ва микрофирмалар соҳасининг ЯИМдаги улуши 55,7 фоизни ташкил этган. Сўнгги йилларда республикада кичик корхона ва микрофирмалар соҳасининг ЯҲМдаги юқори улуши Жиззах (83,4 фоиз), Сурхондарё (77,9 фоиз) Хоразм (76,3 фоиз), вилоятларига тўғри келаётган бўлса, энг паст улуш Навоий (26,6 фоиз), Тошкент (50,2 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (51,3 фоиз)га тўғри келмоқда.

2.5-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ва ЯҲМдаги улуши, фоизда

	2016 й.	**2017 й.**	**2018 й.**	**2019 й.**	**2020 й.**
Ўзбекистон Республикаси	**66,8**	**65,3**	**62,4**	**56,0**	**55,7**
Қорақалпоғистон Республикаси	63,6	58,5	57,0	56,3	57,8
Вилоятлар					
Андижон	83,6	80,2	73,1	69,6	69,4
Бухоро	79,3	79,9	80,9	74,3	75,3
Жиззах	**84,2**	**85,6**	**86,2**	**83,1**	**83,4**
Қашқадарё	66,7	73,6	72,7	70,8	71,1
Навоий	50,4	49,4	42,3	30,7	26,6
Наманган	79,8	80,8	80,5	75,9	74,9
Самарқанд	81,2	82,6	80,8	75,2	74,8
Сурхондарё	79,1	79,5	81,2	78,8	77,9
Сирдарё	75,9	77,9	77,8	69,8	70,9
Тошкент	67,9	65,0	58,9	51,3	50,2
Фарғона	73,9	71,7	71,3	69,3	68,8
Хоразм	79,4	79,1	79,1	76,4	76,3
Тошкент ш.	68,1	63,0	64,8	53,1	51,3

2021 йил 1 январь ҳолатига Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари томонидан республика кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятларида яратилаётган саноат маҳсулотларининг 64,2 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97,0 фоизи, асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажмининг 49,5 фоизи, чакана савдо айланмаси ҳажмининг 82,2 фоизлик улуши тўғри келган[57].

[57]Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Жиззахда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хизматлар экспорти ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, вилоятнинг кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 2016 йилда 74,4 млн.долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинган бўлса, 2020 йилда 76,5 млн.долларни ташкил этган ёки нисбий миқдорларда ўсиш суръати 102,8 фоизга тенг бўлган. Аммо Жиззах кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг экспортдаги улуши республика даражасида 2016 йилда 2,3 фоиз ва 2020 йилда 2,5 фоизга ошган.

Лекин Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмаларнинг импорти ҳажми сўнгги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, вилоятда 2016 йилда товар ва хизматлар импорти 59,8 млн.доллар бўлган бўлса, 2020 йилда 646,9 млн.долларга тенг бўлган ёки 587,1 млн.долларга (10,8 баробар) сезиларли даражада ошган[58] .

Статистик таҳлилларга кўра, Жиззахда бу соҳада банд аҳоли сони ҳам ортиб келмоқда. Чунончи, 2016 йил якунида вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар соҳасида банд аҳоли сони 372,2 минг кишини, 2017 йилда 378,7 минг кишини (ўсиш суръати базис йилига нисбатан 101,7 фоиз), 2018 йилда 384,5 минг киши (ўсиш суръати базис йилига нисбатан 101,5 фоиз) ҳамда 2020 йилда 421,1 минг киши (2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 109,5 фоиз)ни ташкил этган. Жиззахда 2020 йилда иқтисодиётда умумий банд бўлганлар сонида кичик тадбиркорликда банд бўлганлар улуши 79,0 фоизни ташкил этди (республикамизда бу кўрсаткич 73,8 фоизга тенг).

Ҳудудлар бўйича кичик корхона ва микрофирмалар сифатида рўйхатдан ўтганлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликлари кирмаган)ни статистик таҳлил қилсак, 2017 йил 1 январь ҳолатига Жиззах вилоятида рўйхатдан ўтган корхоналар сони 9065 тани, 2021 йил 1 январь ҳолатига 18661 тани ташкил этиб, 9596 тага ёки 2 баробарга ошган (2.6-жадвал).

[58] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Таҳлилларимиз кўрсатадики, бир қатор сабабларга кўра (ишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, хомашё етишмаслиги, молиявий қийинчиликлар, маркетинг тизимини яхши ишламаслиги, ишдаги қўнимсизлик ва ҳоказо) рўйхатга олинган кичик корхона ва микрофирмалар амалда ўз фаолиятини юритмаган. Шунинг сабабли статистик тадқиқ этишда асосий эътиборни фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларига қаратиш мақсадга мувофиқдир.

2017 йил 1 январь ҳолатига Жиззах вилоятида 8013 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) фаолият юритган бўлса (рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик корхоналарининг 88,4 фоизи), 2021 йил 1 январь ҳолатига 17725 тани ташкил этган (рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик корхоналарининг 95,0 фоизи). Ёки 2020 йилда 2016 йилга нисбатан фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик корхоналари сони 2,2 баробарга ошган. Вилоятда янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик корхоналари сони ҳам сўнгги йилларда сезиларлича ошмоқда. Масалан, 2017 йил 1 январь ҳолатига вилоятда 1486 та кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилган бўлса, 2020 йилга келиб, уларнинг сони 4278 тага етган ёки нисбий ўсиш суръати 2,9 баробарга кўпайган (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмаларнинг (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) демографик ҳолати динамикаси, (1 январь ҳолатига)

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1. Рўйхатдан ўтган кичик корхона ва микрофирмалар сони, бирлик	9065	10069	11845	14769	18661
2. Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони, бирлик	8013	9310	11197	14011	17725
3. Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами рўйхатдан ўтган кичик корхона ва микрофирмалар сонидаги улуши, фоиз	88,4	92,5	94,5	94,9	95,0
4. Кичик корхона ва микрофирмалар рўйхатидаги ходимларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	25,7	27,5	36,1	45,0	47,5
5. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони, бирлик	1486	1776	2319	3432	4278

Таҳлиллардан кўринадики, кичик корхона ва микрофирмалар соҳасининг барқарор тараққий этишини замонавий инновация ютуқлари ва молиявий ресурсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли, келажакда уларнинг юксалишида энг муҳим устуворлик “кичик бизнеснинг билимларга асосланган иқтисодиёти”га, “кичик тадбиркорликнинг инновацион иқтисодиёти”га боғлиқ бўлади.

Юқоридаги жадвалдаги таҳлиллар Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар томонидан жорий этилган инновациялар 2019 йилга келиб, сезиларли ошиб, 2016 йилда 38 донадан 97 донага етганлиги ёки 2016 йилга нисбатан 2,6 баробарга ошганлигини кўрсатмоқда.

2.7-жадвал

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирма субъектларининг инновацион-молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	Кўрсаткичлар	**2016 й.**	**2017 й.**	**2018 й.**	**2019 й.**
1.	Маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум, млрд. сўм	2171,7	2954,7	5055,3	6975,8
2.	Сотилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) таннархи, млрд.сўм	1670,6	2247,1	4047,8	5788,4
3.	Давр харажатлари, млрд.сўм	246,3	305,8	492,5	741,2
4.	Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар), млрд.сўм	239,3	315,2	470,7	318,5
5.	Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, иш ва хизматлар, млрд.сўм	55,1	173,8	232,2	559,0
6.	Умумий рентабеллик даражаси, фоиз (4:2)*100	14,9	14,0	11,6	5,5
7.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўм	261,2	484,0	1031,9	4439,8
8.	Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан жорий этилган инновациялар, бирлик	38	21	27	97

Таҳлил қилинаётган даврда кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва

хизматлар ҳажми ҳам кескин ошган. Хусусан, вилоятда бундай инновацион маҳсулотлар 2016 йилда қарийб 55,1 млрд.сўм бўлган бўлса, 2019 йилга келиб, 559,0 млрд.сўмга етган ёки 10,1 баробарга ошган[59].

Бу эса кичик корхона ва микрофирмалар соҳасида Жиззах вилоятининг ҳудудлар кесимида (шаҳар ва туманлар миқёсида) тегишли стратегик режаларни ишлаб чиқиш, махсус дастурлар ва йўл хариталари қабул қилишни талаб этади.

2.8-жадвал

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг фаоллик даражаси (1 январь ҳолатига)

Йиллар	Кичик корхона ва микрофирмалар субъектининг фаоллик даражаси, %
2010	87,9
2011	87,2
2012	92,4
2013	88,2
2014	87,7
2015	87,0
2016	85,6
2017	88,4
2018	92,4
2019	94,5
2020	94,8
2021	94,9

Олиб борган илмий таҳлилларга кўра, ўрганилаётган йилларда Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари фаолиятида умумий рентабеллик даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Масалан, 2016 йилда вилоят кичик корхона ва

[59] Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. 2016-2019 йй.Статистик тўплам. – Т.: ДСҚ, 2020 йил. 187-188 бетлар.

микрофирмалар субъектларида умумий рентабеллик даражаси 14,9 фоизни ташкил этган бўлса, йил сайин (2017 йилда мос равишда 14,0 фоиз, 2018 йилда 11,6 фоиз) сезиларли равишда пасайиб, 2019 йилга келиб, ушбу кўрсаткич атиги 5,5 фоизни ташкил этган.

Бу маълумотлардан кўринадики, Жиззах вилоятида кичик бизнес субъектининг фаоллик даражаси бошқа вилоятларга нисбатан юқори туради. Таҳлил қилинаётган йилларда ҳам уларнинг фаоллик даражаси 85-95 фоиз атрофида бўлган. Шу сабабли ҳам вилоятда кичик бизнес соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ўртача 83,0-84,0 фоизни ташкил этмоқда. (республика ялпи ички маҳсулотида уларнинг улуши 55,7 фоизга тенг)

2.9-жадвал

Жиззах вилояти бўйича кичик корхона ва микрофирмалар субъектларини ташкил этиш, тугатиш ва соф яшовчанлик коэффициентлари (1 январь ҳолатига)

Йил	Кичик корхона ва микрофирмалар субъектининг ташкил этилиш коэффициенти, %	Кичик корхона ва микрофирмалар субъектининг тугатилиш коэффициенти, %	Кичик корхона ва микрофирмалар субъектининг соф яшовчанлик коэффициенти, %
2010	18,5	7,3	11,2
2011	21,1	14,7	6,4
2012	19,6	7,4	12,2
2013	9,9	7,3	2,6
2014	12,1	7,1	5,0
2015	11,4	6,6	4,8
2016	12,6	6,8	5,8
2017	16,4	14,6	1,8
2018	17,6	8,3	9,3
2019	19,6	4,8	14,8
2020	23,2	3,6	19,6
2021	22,9	2,1	20,8

Таҳлилларимиздан кўриниб турибдики, Жиззах вилояти бўйича кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг ташкил этилиш, тугатилиш ва соф яшовчанлик коэффициентлари орасида

катта ўзгарувчанлик (вариация) мавжуд. Масалан, 2010 йилда 18,5 фоиз янги кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган бўлса, 2013 йилга келиб, 9,9 фоизга тушиб қолган. 2019 йилдан буён юқори суръатларга эга бўлмоқда.

Кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг тугатилиш ҳолатига эътибор қаратсак, 2011 йилда 14,7 фоиз, 2017 йилга келиб, 14,6 фоиз корхоналар ёпилган. Натижада вилоятда 2017 йилда кичик тадбиркорлик корхоналарининг соф яшовчанлик коэффициенти қарийб 1,8 фоизни ташкил этган.

2.10-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил учун олинган 4 йилда ҳам вилоят бўйича кичик бизнес субъектларининг яшовчанлик даражаси юқорилигача сақланиб қолиб, ўсиш тенденциясига эга бўлган.

2.10-жадвал

Жиззах вилояти бўйича ҳудудлар кесимида кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг фаоллик даражаси

№	Шаҳар ва туманлар	Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар улуши, %			
		01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021
1.	**Вилоят бўйича жами**	**92,4**	**94,5**	**94,8**	**94,9**
2.	Арнасой	100,0	99,6	100	98,1
3.	Бахмал	85,3	88,8	92,5	89,9
4.	Ғаллаорол	96,1	99,8	98,1	95,4
5.	Ш.Рашидов	97,1	97,5	96,6	96,6
6.	Дўстлик	82,0	91,3	95,4	94,5
7.	Зомин	98,4	94,1	94,1	95,3
8.	Зарбдор	95,2	97,8	96,8	95,8
9.	Мирзачўл	73,0	84,0	88,7	88,7
10.	Зафаробод	65,1	78,4	82,0	87,3
11.	Пахтакор	80,9	87,0	89,1	88,2
12.	Фориш	90,3	94,7	95,8	98,4
13.	Янгиобод	88,2	99,1	91,8	91,2
14.	Жиззах шаҳри	94,9	94,9	95,1	96,2

Ўрганилаётган йилларда вилоятнинг Зафаробод, Мирзачўл туманларида кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг сезиларлича ошиши кузатилди. Аммо Зомин туманида эса тескари

ҳолатни кузатиш мумкин, бу ерда йиллар давомида пасайиш кузатилган. 2020 йилга келиб, 95,3 фоизни ташкил этган. Яъни Зомин туманида ташкил қилинган кичик бизнес субъектларининг 4,7 фоизи ўз фаолиятини тугатган ёки тўхтатган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиззах вилояти ва унинг ҳудудларида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни тавсия этамиз. Яъни:

1. Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлашда қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади: интенсив омиллар ҳисобига ҳудудий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; туман ва шаҳарларда кичик тадбиркорлик фаолиятини истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга кўпроқ йўналтириш; туман ва шаҳарлар ўртасида ҳудудий тадбиркорлик субъектлари ривожланишидаги фарқларни камайтириш ва ҳоказо.

2. Жиззахда кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг экспорт билан шуғулланиши ривожланиши учун улар фаолиятини кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур. Бунинг учун соҳа субъектлари кучли рақобат шароитида ташқи бозорда муваффақиятли фаолият юритишлари учун махсус ташқи савдо уйларини ривожлантириш; халқаро стандарт талабларига жавоб берувчисифатни назорат қилиш тизимини амалиётга жорий этиш; товар ва хизматларни рақобатбардошлигини ошириш; экспортга чиқарилаётган юкларга транспорт хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

3. Вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг инновацион ривожланишни самарали ташкил этиш бўйича аниқ мақсад ва стратегияни ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун соҳада фаолият юритаётган субъектлар инновацион даражада ривожланишининг интеграл кўрсаткичларини аниқлаш ва келгуси даврлар учун прогноз кўрсаткичларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

2.3. Вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар молиявий самарадорлигининг иқтисодий-статистик таҳлили

Бугунги кунда кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий вазифаси аҳолининг эҳтиёж ва талабларини қондириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг турларини кўпайтириш, сифатини ошириш ва шу асосда корхона фаолиятини олиб бориш ҳамда фойда олишдан иборат.

Қуйидагилар кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий фаолият доирасига киради:

- турли қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга сотиш;
- маҳаллий хомашёдан унумли фойдаланган ҳолда экологик тоза технология асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш;
- кичик корхона ва микрофирмаларга тегишли дўкон ва савдо шахобчалар фаолиятини йўлга қўйиш.

Кичик корхона ва микрофирмалар ўз уставига мувофиқ бошқарилади. Кичик корхона ва микрофирмалар бошқарув структураси, шакли ва услублари ҳамда штатларни мустақил белгилайди.

“JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятида ишчилар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг яхлит тизимини ўз ичига олувчи бошқарувининг махсус ташкилий тузилмаси жорий этилган булиб, бу бўйича ишчилар белгиланган мақсадга энг оптимал усуллар ёрдамида эришиш вазифасини бажарадилар.

“JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятида бошқарув чизиқли ташкилий тузилмага эга. Чизиқли бошқарув ташкил этилиши тўғридан-тўғри лавозим мажбуриятларини шу тарзда тақсимлаш асосида амалга ошириладики, бунда барча ходимлар корхона белгилаган асосий вазифаларини бажаришига йўналтирилган бўлади ва бу тузилма қўл остидагиларга бевосита таъсир кўрсатишни амалга ошириш ва

раҳбарда барча бошқарув вазифаларини жамлашни назарда тутади. Барча ваколатлар тўғридан-тўғри белгиланиб, улар юқори бошқарув бўғинидан қуйи бошқарув бўғинларига томон ўзгаради.

Корхонада 270 нафар ишчи-ходимлар фаолият юритади. Улардан: корхонанинг иш бошқарувчиси – 8 киши, асосий ишлаб чиқариш ходимлари – 245 киши, ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари – 12 киши, муҳандис-техник ходимлар – 5 кишидан иборат. Корхона хўжалик фаолиятининг мақсадга мувофиқ йўналтирилган жараёнлари маркетинг хизмати орқали намоён этилади.

Бунда ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотларни истеъмолчилар бозорида жойлаштириш ва уларни сотиш жараёнларини ташкиллаштириш, хомашё ва моддий ресурсларни шакллантириб бориш, товар ва маҳсулотларда шаклланаётган нархларни тўғри ифодалаш, турли хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этиш, самарали рекламани уюштириш, аҳоли талаби ва таклифини изчил ўрганиш, потенциал истеъмолчилар қобилиятини ўрганиш ва уларнинг ишончига эришиш масалалари кенг ёритилади.

Молиявий маблағлар ва уларнинг шаклланиш манбалари мавжудлиги ҳақидаги ишлаб чиқилган сметадан фойдаланиш тадбиркорларга бозор муносабатлари тизимининг тўлақонли иштирокчилари сифатида фаолият юритиш имконини яратади.

“JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамияти юридик шахс сифатида фаолият юритиб, мустақил молиявий балансига эга. Корхона юридик шахс сифатида ўз муҳри, тўртбурчак тамғаси, юридик манзили ва банкларда ўз ҳисоб рақамига эга бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади аҳолига тайёр тўқимчалик маҳсулотлари етказиб бериш ҳисобланади. Корхона кенг турдаги тўқимчалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамияти фаолияти самарадорлигини баҳоловчи турли хил молиявий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, турли шаклдаги йиллик ҳисоботлар, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар ва бухгалтерия баланси асосида таҳлил қилинди.

2.11-жадвал

2018-2020 йилларда “JIZZAX INDUSTRIAL TO‘QIMA” масъулияти чекланган жамиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили[60]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	17574048	29917430	124047910
Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум	минг.сўм	17574048	26353944	111805449
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи	минг.сўм	15259607	23549651	96536174
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар(-)	минг.сўм	1720914	677269	2534892
Соф фойда (зарар (-)	минг.сўм	842212	595997	2154658
Асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси*	минг.сўм	3307082	36751985	91722329
Асосий капиталга киритилган инвестициялар (янги асосий воситалар)	минг.сўм	-	15485981	54970344
Ишчи-ходимлар сони	киши-меҳнат	300	310	270
шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш ходимлари	Киши-меҳнат	271	283	245
Ўртача иш ҳақи	минг сўм	3620	3830	3680

“JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари 2.11-жадвалда берилган.

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятида 2018-2020 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 7 баробарга ошган. Сотилаётган маҳсулотлар эса 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 94,2 млрд. сўмга ёки 6,4 баробарга ошган. 2020 йилда корхонанинг соф фойдаси эса 2018 йилга нисбатан 1,3 млрд. сўмга ошган ёки 2,5 баробарни ташкил этган. Ўртача иш ҳақи миқдори ҳам 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 1,7 фоизган ошган.

2.12-жадвалда “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятининг 2020 йилдаги молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари берилган.

[60] Жадвал “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

2.12-жадвал

2020 йилда “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари[61]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Режа	Ҳақиқат	Режанинг бажарилиши, %
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	107774031	124047910	115,1
Маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум	минг.сўм	107774031	111805449	113,7
Сотилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) таннархи	минг.сўм	86657247,8	96536174	111,4
Ишлаб чиқарилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи	минг.сўм	91682782	102959765	112,3
Давр харажатлари	минг.сўм	5583653	5980093	107,1
Бошқа харажатлар	минг.сўм	6236648	6754290	108,3
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар (-)	минг.сўм	2219695	2534892	114,2
Соф фойда (зарар (-)	минг.сўм	1880155	2154658	114,6

2.12-жадвал маълумотлари кўрсатадики, “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш шартнома топшириқларининг 15,1 фоизга ошиши маҳсулот сотишдан тушган тушум 13,7 фоизга, умумий ишлаб чиқариш харажатлари 11,4 фоизга, ишлаб чиқариш таннархи 12,3 фоизга ошишига олиб келди. 2020 йилда корхонанинг сотиш харажатлари 420,0 млн. сўмни ташкил этиб, режага нисбатан 7,0 фоиз ошган. 2019 йилда маъмурий харажатлар режаси эса 4,0 фоизга, ялпи фойда эса 14,6 фозга ошган.

[61] Жадвал “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Қисқа муддатга режалаштирилган фойда ҳолати таҳлили билан бирга, фаолиятнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини кўзлаган ҳолда таҳлил қилиш керак. Бунинг учун, корхонанинг тайёр маҳсулотни сотиш ҳажми билан ишлаб чиқаришдаги ўзгарувчан харажатлар ҳажми ёки белгиланган харажат ва ялпи фойда қиймати ўртасидаги тафовутни белгиловчи «товон» ёки «омонат» атамаларидан фойдаланиш беқиёс аҳамият касб этади.

Корхонага фойда билан харажатни тенглаштириш имконини берувчи харажатни қоплаш нуқтаси, яъни маҳсулотни (миқдор ёки мазкур нархлардаги қиймати бўйича) сотиш ҳажмининг ҳисоб-китоби товон тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Харажатни қоплаш нуқтасини топиш хавфсизлик маржаси, яъни ишлаб чиқаришнинг амалдаги аниқ (режадаги, ҳисоб-китобли) ҳажми билан зарар кўрмай ишлашни таъминловчи (мутлақо ёки фоизлардаги) фарқни аниқлашга ёрдам беради.

2.13-жадвал

2018-2020 йилларда “JIZZAX INDUSTRIAL TO‘QIMA” масъулияти чекланган жамиятида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш[62]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	17574048	29917430	124047910
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган истеъмол моллари, (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	17574048	25244440	13797110
Реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми	минг.сўм	3274048	26352944	122310986
Амалдаги нархларда ҳисобот даври охирига тайёр маҳсулот қолдиғи	минг.сўм	14300000	3564486	1736924

[62] Жадвал “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

2.13-жадвал маълумотлари кўрсатадики, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 4,1 баробарга, сотилган маҳсулотлар ҳажми эса 4,6 баробарга ортиши тайёр маҳсулот захираларининг 51,3 фоизга камайишига олиб келган.

Кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари фаолияти бошқарувини умумий таҳлил қилишда, шунингдек, бошқарувдаги баъзи ҳолатларини баҳолаш мақсадида қуйида келтирилган энг муҳим кўрсаткичлар ва уларнинг миқдорий даражаларини аниқлаш керак. Фаолиятнинг ялпи самарадорлик кўрсаткичи икки усулда ҳисоблаб топилади:

а) кредит фоизлари ва солиқ тўловлари (жумладан, облигациялар бўйича дивиденд ҳамда бошқа турдаги қарз маблағларига тўловлар)ни тўлагунгача даромаднинг фойдаланилаётган барча капитал қийматига нисбати сифатида;

б) кредит фоизлари ва солиқ тўловлари (жумладан, облигациялар бўйича дивиденд ҳамда бошқа турдаги қарз маблағларига тўловлар)ни тўлагунгача даромаднинг сотилаётган тайёр маҳсулот таннархига нисбати бўлиб, самарадорликни ҳисоблашда фойда суммаси кредитни тегишли даврга ёзилган ва таннарх ҳисобидан қопланувчи фоизларга тенг суммага ошириб қўйилади.

Корхонанинг хусусий капитал самарадорлигини ҳисоблашда солиқ тўловларини тўлагунгача фойданинг хусусий капиталга нисбати олинади. Сотишнинг ялпи самарадорлик кўрсаткичи брутто-фойданинг жами сотилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали ҳисобланади.

Молиявий ресрсларни жалб қилиш («боғлаш») коэффициенти эса мақсадига кўра, қарзга жалб қилинган жами маблағлар (жумладан, банк кредитлари, ижара ҳақи, бошқа турдаги қарзлар) суммасининг фойдаланилаётган жами капиталга ўзининг соф маблағларига (ишлатилаётган капиталдан ижарани ва бошқа қарзлар маблағларини чегириб ташлаб), хусусий капиталига нисбатида топилади. Фоизли тўловларни қоплаш коэффициенти

солиқ ва фоизларни тўлашга қадар даромаднинг банк кредитлари бўйича ёзилган фоизлар миқдорига нисбати сифатида ҳисобланади.

Қуйида 2.14-жадвалдан кўриниб турибдики, 2020 йилда сотилган маҳсулот рентабеллиги 42,2 фоизни, 2019 йилда 32,6 фозни, 2018 йилда эса 36,1 фоизни ташкил этган. 2020 йилда сотилган маҳсулот рентабеллиги 2018 йилга нисбатан 6,1 фоизга, 2019 йилга нисбатан эса 9,6 фоизга ошган.

2.14-жадвал

2018-2020 йилларда "JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA" масъулияти чекланган жамиятининг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили[63]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум	минг.сўм	17574048	26353944	111805449
Сотилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) таннархи	млн.сўм	15259607	23549651	96536174
Соф фойда (зарар (-))	минг.сўм	842212	595997	2154658
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар (-)	минг.сўм	1720914	677269	2534892
Асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича ўртача йиллик қолдиқ қиймати*	минг.сўм	3307082	20029534	64237157

Қуйида 2.15-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018 йилда корхонадаги ходимлар сони 300 киши бўлган бўлса, 2019 йилда 310 кишини ташкил этган. Лекин бу ўзгариш ходимлар сонини ўзаро нисбати бўйича асосий ишлаб чиқариш ходимларига тааллуқли бўлган.

[63] Жадвал "JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA" масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

2.15-жадвал

2018-2020 йилларда “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамияти ходимларининг сони ва ўзаро нисбати таҳлили[64]

Ходимлар	2018 й.		2019 й.		2020 й.	
	Киши	%	киши	%	Киши	%
Асосий ишлаб чиқариш ходимлари	271	105,2	283	104,4	245	86,6
Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари	14	100	13	92,8	12	92,3
Муҳандис-техник ходимлар	7	100	6	85,7	5	83,3
Маъмурий-бошқарув ходимлари	8	100	8	100	8	100
Жами:	300	105,0	310	103,3	270	87,1

2.16-жадвал маълумотларига кўра, инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб борган. Масалан, 2019 йилда инвестициялар ҳажми 15,5 млрд. сўм бўлган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 55 млрд. сўмни ташкил этиб, 39 млрд. сўм ёки 3,6 баробарга кўпайган.

2.16-жадвал

2018-2020 йилларда “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятида инвестицияларни баҳолаш (инвестициялар ҳажмининг товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати)[65]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Асосий капиталга киритилган инвестициялар (янги асосий воситалар)	минг.сўм	-	15485981	54970344
Амалдаги нархларда	минг.сўм	17574048	29917430	124047910

[64] Жадвал “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA”масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

[65] Жадвал “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)				
Инвестициялар даражаси	%		51,8	44,3

Қуйидаги 2.17-жадвал маълумотлари асосида амалга оширган таҳлилларга кўра, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми режа бўйича 2020 йилда 107,7 млрд. сўм қилиб белгиланган бўлса, ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 124,1 млрд. сўмни ташкил этган. Режа 15,1 фоизга бажарилган. Корхонада умумий ишлаб чиқариш харажатлари режасининг бажарилиши 2020 йилда 111,4 фоиз, ишлаб чиқариш таннархи харажатлари эса 112,3 фоизни ташкил этган. Корхонадаги фойда режага нисбатан 110,3 фоизга бажарилган. Бунда таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи иш самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг хўжалик ҳисобида ишлаш жараёнида маҳсулот таннархининг пасайиши муҳим аҳамиятга эга.

2.17-жадвал

2020 йилда “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA” масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш сарф-харажатлари таҳлили[66]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Режа бўйича	Ҳақиқат	Режанинг бажарилиши, %
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	107774031,3	124047910	115,1
Сотилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) таннархи	минг.сўм	86657247,8	96536174	111,4

[66] Жадвал “JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA”масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Давр харажатлари	минг.сўм	5583653,6	5980093	107,1
Бошқа харажатлар	минг.сўм	6236648,2	6754290	108,3
Ишлаб чиқарилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи	минг.сўм	91682782,7	102959765	112,3
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	минг.сўм	6236648,2	6754290	108,3

Иккинчи танлаб олинган корхонанинг асосий вазифаси аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг ассортиментини кўпайтириш, сифатини ошириш ва шу асосда фойда олишдан иборат. Корхона ўз низомига мувофиқ бошқарилади. Корхона бошқарув структураси, шакли ва услублари ҳамда штатларни мустақил белгилайди.

Корхонада 237 нафар ишчи-ходимлар фаолият юритади. Улардан: корхонанинг иш бошқарувчиси – 4 киши, асосий ишлаб чиқариш ходимлари – 205 киши, ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари – 23 киши, муҳандис-техник ходимлар – 5 кишидан иборат. Корхона хўжалик фаолиятининг мақсадга мувофиқ йўналтирилган жараёнларини маркетинг хизмати орқали намоён этилади.

Маблағлар ва уларнинг шаклланиш манбалари мавжудлиги ҳақидаги ишлаб чиқилган сметадан фойдаланиш тадбиркорларга бозор муносабатлари тизимининг тўлақонли иштирокчилари сифатида фаолият юритиш имконини яратади.

“MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамияти юридик шахс сифатида фаолият юритиб, мустақил молиявий балансига эга. “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамияти фаолияти самарадорлигини баҳоловчи турли хил молиявий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, турли шаклдаги йиллик ҳисоботлар, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар ва бухгалтерия баланси асосида таҳлил қилинди.

2.18-жадвал

2018-2020 йилларда “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили[67]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	43449958	72493643	94307033
Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум	минг.сўм	26258275	41527997	82875751
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи	минг.сўм	14048597	26468472	68904614
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар(-)	минг.сўм	8150162	4559002	3002650
Соф фойда (зарар (-)	минг.сўм	5981893	4011922	2552253
Асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси*	минг.сўм	188550713	361658457	354943501
Асосий капиталга киритилган инвестициялар (янги асосий воситалар)	минг.сўм	187326527	173107744	34832750
Ишчи-ходимлар сони	киши-меҳнат	215	220	237
шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш ходимлари	Киши-меҳнат	189	197	205
Ўртача иш ҳақи	минг сўм	3250	3480	3660

“MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили юқоридаги 2.18-жадвалда берилган. “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятида 2018-2020 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 баробарга ошган. Сотилаётган маҳсулотлар эса 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 56,6 млрд. сўмга ёки 3,1 баробарга ошган. 2020 йилда корхонанинг соф фойдаси эса 2018 йилга нисбатан 3,4 млрд. сўмга камайган ёки 2,5 баробарни ташкил этган. Ўртача иш ҳақи миқдори ҳам 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 42,7 фоизни ташкил этган.

[67] Жадвал “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган

Қуйидаги 2.19-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш шартнома топшириқларининг 4,9 фоизга ошиши маҳсулот сотишдан тушган тушум 6,8 фоизга, умумий ишлаб чиқариш харажатлари 12,0 фоизга, ишлаб чиқариш таннархи 10,1 фоизга ошишига олиб келди. 2019 йилда маъмурий харажатлар режаси эса 8,0 фоизга, ялпи фойда эса 7,45 фоизга кўпайган.

2.19-жадвал

2020 йилда “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили[68]

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Режа	Ҳақиқат	Режанинг бажарилиши, %
1.	Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	89816805	94307033	104,99
2.	Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум	минг.сўм	77543600	82875751	106,88
3.	Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи	минг.сўм	61520150	68904614	112,00
4.	Ишлаб чиқарилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи	минг.сўм	75 451 124	83074720	110,10
	Давр харажатлари	минг.сўм	2 283 866	2466575	108,00
	Бошқа харажатлар	минг.сўм	13 066 540	15157187	116,00
10.	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар (-)	минг.сўм	2 796 415	3002650	107,37
12.	Соф фойда (зарар (-)	минг.сўм	2 375291	2522253	107,45

[68] Жадвал “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

“MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятига фойда билан харажатни тенглаштириш имконини берувчи харажатни қоплаш нуқтаси, яъни маҳсулотни (миқдор ёки мазкур нархлардаги қиймати бўйича) сотиш ҳажмининг ҳисоб-китоби товон тушунчаси билан бевосита боғлиқ.

2.20-жадвал

2018-2020 йилларда “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили[69]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	43449958	72493643	94307033
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган истеъмол моллари, (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	-	-	-
Реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми	минг.сўм	24108377	34669233	51628480
Амалдаги нархларда ҳисобот даври охирига тайёр маҳсулот қолдиғи	минг.сўм	19341581	37824410	42678553

2.20-жадвал маълумотлари кўрсатадики, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 2,1 баробарга, сотилган маҳсулотлар ҳажмининг ҳам 2,1 баробарга ортиши тайёр маҳсулот захираларининг 2,2 баробарга ортишига олиб келган.

Корхонанинг хусусий капитал самарадорлигини ҳисоблашда солиқ тўловларини тўлагунгача фойданинг хусусий капиталга нисбати олинади. Сотишнинг ялпи самарадорлик кўрсаткичи брутто-фойданинг жами сотилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали ҳисобланади.

[69] Жадвал “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Молиявий капитални жалб қилиш («боғлаш») коэффициенти эса мақсадига кўра, қарзга жалб қилинган жами маблағлар (жумладан, банк кредитлари, ижара ҳақи, бошқа турдаги қарзлар) суммасининг фойдаланилаётган жами капиталга ўзининг соф маблағларига (ишлатилаётган капиталдан ижарани ва бошқа қарзлар маблағларини чегириб ташлагаб), хусусий капиталига нисбатида топилади.

Қуйида 2.21-жадвалдан кўриниб турибдики, 2020 йилда сотилган маҳсулот рентабеллиги 3,0 фоизни, 2019 йилда 9,7 фозни, 2018 йилда эса 22,8 фоизни ташкил этган. 2020 йилда сотилган маҳсулот рентабеллиги 2018 йилга нисбатан 13,3 фозга, 2019 йилга нисбатан эса 31,5 фозга ошган.

2.21-жадвал

2018-2020 йилларда “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятининг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили[70]

Кўрсаткичлар	**Ўлчов бирлиги**	**2018 й.**	**2019 й.**	**2020 й.**
Маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум	минг.сўм	26 258 275	41 527 997	82 875 751
Сотилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) таннархи	млн.сўм	14 048 597	26 468 472	68 904 614
Соф фойда (зарар (-)	минг.сўм	5 981 893	4 11 922	2 522 253
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар (-)	минг.сўм	8150162	4559002	3002650
Асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича ўртача йиллик қолдиқ қиймати*	минг.сўм	188550713	361658457	354943501
Асосий капиталга киритилган инвестициялар (янги асосий воситалар)	минг.сўм	18732657	173107744	34832750

2.22-жадвалда кўриниб турибдики, корхонада бир ходимга

[70] Жадвал “MINGYUAN SILU INDUSTRY” масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги режа бўйича 383,8 млн. сўмни ташкил этган, ҳисобот йилида эса бу кўрсаткич 397,9 млн. сўмни ташкил этган. Шундай қилиб белгиланган режа ҳисобот йилида 14,1 млн. сўмга кўп ёки 103,67 фоизга бажарилган.

Меҳнат унумдорлиги ортишига ходимларнинг малакаси, уларнинг меҳнатга муносабати, ишлаб чиқарилаётган товарлар тузилишининг ўзгариши ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш омиллари ижобий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

2.22-жадвал

2020 йилда "MINGYUAN SILU INDUSTRY" масъулияти чекланган жамиятида меҳнат унумдорлиги режасининг бажарилиш таҳлили[71]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Режа бўйича	Ҳақиқат	Режанинг бажарилиши, %
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	минг.сўм	89816805	94307033	104,99
Корхона ходимлари сони	киши	234	237	101,28
шу жумладан:				
асосий ишлаб чиқариш ходимлари сони	Киши	203	205	100,98
ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари сони	Киши	22	23	104,54
муҳандис-техник ходимлар	Киши	5	5	100,00
маъмурий-бошқарув ходимлари	Киши	4	4	100,00
Битта ходимга тўғри	минг.	383832,5	397919,97	103,67

[71] Жадвал "MINGYUAN SILU INDUSTRY" масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

келувчи меҳнат унумдорлиги	сўм			
Битта асосий ишлаб чиқариш ходимига тўғри келувчи меҳнат унумдорлиги	минг. сўм	442747,31	460034,30	103,97
Битта ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимига тўғри келувчи меҳнат унумдорлиги	минг. сўм	4082582,04	4100305,78	100,43
Битта муҳандис-техник ходимга тўғри келувчи меҳнат унумдорлиги	минг.сўм	17963361,00	18861406,60	104,99
Битта маъмурий-бошқарув ходимига тўғри келувчи меҳнат унумдорлиги	минг.сўм	22454201,25	23576758,25	104,99

Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи иш самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг хўжалик ҳисобида ишлаш жараёнида маҳсулот таннархининг пасайиши муҳим аҳамиятга эга.

III БОБ. ҲУДУДЛАРДА КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Кичик корхона ва микрофирмаларда ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини статистик баҳолаш тизими

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ташқи иқтисодий фаолияти уларни ҳисобга олиш зарур бўлган бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади. Кичик корхона ва микрофирмалар ташқи иқтисодий фаолиятини статистик таҳлил қилишнинг умумий услубият ва тамойилларини ўрганиш ва таҳлил қилишда услубий жиҳатларини ҳисобга олиш керак, албатта. Шу боисдан илмий ишда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини статистик таҳлил қилиш хусусиятларини алоҳида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ташқи иқтисодий фаолият атамасига ташқи савдо ва инвестиция фаолияти, шунингдек, товарлар, ахборот, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари, жумладан, уларга эгалик ҳуқуқларини (интеллектуал мулк) халқаро айирбошлаш соҳасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини ўз ичига олувчи бошқа фаолият турларидир деган таърифни келтиришимиз мумкин. Умумлаштирилган кўринишда ташқи иқтисодий фаолиятни ҳамкорлар билан жаҳон иқтисодиёти ва миллий иқтисодиётда ташқи иқтисодий алоқалар (ТИА) ўрнатиш йўли билан ҳамкорлик қилиш жараёни сифатида, ташқи иқтисодий алоқаларни эса – хорижликлар билан иқтисодий ҳамкорликнинг турли кўриниш ва йўналишлари йирик комплекс тизими деб фикр билдиришимиз мумкин.

Биз устида тадқиқот ўтказаётган кичик корхона ва микрофирмалар ташқи иқтисодий фаолиятни қонунда таъқиқланмаган барча шакл ва усулларидан фойдаланиши мумкин. Шунинг учун, ташқи иқтисодий фаолият атамаси илмий-назарий

томондан халқаро даражадаги иқтисодий муносабатлар тоифасига асосланиб, улар халқаро иқтисодий муносабатлар барча кўриниш ва турлари бўйича тўлақонли ифодаловчи таснифи сифатида қуйидагича тасниф қилинади: савдо (маҳсулот, иш, хизматлар, ахборот ва интеллектуал мулк билан халқаро савдо), валюта, кредит-молия (молиявий хизматлар, кредитлар, банк операциялари, суғурта), ишлаб чиқариш (кооперация, лизинг, франчайзинг, ҳамкорлик асосида тадбиркорликни амалга ошириш), инвестициявий (молиявий инструментлар-қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қурилиш, кичик корхона ва микрофирмаларга инвестиция жалб этиш) ва илмий-техник (илм-фан ва техника тараққиёти ютуқлари алмашинуви, барча турдаги илмий-техник жараёнларни ҳамкорликда ташкил қилиш) ҳамкорлиги.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ТИФ билан боғлиқ барча турдаги фаолиятиинг қуйи чегараси ҳамкорликнинг кенг тарқалган энг оддий кўриниши бўлган савдони экспорт-импорт, энг юқори чегараси эса –ташқи иқтисодий фаолият шаклларини кенг қамровда қамраб олувчи капитал ва ишлаб чиқариш фаолиятининг трансмиллий тузилмаси кўринишида юксалиши мумкин. Кичик корхона ва микрофирмалар инвестицион ҳамкорлиги оралиқ бўғин ҳисобланиб, у юқори самарадорликка эга молиявий ва ташкилий-иқтисодий ҳамкорлик турлари сифатида таснифланади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда энг жадал юксалиб бораётган шакл ташқи савдо ҳисобланади: айнан у барча кўринишдаги ташқи иқтисодий фаолиятга тўғридан-тўғри тавсиф беради, шунинг учун унинг бугунги кундаги аҳамияти халқаро ҳамкорлик мажмуасида юқори даражани эгаллайди.

Қуйидаги 3.1-жадвалда ишлаб чиқарувчилар ўртасида товар ва хизматлар айирбошлаш усуллари, воситалари ва шакллари комплексини ифодаловчи ташқи савдо операциялари таснифи келтирилган.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг энг кўп фойдаланилувчи шакли ҳамкорликда тадбиркорлик фаолият юритиш бўлиб, у маҳаллий кичик корхона ва микрофирмаларнинг хорижий фирмалар билан

иқтисодий ва илмий-техник алоқаларининг асосий йўналиши сифатида намоён бўлади. У икки ёки ундан ортиқ давлат ҳамкор томонларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятни кенг қамровда ўзида акс эттириб, унинг маъно-мазмуни сифатида эса фан-техника, инвестициялар, ишлаб чиқариш ва муомала ҳамда турли хизматлардаги уйғунлашуви акс этади.

Ўзаро ҳамкорлик асосида олиб бориладиган тадбиркорлик фаолияти ташқи савдодан фаолият якунида маълум ишлаб чиқариш қувватлари юзага келувчи ҳамкорлик шаклланиши билан фарқланади.

3.1-жадвал

Ташқи савдо операциялари таснифи

Таснифлаш тури	Операциялар турлари
Савдо йўналишлари бўйича	Экспорт (реэкспорт), импорт (реимпорт) операциялари
Товар ва хизматлар турлари бўйича	Асосий воситалар саналган турли машина ва асбоб-ускуналар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, хомашё ва бошқа товарлар савдоси, турли номоддий хусусиятга эга лицензиялар ва ноу-хау олди-сотдиси, инжиниринг, консалтинг, факторинг, туризм, ахборотлаштириш, алоқа ва транспорт хизматлари ва ҳоказо
Товарнинг сотувга тайёрлиги бўйича	Тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва деталлар, ускуналарни етказиб бериш
Савдо усуллари бўйича	Бевосита ва билвосита сотув усуллари, савдо-воситачилик фаолияти (консигнация, комиссия ва агентлик битимлари, брокерлик операциялари), мусобақа туридаги савдо (кимошди савдоси, халқаро савдолар ва биржа савдолари), молиявий лизинг
Савдо шакллари бўйича	Жавоб тариқасидаги харидлар, компенсация битимлари, эскирган маҳсулотни харид қилиб олиш, буюртмачининг хомашёсини қайта ишлаш ва ҳоказо

Кичик корхона ва микрофирмалар ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини статистик баҳолаш учун кўплаб статистик кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, уларни баҳолаш ва натижавий кўрсаткичларга ажратиш мумкин. Натижавий кўрсаткичларга бевосита таъсир қилувчи баҳолаш кўрсаткичларига бизнес-режалар (кичик корхона ва микрофирмалар ташқи иқтисодий лойиҳасини прогнозлаш, молиявий, иқтисодий, савдо ва бошқа кўрсаткичлари) ва шартнома реквизитларида келтирилган маълумотлар (нархлар, тўлов валютаси, тўлиқлилик, транспорт воситасида ташиш ва ҳисоб-китоб турлари, жарима шакллари ва турлари) киритилади.

Ўз навбатида, натижавий кўрсаткичларни жорий ва стратегик каби турларга ажратиш мумкин. Жорий турдаги кўрсаткичлар тизими асосан ўтган иқтисодий давр (йил, чорак, ой)нинг фаолиятни ифодаловчи ташқи иқтисодий фаолиятнниг миқдорий маълумотлари ҳисобланиб, уларни анъанавий тизимлари туркумидаги бухгалтерия ва бошқарув ҳисоби орқали ҳисоблаш мумкин. Стратегик кўрсаткичлар кичик корхонанинг келажакда ташқи иқтисодий фаолиятдаги келгуси ютуқларини белгилаб берувчи сифат маълумотларини тавсифлайди.

Кичик корхона ва микрофирмаларда ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини статистик баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Экспорт ҳажмининг ошиш тенденцияси:

■ экспортнинг товар гуруҳлари ва бўлинмалараро мутлақ миқдорлар-даги ўсиши;

■ экспорт ҳажмининг нисбий миқдорларда ортиши;

2. Экспорт товар рақобатбардошлиги:

■ жаҳон жами экспортидаги ҳиссаси динамикаси;

■ фирма савдо маркаси ҳақида харидор фикр-муносабати.

3. Экспорт товарнинг инновацион ҳолати:

■ янги турдаги маҳсулот экспорти ҳажми;

■ сўнгги беш йилда бозорда пайдо бўлган янги турдаги товарларнинг экспортдаги салмоғи;

■янги технологиялар ҳисобига харажатларнинг камайиш улуши.

4. Экспорт самарадорлиги:

■ ялпи экспортда фойда салмоғи;

■ алоҳида товар гуруҳлари экспортида фойда салмоғи;

■ ташқи инвестициялар самарадорлиги ва бошқалар.

Кичик корхона ва микрофирмалар таснифидаги корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш бўйича қабул қилинувчи қарорларни асослаб бериш учун уни статистик баҳолашнинг турли услубиятларидан фойдаланиш мумкин. Қуйида уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Амалиётда кичик корхона ва микрофирмалар ТИФ самарадорлигини статистик баҳолашнинг энг оддий усули иқтисодий натижаларни уларга эришишга сарфланувчи ресурслар билан таққослаш асосида турли кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш ҳисобланади.

Товарлар экспорти таркибида кичик корхона ва микрофирмаларнинг экспорти қуйидагилардан ташкил топган:

■ экспорт товари таннархи (C_{ge}) – кичик корхонанинг экспорт товар ишлаб чиқариш харажатлари;

■ транспорт-экспедиторлик харажатлари (T_{fc}) – экспортчи-корхона товарларни транспорт воситасида ташиш учун сарфловчи харажатлари;

■ бошқа харажатлар (O_{ec}) – битим тузиш, товарни суғурта қилдириш, тўлов ҳисоб-китоб операциялари, товарни божхона чегараси орқали ўтказишдаги божхона божлари ва йиғимлар;

■ экспорт даромади (In_e) – кичик корхонанинг ҳисоб рақамига сўмдаги эквивалентда келиб тушган валюта тушуми-нетто.

Қуйидагилардан фойдаланиб, экспорт натижавийлигини статистик баҳолашнинг асосий миқдорий кўрсаткичларини келтириб ўтамиз:

1. Экспорт самарадорлиги коэффициенти (K_{er}):

$$K_{er} = \frac{\ln_e}{C_{ge} + T_{fc} + O_{ec}}, \qquad (3.1)$$

Агар K_{er}>1 ни ташкл қилса, у ҳолда ушбу экспорт самарадор ҳисобланади (коэффициент юқорилик даражаси экспорт самарадорлиги қанчалик юқори эканлигини ифодалайди);

2. Экспорт самараси кўрсаткичи ($E_в$):

$$E_в = A_{вf} + R_{SC} + E_C \qquad (3.2)$$

бу ерда: $A_{вf}$ – корхонанинг валюта фондига ажратмалар сўмдаги эквиваленти, валюта тушумини валюта келиб тушган санадаги курс бўйича сўмга қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади (давлатга сотилиши шарт бўлган қисм чегирилганда);

R_{SC}–валютанинг маълум бир қисмини мажбурий тартибда давлатга сотишдан олинган сўмдаги маблағ;

E_C – экспорт харажатлари.

Экспортнинг самарадорлик коэффициенти ва самараси кўрсаткичи статистик баҳолашда турли омиллар (экспорт қилинадиган товар миқдори (Q_e), шартнома нархлари (P_c), валюта курси динамикаси (D_c), хорижий валютадаги (R_{Lc}) ва сўмдаги (R_{Lf}) юклама харажатлар даражаси, товарнинг ишлаб чиқариш таннархи (C_p) ҳисобга олиниши сабабли уларни ҳисоб-китоб қилиш кўрсатиб ўтилган омилларнинг детерминантланган омилли таҳлил усуллари ёрдамида натижага таъсирини аниқлаш имконини беради.

Занжирли қўйишлар усулидан фойдаланган ҳолда қуйидаги боғлиқлик модели ёрдамида «А» товарнинг экспорт самарадорлиги коэффициенти ўзгариши омилли таҳлили учун услубий тавсия (3.2-жадвал):

3.2-жадвал

«А» товар экспорти самарадорлигини омилли таҳлил қилиш учун тавсия этиладиган бошланғич маълумотлар

№	Кўрсаткич
1.	Экспорт қилинадиган товар миқдори, минг сўм.
2.	Нарх-брутто, дол./бирл.
3.	Сўмнинг долларга нисбатан ўртача курси
4.	Нарх-брутто, инвалюта сўм/бирл. (сатр. 2 х сатр. 3)
5.	Маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннархи, сўм.

6.	Тушум-брутто, минг инвалюта сўм (сатр. 1 ; сатр. 4)
7.	Юклама харажатлар: а) тушум-бруттога нисбатан % б) минг инвалюта сўм (сатр. 6 х сатр.7а : 100%)
8.	Жамитушум-нетто, минг инвалюта сўм(сатр. 6 - сатр. 7б)
9.	Экспорт қилинадиган товарнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм (сатр. 1 х сатр. 5)
10.	Юклама харажатлар: а) ишлаб чиқариш таннархига нисбатан % б) мингсўм (сатр. 9 х сатр. 10а : 100%)
11.	Жами тўлиқ таннарх, минг сўм (сатр. 9 + сатр. 10б)
12.	Экспорт самарадорлиги, % (сатр. 8 : сатр. 11 х 100%)

$$K_{вг} = \frac{Q_e + P_c + D_c - R_{Lc}}{Q_e + C_p + R_{Lf}} \qquad (3.3)$$

Таъкидлаш жоизки, экспорт қилинадиган товар миқдорининг ўзгариши экспорт самарадорлигига таъсир этмайди, шу сабабли биринчи ҳисоб-китобда экспорт самарадорлигига экспорт жисмоний ҳажмининг амалдаги қийматини ҳисобга олган ҳолда экспорт нархи таъсири таҳлил қилинади.

Товарлар билан импорт операцияларида кичик корхона ва микрофирмаларга импорт қилинган маҳсулотни маҳаллий бозорда қайта сотиш орқали хориждан маълум бир наф эвазига сотиб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун, товарлар катта аҳамиятга эга қайта сотиш ёки ўзининг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш вазифаларига эга.

Товарлар импортида кичик корхона ва микрофирмалар қуйидаги тўловларни амалга оширади:

■ импорт товарнинг қиймати (C_{gi}) – импорт қилинадиган товарнинг шартнома нархи;

■ ташиш, транспорт-экспедиторлик харажатлари (T_{fc}) – импортчи корхона сарфловчи товарларни транспорт воситасида ташиш харажатлари;

■ бошқа турдаги харажатлар (O_{ec}) – битим тузиш билан боғлиқ харажатлар, ҳисоб-китоб-тўлов операциялари, божхона божлари ва бошқа йиғимлар ва ҳоказо.

Импорт харажатларини (*З"*) товар қиймати, транспорт-экспедиторлик харажатлари ва бошқа харажатларнинг умумий суммаси йиғиндисидан ҳисоблаб топиш мумкин.

Импортдан олинган даромад (In_i) бу – импорт маҳсулотни маҳаллий бозорда қайта сотишдан тушум.

Корхона импорт товарни ўзининг ишлаб чиқариш даврида қўллаш учун ундан фойдаланиш натижасида оладиган даромад, шунингдек, уни эксплуатация қилиш бўйича харажатларни ҳисобга олади. Бунда импортдан олинадиган даромад импорт товарлардан (V_i) олинади. Импорт товарлардан фойдаланиб олинган даромад импорт даромади билан жамланади, ишлаб чиқариш мобайнидаги хизмат кўрсатиш харажатлари (C_s) эса – импорт харажатлари йиғиндиси билан ифодаланади. Товарларга хизмат кўрсатиш харажатлари – хомашё ва энергия қиймати, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидан ташкил топади.

Корхона қайта ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш учун харид қилган импорт товарлари асосий восита, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар эмас, балки хомашё ва материаллар, деталлар, бутловчи қисмлар билан ифодаланган ҳолларда харажатлар ва даромад сифатида импорт қилинган товарлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган умумий даромад ва харажатларда уларнинг улушини ҳисобга олиш зарур.

Юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, кичик корхона ва микрофирмаларнинг импорт операциялари самарадорлигини баҳолаш коэффициентини келтириб ўтамиз.

1. Товар импорти (қайта сотиш учун) самарадорлик коэффициенти K_i:

$$K_i = \frac{\ln_i}{C_{gi} + T_{fc} + O_{ic}} = \frac{In_i}{C_S}, \qquad (3.4)$$

$K_i>1$ кўрсаткич товар импорти самарадорлигини ифодалайди (кўрсатилган коэффициент қанчалик юқори бўлса, импорт самарадорлиги шунчалик юқори бўлади).

2. Товарлар импорти (ўзида қайт ишлаб чиқариш учун) самарадорлик коэффициенти K_{gei}:

$$K_{gei} = \frac{V_i}{C_{gi} + T_{fc} + O_{ic}}, \qquad (3.5)$$

$K_{gei}>1$ бўлганда самарадорлик мавжуд ҳисобланади.

3. Ўзида ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун товарлар импортидан иқтисодий самарадорлик (E_{igop}) қуйидагича ҳисоблаб топилади:

$$E_{igop} = FC_i - CP_{ig} \qquad (3.6)$$

бу ерда: FC_i – импорт маҳсулотга муқобил вариант бўлган маҳаллий маҳсулот харид қилиш (тайёрлаш) ва фойдаланиш тўлиқ харажатлари, сўм;

CP_{ig} – импорт маҳсулотнинг истеъмол нархи, яъни импорт маҳсулот хизмат қилувчи бутун давр мобайнидаги жами харажатлар, сўм.

Агар $FC_i>CP_{ig}$ кузатилса, бу кўрсаткичнинг мутлақ қиймати салоҳиятли импортчи импорт маҳсулот ўрнига унга муқобил маҳсулот харид қиладиган (тайёрлайдиган) бўлса, у олиши мумкин бўлган фойдадан далолат беради ёки бу кўрсаткичнинг мутлақ қиймати импортчи барибир унга ўхшаш маҳаллий маҳсулот ўрнига импорт маҳсулотни харид қилса, бу ҳолда кўриши мумкин бўлган зиён ҳажмидан далолат беради.

Агар кичик корхона ва микрофирмалар бир вақтнинг ўзида экспорт ва импорт билан шуғулланса, унинг белгиланган даврда ташқи бозордаги ишини баҳолаш учун ташқи савдо фаолияти самарадорлиги интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқилиши зарур бўлиб, улар бутун ташқи савдо операциялари жамланмаси бўйича олинадиган натижаларни уларга сарфланувчи тўлиқ харажатлар билан таққослашни кўзда тутади.

3.1-расм. **Кичик корхона ва микрофирмаларда ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими**[72]

Кўриб чиқилаётган услубият муҳимлигини тан олиб, таъкидлаш жоизки, кичик корхона ва микрофирмалар учун ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оддийгина статистик баҳолаш эмас, балки унинг динамикасини статистик кузатиш ва ошириш захираларини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

ТИФ самарадорлиги мониторинги ўтказишга яна бир услубият ёрдам беради. У кичик корхона ва микрофирмалар ташқи иқтисодий фаолиятини статистик баҳолашнинг уларга мос келадиган ахборот таъминоти ва таҳлил вазифалари асосида гуруҳланган кўрсаткичлардан иборат бўлиб, ўз ичига уч блокини

[72] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қамраб олувчи статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни назарда тутади (3.1-расм).

Биринчи блок кўрсаткичлари амалдаги бухгалтерия ҳисоботи асосида ҳисоблаб чиқилади ва ТИФ самарадорлигига миқдорий (жорий) баҳо беради:

1. Экспорт фаолияти самарадорлиги ва иқтисодий самара кўрсаткичлари олинган иқтисодий наф (фойда, тушум, нарх) ва қилинган жами харажатлар нисбати орқали ифодаланади.

2. Импорт фаолияти самарадорлиги ва иқтисодий самара кўрсаткичлари импорт қилинган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳисобланади. Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарлар самарадорлигини аниқлаш услубияти тўлиқ истеъмол нархини ҳисоб-китоб қилишга, халқ истеъмоли товарлари учун эса – импорт товарлар сотишдан олинган фойдани (рентабелликни) ҳисоблаб чиқишга асосланган бўлади.

3. Экспорт бўйича сотувлар рентабеллиги (P_e) ташқи иқтисодий фаолият қанчалик самарали амалга оширилаётганини кўрсатади ва фойданинг корхона экспорти умумий ҳажмидаги улушини акс эттиради. Ушбу кўрсаткични ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формулалар бўйича амалга оширилади:

$$P_e = \frac{P_{bt}}{Ln_e}, \tag{3.7}$$

$$P_e = \frac{NP_e}{Ln_e}, \tag{3.8}$$

бу ерда: P_{bt} – солиққа тортишгача бўлган фойда ҳажми;

NP_e – маҳсулот экспортидан соф фойда ҳажми;

Ln_e – экспорт бўйича сотув ҳажми (экспорт даромади).

Экспорт айланмасининг бир долларига тўғри келувчи соф фойда бундан олдинги кўрсаткич билан таққослаганда кичик корхона *ТИФ*га солиқлар таъсирини акс эттиради.

4. Экспорт харажатлари рентабеллиги (P_{ec}) *ТИФ*ни амалга оширишда кичик корхона сарфлаган харажатларни кўрсатади ва

ҳисоб-китоб усули бўйича экспорт самарадорлиги базавий коэффициенти билан мос келади.

5. Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш ва сотишга жалб этилган активлар (A_e) ва ўз капитали (OC) қисмларини идентификация қилиш мумкин бўлган ҳолларда қуйидаги услубиятдан фойдаланиш мумкин:

$$\frac{NP_e}{P_{bt}} * \frac{P_{bt}}{A_в} * \frac{A_в}{OC} = \frac{NP_в}{OC}, \qquad (3.9)$$

Бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида иккинчи блок кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилиб, улар аввал келтирилган кўрсаткичларни жиддий тарзда тўлдиради. Бу ҳолатда анъанавий бухгалтерия ҳисобида мавжуд бўлмаган қўшимча маълумотлар зарур бўлади. Бу ерда ташқи иқтисодий фаолият юриткичлари борасида кичик корхона ва микрофирмалар бўйича қўшимча турли хил ҳисоб-китобларни амалга ошириш зарур. Масалан, экспорт харажатлари таркибида ўзгарувчан ва доимий харажатларни ажратиш керак бўлади, сўнгра қуйидагилар ҳисобланади:

■ экспорт ҳажми ва экспорт харажатлари таркибидаги ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида маҳсулот бирлигига ҳисоб-китоб қилганда ҳар бир товар тури бўйича ТИФдан маржинал фойда;

■ маржинал фойданинг ўзгарувчан харажатларга нисбати сифатида экспорт товарнинг маржинал рентабеллиги;

■ доимий харажатларнинг маржинал фойдага нисбати сифатида экспорт товарнинг зарар кўрмаслик нуқтаси;

■ экспорт товари зарар кўрмаслик даражасининг кичик корхона ва микрофирмаларда мавжуд қувватларга нисбати сифатида мавжуд қувватлардан зарар кўрмаслик фоизи.

Келтирилган баҳоловчи кўрсаткичлар биринчи даражадаги ташқи иқтисодий фаолият самарадорлиги статистик кўрсаткичларини тўлиқ ҳолда тўлдириб беради ҳамда бу соҳадаги экспорт тузилмаси ва маҳсулот ассортименти ҳолати, нархни шакллантиришдаги самарадорлик, экспорт ишлаб чиқариш технологиясида жумладан, чекланган ресурслар шароитида

оптималлик кўрсаткичини баҳолаш учун асос сифатида хизмат қилади. Шу билан бирга доимий ва ўзгарувчан харажатларга ажратиш туфайли усул унинг хусусиятларини ҳисобга олишни талаб этувчи етарли даражада ҳақиқатга яқин баҳолар олиш имконини беради.

Юқорида келтирилган икки блок кўрсаткичлари умумий тарзда (экспорт ёки импорт учун умумийликда), ҳам қиёсий (алоҳида товарлар, мамлакатлар бўйича) самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишни талаб этади.

Сўнгги учинчи блок кўрсаткичлари ҳар бир экспорт қилинаётган маҳсулот тури бўйича маркетинг ахбороти асосида шакллантирилади ва унинг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш стратегияси билан узвий боғланади. Аввало, улар экспорт қилинадиган товарларнинг иқтисодий кўрсаткичлари билан тавсифланади.

1. Халқаро бозорда миллий корхоналарнинг барқарор позицияларни эгаллаганлиги қуйидаги келтирилган кўрсаткич ҳисоб-китобида ифодаланади:

■ кичик корхона ва микрофирмаларнинг экспорт учун етказиб берган маҳсулот реал ҳажмининг харидорларга нисбатини топиш, бу кўрсаткич ортган вазиятда касрнинг махражи ўзгармас бўлганда бу бизнес бўйича йирик ҳамкорлар мавжудлиги ҳисобига корхона экспорт фаолиятининг барқарорлигини ошириш сифатида кўриб чиқилиши мумкин;

■ олинган буюртмалар сонининг савдо ҳамкорлари ташрифлари (тузилган шартномалар) сонига нисбатини аниқлашда фирманинг бизнес фаолияти бўйича ўз ҳамкорлари учун қилинаётган шароит ва қулайликлар, шунингдек, яратилаётган маҳсулотларнинг жалб этувчанлик хусусияти билан ифодалаш мумкин;

■ қилинаётган рекламациялар миқдорининг доимий савдо алоқаларига эга ҳамкорлар сони билан нисбатини аниқлаш. Бу кўрсаткич қанчалик даражада кичик бўлса, бу корхонанинг халқаро

бозорда эгаллаган позицияси шу қадар барқарор ва фаолият самарадорлиги анча юқори даражада бўлади.

2. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг экспорт таъминоти динамикаси деганда маълум бир вақт мобайнида экспорт қилинган маҳсулот ҳажмининг ўтган даврдаги экспортлар ҳажмига нисбати. Бундай нисбат ҳажмини аниқлаш орқали корхонанинг ички иқтисодий-молиявий аҳволини кўрсатиб берувчи кўрсаткичлар ҳамда бозор конъюнктурасининг маълум даражада ўзгаришига боғлиқ ташқи омилларга – дунёдаги сиёсий вазиятга, халқаро ташкилотларнинг тартибга солувчи таъсирига, нархга, талабга, таклифга, давлат ҳукумат органларига боғлиқ ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида омилли ёндашув жуда кенг тарқалган бўлиб, у ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигига таъсир этувчи омилларни излаб топиш ва турли иқтисодий-математик ҳамда эконометрик моделлар ёрдамида топилган омиллар ва кичик корхона ва микрофирмалар ташқи иқтисодий фаолиятининг юксалиш натижалари орасида ўзаро боғлиқликни аниқлашни қамраб олади. Бу ерда қуйидаги жиҳатлар муҳим саналади:

а) ТИФ билан машғул бўлган қатнашчиларни фақат маҳаллий бозорда фаолият юритувчи корхоналардан ажратиб турадиган омиллар;

б) турли кўринишдаги ташқи омиллар (экспортни юксалтириш учун қилинаётган рағбатлантириш чора-тадбирлари, хорижий инвестицияларини жалб этиш учун ишлаб чиқилаётган рағбатлантириш давлат дастурлари ва ҳ.к.);

в) кичик корхона ва микрофирмалар хатти-ҳаракати ва характери билан узвий алоқадор омиллар (маркетинг ва менежмент йўнатишлари ва ҳ.к.).

Юқоридаги барча омиллар корхона назорат қилиши мумкин бўлган ички ва корхона томонидан назорат қилинмайдиган ташқи омилларга ажратиш мумкин. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ички омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

■ кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишлаб чиқариш ва техник тавсифномаси. Бу омилларга таъсир кўрсатиш учун замонавий ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш, мисол учун, хорижда янги турдаги замонавий ишлаб чиқариш қувватлари қурилиши ёки маҳаллий бозор учун янги маҳсулотни мослаштириш учун янги ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиниши зарур;

■ ишлаб чиқаришни ташкил қилиш технологиялари ва услубиятлари, мисол учун, янги инновацион технологияларни жалб этиш, амалда мавжуд ва янги манбалардан фойдаланиб, ТИФ ҳақида зарур ахборотнинг сон ва сифат жиҳатдан ортишини таъминлаш, барча қайд этилган омилларга ҳам бевосита таъсир қилади;

■ жамоанинг психологик жиҳатлари ва бошқарув. Бу омилларга таъсир қилиш анъаналар тизими, этика ва хулқ-атвор кўрсатмалари, турли қарорлар қабул қилиш техникаларини тубдан ўзгартиришни талаб этади, бунинг натижасида юқорида келтирилган омилларга тўғридан-тўғри (ишлаш технологияси ва методологияси) ва билвосита (корхонанинг ишлаб чиқариш ва техник тавсифномаларига) таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, юртимизда кичик корхона ва микрофирмалар субъектларининг иқтисодий фаолияти устида тадқиқот ўтказиш учун иккинчи турдаги омиллар – иқтисодиётнинг хусусиятларига алоқадор ташқи омиллар беқиёс аҳамиятга эга ҳисобланади:

■ тадбиркорларда ишбилармонлик қобилиятидаги айрим тафовутлар;

■ жамиятда ишбилармонлик муҳитининг турли хусусиятлари;

■ТИФ билан шуғулланувчи кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари менежерларининг халқаро даражадаги амалий тажрибаси талаб даражасида эмаслиги;

■ маҳаллий экспортчи кичик корхона ва микрофирмаларда хорижий ҳамкорлар билан анъанавий алоқалар узвий эмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги;

■ иқтисодиётда валюта тизмидаги қонунчиликнинг ўзгача характерга эга эканлиги;

■ баъзи ишлаб чиқариш билан боғлиқ ресурсларнинг маҳаллий бозордаги нархларининг жаҳондаги нархлардан жиддий тафовутга эгалиги;

■ Ўзбекистон ва маҳаллий экспортчилар маҳсулотларининг жаҳондаги имижи пастлиги.

У аниқланган омилларнинг кичик корхона ва микрофирмалар ТИФнинг маълум тури самарадорлигига таъсир даражасини аниқлаш имконини берувчи иқтисодий-математик моделларга асосланувчи омилли ёндашув маҳаллий кичик корхона ва микрофирмалар томонидан амалда фойдаланилмайди, бунга бирламчи сабаб, маҳаллий корхоналарнинг кўпчилик қисми уларни қўллаб-қувватлаш борасида зарур билим ва кўникмага эгамаслиги, яна бир бошқа сабаби эса – текширилган ва ишончли натижаларга эга бўлиш учун статистик ахборотларнинг етарли даражада эмаслиги.

Хорижий ҳамкорлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик муносабатларининг шакли бўлиб, биргаликда фаолиятни амалга оширишни танлашда самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш яхлит умумий объект миқёсида ва алоҳида олинган ҳар бир кичик корхона ва микрофирма учун қуйида келтирилган кўрсаткичларни эътиборга олиб бажарилади.

1. Маҳсулот сотишдан олинган фойда, P_{pc}:

$$P_{pc} = I_{noc} \cdot ER + I_{dm} - C_t, \qquad (3.10)$$

бу ерда: I_{noc} – хорижий истеъмолчилардан маҳсулотни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш валюта харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда валюта тушуми;

ER – мос келувчи хорижий валютани сўмга қайта ҳисоблаш учун Марказий банк курси;

I_{dm} – маҳсулотни Ўзбекистон ички бозорида сотишдан олинган тушум;

C_t – сотилган маҳсулотнинг тўлиқ таннархи.

2. Биргаликда кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти юритишдан Ўзбекистонлик ҳамкорга ўтказиладиган фойда, *Pshu:*

$$Pshu = P_d \cdot sh, \qquad (3.11)$$

бу ерда: P_d – тақсимланиши лозим бўлган фойда;

sh – Ўзбекистонлик ҳамкорнинг кичик корхона ва микрофирмалар устав фондига қўшган улуши.

3. Ҳамкорликда кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти юритишдан хорижий ҳамкорга ўтказиладиган фойда, PShf:

$$Pshf = P_d \cdot (1 - sh), \qquad (3.12)$$

4. Ҳамкорликда кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти юритиш интеграл самараси, Ei:

$$E_i = \sum_{t=1}^{n} (NP_t + Da_t - CI)k + VT \qquad (3.13)$$

бу ерда: t – ҳисоб-китоб давридаги йиллар сони;

NP_t – ҳамкорликда кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти юритишдан к-йилдаги соф фойда;

Da_t – t-йилда амортизация ажратмалари;

CI – ҳамкорликда кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти юритишни ташкил қилиш ва ривожлантиришга к-йилда капитал қўйилмалар;

k –вақт бўйича келтириш коэффициенти;

VT – кичик корхона ва микрофирмаларнинг тугатиш қиймати.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолият самарадорлигининг сўнгги кўрсаткичи вақт бўйича келтирилган моддий воситалар, пул маблағлари кирувчи ва чиқувчи оқими билан белгиланувчи нақд пул оқими (кэш фло) асосида ҳисоблаб чиқилади. Бунда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиб ўтиш мумкин:

а) турли солиқ тўловлари, экспорт ва импорт бож тўловлари, кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий фаолияти ва унинг сотиш харажатлари тоифасига кирмайдиган бошқа тўловлар амалга оширгунгача бўлган ҳамма кирим ва чиқимлар билан бирга топиладиган биргаликдаги кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти томонидан эришилган тўлиқ самарадорлик кўрсаткичи;

б) солиқларнинг барча турлари ва бошқа турли хилдаги тўловлар амалга оширилгандан сўнг ҳосил бўладиган кичик

корхона ва микрофирмалар фаолиятининг соф самарадорлик даражаси;

в) фаолият якунидаги молиявий натижалар ва жами харажатларнинг нисбатини ҳисоблаш ва эришилиши кўзланган самарадорликни талаб даражасидаги фойда кўрсаткичи билан қиёслаш орқали тавсифланувчи кичик корхона ва микрофирмаларнинг биргаликдаги ҳамкорлик фаолияти тижорат – савдо фаолияти самарадорлиги.

Хулоса қилиб айтганда, мос равишда, ҳамкорликдаги кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини яратиш ва амалга оширишда иштирок этиш мезони, аввало, мусбат интеграл самара – ҳар бир қатнашчи харажатлар қиладиган ва даромад оладиган ҳисоб-китоб даврида тўпланган реал пул маблағлари мусбат сальдоси ҳисобланади.

3.2. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш

Пандемия даврида юқори меҳнат самарадорлиги мавжуд тадбиркорлик субъектларини молиявий воситалар ёрдамида қўллаш ва истиқболдаги ўсиш тенденциялари борасида статистик таҳлиллар ўтказиш услубиятини янада такомиллаштириш жамиятда кишилар онгида ишлаб чиқаришга ҳақиқий эгалик қилиш ҳисси ривожланишини таъминлайди, натижада иш ўрни ва унга мос шарт-шароитларни яратиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш механизмларининг ижобий шаклларидан фойдаланиш, моддий рағбатлантиришни жорий қилинишини кенгайтириш билан ўзаро боғлиқдир. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти субъектларини моддий қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш борасида маълум бир объектив жиҳатдан имкониятларни чекланганлик ҳолати мавжуд. Шундай бўлсада, уни шундай шакллантириш ва статистик таҳлил услубиятидан фойдаланиш керакки, кучли рақобат муҳитида юксалишнинг

замонавий босқичида ижтимоий тамойил ва вазифаларга тўлақонли муносиб бўлсин.

Жамият иқтисодий қурилишининг янги шароитларида кичик корхона ва микрофирмалар соҳаси ривожланишини таҳлил қилишнинг услубий масалалари инсон омилини фаоллаштиришни ҳар томонлама рағбатлантириш билан бевосита боғлиқликда ўрганилиши зарур. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг яратувчанлик имкониятлари ва эҳтиёжларини ривожлантиришни ҳар томонлама ўрганиш, унинг ижодий фаоллигини ошириш кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари муносабатлари ҳаққонийлигини кучайтиришнинг муҳим шарти, чунки улар ходимнинг қобилиятларини юқори даражага кўтаради, демак жамоат ишлаб чиқаришига қўшадиган меҳнат улуши ҳам ортиб боради, шунга мувофиқ равишда моддий ва маънавий бойликлар ҳам кўпайиб боради.

Меҳнатига кўра ҳақ тўлаш ишлаб чиқариш муносабатларининг таркибий қисми сифатида кичик корхона ва микрофирма субъектлари ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва кичик корхона ва микрофирмалар фаровонлиги яхшиланишига таъсир кўрсатади. У кичик корхона ва микрофирма субъектларининг ўз малакасини ошириш, меҳнат қуроли ва ишлаб чиқаришни юритиш усулларини яхшилашга моддий жиҳатдан манфаатдор қилади, меҳнат унумдорлигини оширади, шунга мос равишда иш ҳақи ҳам кўпаяди.

Саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгача хусусиятини эътиборга олган ҳолда, кичик корхона ва микрофирма субъектлари фаолиятида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишидаги ўрнини аниқлаш ва унга баҳо бериш мумкин. Кичик корхона ва микрофирмаларда ишлаб чиқаришнинг шахсий омилида қарийб барча ижтимоий ва иқтисодий муаммолар: меҳнат хусусияти, унинг шарт-шароити, ходимда мавжуд маълумот ва малака, моддий ва маънавий рағбатлантириш воситалари, яшаш даражаси ва ижтимоий шарт-шароитлар асослаб берилади. Шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш – ҳар бир кичик

корхона ва микрофирма субъектларининг меҳнат ҳақи харажатларини эътиборга олиш, истеъмол ва меҳнат чора-тадбирларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳам хўжалик томонидан, ҳам бутун жамият томонидан амалга оширилади.

Фикримизча, кичик корхона ва микрофирма субъектлари фаолиятининг тараққий этиши ва фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш услубий хусусиятларини турли омилларни эътиборга олиб, белгилаб олиш зарур. Кичик корхона ва микрофирма субъекларини иқтисодий ва бошқарув самарадорлиги мезонлари меҳнатига кўра ҳақ тўлаш самарадорлигини акс эттириши, ортиб бораётган эҳтиёж, талаб ва таклифларни қондирувчи, ифодаловчи қонунларни амалга ошириши, меҳнатига кўра ҳақ тўлаш такомиллашуви жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттириши керак. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг иқтисодий ва бошқарув самарадорлиги ишлаб чиқариш самарадорлигининг умумий мезонлари билан ўзаро боғлиқдир.

Шунингдек, кутилган иқтисодий самарага эришишда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ривожлантириш учун уларни моддий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш билан бирга, меҳнатга ҳақ тўлашдаги белгиланган шартлар уни ташкил этиш, бошқариш ва хўжалик юритиш механизмининг тизимини яхшилаш билан бирга олиб бориш зарур. Иш ҳақи кўринишида ишбилармонлик ва ташаббускорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишни ходимнинг қўшган меҳнат ҳиссасига мос равишда амалга ошириш керак.

Табиийки, ишдаги камчиликлар ва йўл қўйилган хатолар учун тадбиркорнинг моддий ва маънавий жавобгарлигини ҳам ошириш керак, қайсики ҳозир рақобат шароитида, хусусан, бу жиҳатларга қатъий эътибор қаратиш лозим.

Кичик корхона ва микрофирма субъекларининг иқтисодий самарадорлигини статистик баҳолаш даражасини аниқлаш услубиятида юқорида келтирилган молиявий таҳлил усуллари билан бир қаторда корхона салоҳияти ва кредитни қайтариш

имкониятини чуқур таҳлил қилиш ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари муҳим ўрин эгаллайди.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти бошқарувини ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали унинг очилмаган барча қирралари кашф этиш зарур. Бунда ички ва ташқи омиллар, яъни ички омил сифатида кичик корхона ва микрофирманинг назарий ва амалий жиҳатдан фаолият кўрсаткичлари ҳамда йўқотишлар (мижознинг кучли ва заиф томонлари) йўналишлари борасида, ташқи шароитлар эса корхона ишлаб чиқариш фаолиятига ижобий ёки салбий таъсирлар жиҳатидан тадқиқ қилинади.

Қарздорнинг молиявий ҳолати, кичик корхона ва микрофирма субъеклари раҳбарларининг ишбилармонлик қобилияти, таркибий жиҳатдан ишчиларнинг тузилиши, замонавий технологиялардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё ва материаллар ҳисобини юритиш, уларни сақлаш ва фойдаланиш тўғри ташкил этилганлигига оид масалалар комплекси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таркибий тузилиши, харид қилиш ва маҳсулот сотиш бозорларининг ўзи хос хусусиятлари (жумладан, натурал бартер усулининг кенг тарқалгани), илмий тадқиқотлар ва соҳага оид ишланмалар ҳолати, фирма тузилмасини ўрганиш зарурати ички омиллар қаторига кирса, ташқи омиллар сифатида, таркибида қарздор фаолиятининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, технологик ва юридик жиҳатлари таҳлил қилинади.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини тадқиқ этиш мобайнида статистик таҳлил ўтказишда қарздор тадбиркор фаолиятининг турли соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар йўналиши ва ривожланишини тадқиқ этиш, ўз ишлаб чиқариш фаолиятини олдиндан режалаштириш ва назоратини олиб бориш салоҳиятини белгилаб олиш зарур. Буни аниқлашда қисқа вақт мобайнида фойдани кўзловчи режаларни ишлаб чиқиш ва молиявий ресурслар ҳаракати ҳолатига баҳо бериш, мавжуд имкониятлар ва эришилган кўрсаткичларга боғлиқ фаолиятни ташкил қилишда муҳим

ўзгартиришларни амалга ошира билиш қобилиятини статистик жиҳатдан баҳолаб, аниқланади.

Фаолияти узоқ келажакка мўлжалланган истиқболли лойиҳалар билан боғлиқликда ташкил қилинган қарздор тадбиркорнинг лойиҳасини амалга оширишга оид барча имкониятлар, агар кредит инвестиция воситаси сифатида ажратилаётган бўлса, бу кредит лойиҳасининг эҳтимолий самарадорлик кўрсаткичи таҳлил қилиниши зарур. Мижознинг молиявий ҳолати бўйича ликвидлилик даражаси (умумий тўлов қобилияти) унинг капитали ва маблағларини жойлаштириш хусусияти жиҳатидан ўрганилади. Бундай ҳолатларда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ташкил этиш шароитлари, унинг мажбуриятларини тўлай олиш қобилияти таҳлил қилинади.

Фикримизча, статистик таҳлил ва умумий бошқарув қуйидагиларни қамраб олиши керак:

- ички омилларни;
- ташқи омилларни;
- баланс ва бошқа ҳисобот маълумотларининг характерини;
- иқтисодий индекс ва нисбатларни таҳлил қилиш;
- бошқарув тизимини;
- ишлаб чиқариш шарт-шароитларини ўз ичига олади.

Статистик ва молиявий таҳлил ўтказишнинг асоси сифатида келгусида баҳолар ҳақида прогноз қила олиш учун маҳсулот нархларини чизма шаклида ифодалаб, уни хулосалаш ҳамда бу чизма тасвирларнинг ўзгача хусусиятларини кўрсатиб бериш зарур.

Рақобат шароитида кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти кенг миқёсда ривожланади. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг кенг кўламда ривожланиши ва такомиллашиб бориши унинг моҳияти ва асосий вазифалари доираси кенгайиб бориши билан боғлиқ. Бу вазифаларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- моддий ресурслар вазифаси, яъни ҳар бир кичик корхона ва микрофирма фаолияти объектив омиллар, ишлаб чиқариш учун

зарур хомашё, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда керакли ишлаб чиқариш кучлари билан таъминланиши лозим;

- ташкилотчилик вазифаси шундан иборатки, ишлаб чиқариш хомашёлари, ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш кучларини шундай ҳолда шакллантириш керакки, бунда кичик корхона ва микрофирма субъеклари маълум бир белгиланган ҳажмдаги ишлаб чиқариш даражаси ва маълум бир даромадни қўлга киритиши зарур;

- ижодкорлик (яратувчилик) вазифаси асосан ишлаб чиқаришни ташкил этишда зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқаришга унинг сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга ижодий ёндашув фойда ошишини таъминлайди.

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятида инвестицион муҳитни баҳолаш учун “Ҳудуд кичик корхона ва микрофирмалари рақобатбардошлиги салоҳияти индекси *(IPK)*” кўрсаткичи таклиф этилган бўлиб, уни қуйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$IPK = \sqrt[4]{In * If * IRP * IQR} \qquad (3.14)$$

Бу ерда In – инновацион салоҳият индекси;

If – ахборот салоҳияти индекси;

IRP – ресурс салоҳияти индекси;

IQP – иқтисодий салоҳият индекси.

Индексни ҳисоблаб чиқиш учун локал кўрсаткичлардан фойдаланилиб, уларнинг интеграция қилиниши натижасида ҳудуд кичик корхона ва микрофирмалар рақобатбардошлиги салоҳияти аниқланади.

Ўз новбатида, локал индекслар ўзида рақобатбардошлик салоҳияти кўрсаткичига нисбат бўйича бирмунча қуйи тартибли интеграциялашган кўрсаткичларни акс эттиради.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг муҳим функцияларидан бири унинг инновацияларга мойиллиги ва минимал харажатлар билан янги ғояларни (ижодий тадбиркорлик)

тез синовдан ўтказа олиш қобилияти ҳисобланади. Бу ҳолат инновацион салоҳият индекси сингари локал кўрсаткични танлаш кераклигини белгилайди.

$$In = K_1 * K_2, \qquad (3.15)$$

Бунда: K_1 ва K_2 лар $K_1 = K_{1i} : K_{1ф}$; $K_2 = K_{2i} : K_{2ф}$, алгоритми бўйича аниқланади,

бу ерда: K_{1i} – ҳудудда илмий соҳада банд бўлган, кичик корхона ва микрофирма субъектларининг ҳиссаси;

K_{2i} – ҳудуд кичик корхона ва микрофирма субъектлари томонидан ишлаб чиқилган инновациялар умумий миқдоридан амалга оширилган инновацияларнинг ҳиссаси;

$K_{1ф}$ – ҳудуд бўйича илмий соҳада банд бўлган кичик корхона ва микрофирма субъектларининг ҳиссаси;

$K_{2ф}$ – ҳудуд кичик корхона ва микрофирма субъектлари томонидан ишлаб чиқилган инновациялар умумий миқдоридан амалга оширилган инновацияларнинг ҳиссаси.

Маълумот билан таъминланганликнинг суст даражада бўлиши бу соҳанинг энг заиф жиҳатларидан саналиб, соҳанинг тезкор тараққий этишига жиддий тўсиқ бўлувчи омиллар сирасига киради. Зарур ахборот билан ўз вақтида таъминланиш учун ташқи муҳит (бизнес-инкубаторларни кўпайтириш ва консалтинг марказлари тармоғини яратиш) ва ички муҳитни (соҳада иқтисодий саводхонлик даражаси ва молиявий бошқарув сифат даражасини кўтариш) чамбарчас боғлаш борасида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалиётга кенг жорий этиш талаб қилинади. Бундай ҳолатларни ҳисобга олиш учун эса ахборот салоҳияти индексидан фойдаланиш фикримизча, мақсадга мувофиқдир.

$$If = K_3 * K_4, \qquad (3.16)$$

бунда: K_3 ва K_4 лар $K_3 = K_{3i} : K_{3ф}$; $K_4 = K_{4i} : K_{4ф}$ алгоритми бўйича аниқланади,

бу ерда: K_{3i} – ҳудудда кичик корхона ва микрофирма субъектларининг 1000 та бирлигига ҳисоблангандаги бизнес-инкубаторлар ҳиссаси;

K_{4i} – ҳудудда кичик корхона ва микрофирмалар соҳасида ишловчиларнинг умумий миқдоридан махсус курс ва дастурларда ўқитиш билан қамраб олинганлар ҳиссаси;

$K_{3ф}$ *ва* $K_{4ф}$ – ҳудуд даражасидаги мос равишдаги кўрсаткичлар.

Агар кичик корхона ва микрофирма субъектлари мос равишдаги ресурслар (меҳнат, кредит, табиий хомашё) билан таъминланмайдиган бўлса, ҳудуд кичик корхона ва микрофирмалар рақобатбардошлигининг салоҳияти тўғрисида хеч қандай гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

$$IRP = K_5 * K_6 * K_7, \qquad (3.17)$$

бунда: K_5, K_6 ва K_7 лар $K_5 = K_{5i} : K_{5ф}; K_{6i} : K_{6ф}; K_{7i} : K_{7ф}$ алгоритми бўйича ҳисобланади,

бу ерда: K_{5i} – кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлган ҳудуд меҳнатга лаёқатли аҳолисининг ҳиссаси;

K_{6i} – ҳудуд кичик корхона ва микрофирмаларига берилган кредит ресурслари ҳиссаси;

K_{7i} – ҳудудда ўзлаштирилган ажратилган ресурслар умумий ҳажмидан кичик корхона ва микрофирмаларга бириктирилган ресурслар коэффициенти;

$K_{5ф}$, $K_{6ф}$, $K_{7ф}$ – мегаҳудуд даражасидаги мос равишдаги кўрсаткичлар.

Таклиф этилаётган услубиёт ҳудуд кичик корхона ва микрофирмаларининг потенциал имкониятларини (рақобатбардошлик салоҳиятини) объектив баҳолаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилган молиявий оқимлардан самарали фойдалана олишнинг потенциал имкониятлари нуқтаи назаридан уларни селектив тарзда дифференциация қилиш имконини беради.

Бошқарув фаолиятини статистик баҳолашнинг бу услубиётини қўллаш лозимлиги шарти бўлиб, фойдаланилаётган маълумотлар солиштирилиши мумкинлиги таъминланиши ва ҳудудлар турлича миқёслилиги омилларидан уларни “тозалаш” ҳисобланади.

Интеграл баҳолашлар ўзида тизимлар ҳолатини диагностика қилишнинг етарли даражада таъсирчан воситаси, мавжуд

муаммоларни аниқлашни (уларни бартараф этиш ва тизимни гипотетик ҳолатига эришиш мақсадида), тадқиқот объектларини тартибга солиш ва мос равишдаги қарорлар ишлаб чиқилишини акс эттиради.

Ҳудуд кичик корхона ва микрофирмаларнинг рақобатбардошлик салоҳиятини статистик баҳолаш услубиёти нафақат алоҳида бир олинган ҳудуд кичик корхона ва микрофирмалар рақобатбардошлиги салоҳиятини баҳолаш имконини (динамикада), балки мамлакат ҳудудлари бўйича “Ҳудуд кичик корхона ва микрофирмалар рақобатбардошлиги салоҳияти *IPK*”нинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш имконини ҳам беради. Бундай турли услубий ёндашувлар вилоятда ижтимоий-иқтисодий юксалиш даражалари бўйича ва “ҳудуднинг кичик корхона ва микрофирмалари” фаолияти юксалишини жадаллаштиришни таъминлаш учун тартибга солувчи зарур чора-тадбирларни амалга ошириш учун ажратилаётган давлат томонидан молиялаштириш ҳажмлари ўртасида мутаносибликка эришишни таъминлайди.

Кичик корхона ва микрофирма субъектларининг иқтисодий салоҳияти хўжалик юритувчи субъектнинг интеллектуал, мулкий ва молиявий имкониятлари жамланмаси сифатида ўрганилиб, улар ривожланишнинг белгиланган ва уни тўлқинлантириб юборувчи таъсирларни бартараф этиш учун етарли бўлган барқарорлик захирасини таъминловчи мақсадли дастури билан ҳаракатга келтирилади.

Кичик корхона ва микрофирма субъектларининг интеллектуал салоҳиятини баҳолаш учун 3.3-жадвалда келтирилган локал кўрсаткичлар тизими таклиф этилган.

Кичик корхона ва микрофирма субъектлари интеллектуал салоҳиятини баҳолашнинг локал кўрсаткичларини интеграциялаш бизга интеллектуал салоҳият индексини таъминлаб беради, унинг статистик ҳисоб-китоби қуйидаги алгоритмдан фойдаланиш орқали ҳосил қилинади:

$$IInP = \sqrt{\sum_{i=1}^{n} (x_i^{\,2})}, \qquad (3.18)$$

бу ерда: x_i – интеллектуал салоҳиятни шакллантирувчи *(K_1-K_{10})* компонентлар.

3.3-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмаларда интеллектуал салоҳиятини баҳолашнинг локал кўрсаткичлари тизими[73]

Таркиб топтирувчилар	Инсоний капитал	Тузилмавий капитал	Мижоз капитали
Инновациялар	1. K_1 – ходимлар профессионал таълим даражасини ҳисобга олади 2. K_2 – ходимлар таълими ва малака оширишига харажатлар ҳиссасини ҳисобга олади	1. K_6 – ахборот технологияларига киритилган инвестицияларни ҳисобга олади	1. K_8 – тармоқ бозори сегментланишини ҳисобга олади
Самарадорлик	1. K_3 – бир ходимга тўғри келувчи қўшимча қийматни ҳисобга олади. 2. K_4 – солиққа тортишгача бир ходимга тўғри келувчи даромадлар ҳиссасини ҳисобга олади		1. K_9 – бир мижозга тўғри келувчви даромадни ҳисобга олади
Барқарорлик	1. K_5 – етакчи мутахассислар қўнимсизлигини ҳисобга олади	1. K_7 – янги ходимлар ҳиссасини ҳисобга олади	1. K_{10} – такрорланувчи буюртмалар тезлигини ҳисобга олади

[73] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мулкий ва молиявий салоҳиятни баҳолаш учун 3.4-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш таклиф этилади.

3.4-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмалар мулкий ва молиявий салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари[74]

Кўрсаткичлар	Статистик ҳисоблаш йўллари
Мулкий салоҳият	
1. K_1 – жами активлар умумий ҳажмида соф активлар қиймати ҳиссаси	Соф активлар қиймати / Жами активлар қиймати
2. K_2 – жами активлар умумий ҳажмида асосий маблағлар ҳиссаси	Асосий маблағлар қиймати / Жами активлар қиймати
3. K_3 – асосий воситалар актив қисми ҳиссаси	Асосий воситалар асосий қисми қиймати / Асосий воситалар қиймати
4. K_4 – асосий воситалар яроқлилик коэффициенти	Асосий воситалар қолдиқ қиймати / Асосий воситалар бошланғич қиймати
Молиявий салоҳият	
1. K_1 – мутлақ ликвидликка нисбатан	Мутлақ ликвид активлар/Энг тезкор муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятлар
2. K_2 – жорий ликвидликка нисбатан	Жорий активлар минус 12 ойдан кўпроқ муддатда сўндирилиши кутилаётган тўловлар бўйича дебиторлик қарзлари / Энг тезкор муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятлар
3. K_3 – шахсий айланма маблағлар билан таъминланганликка нисбатан	Шахсий айланма маблағлар / Айланма маблағлар
4. K_4 – автономликка нисбатан	Шахсий капитал/ Умумий капитал

Кичик корхона ва микрофирма субъектлари мулкий салоҳияти индекси (*IImP*) қуйидаги алоритм бўйича ҳисоб-китоб қилинган:

$$IImP = \sqrt{\sum_{i=1}^{n}(x_i^2)}, \qquad (3.19)$$

[74] Жадвал муаллиф томонидан тайёрланган.

бу ерда: x_i – мулкий салоҳиятни шакллантирувчи *(К₁-К₄)* компонентлар.

Кичик корхона ва микрофирма субъектлари молиявий салоҳияти индекси *(IFP)* қуйидаги алоритм бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$IFP = \sqrt{\sum_{i=1}^{n}(x_i^2)}, \qquad (3.20)$$

бу ерда: x_i – моливий салоҳиятни шакллантирувчи ($К_1$-$К_4$) компонентлар.

Иқтисодий салоҳиятни баҳолаш интеллектуал, мулкий ва молиявий салоҳиятнинг локал ҳолатлари кўрсаткичларини қуйидаги алгоритмдан фойдаланган ҳолда агрегация қилишга асосланади:

$$IQP = \sqrt[3]{IInP \cdot I\,\mathrm{Im}P \cdot IFP} \qquad (3.21)$$

Кичик корхона ва микрофирма субъектларининг молиявий барқарорлиги деганда унинг қисқа ва ўрта муддатли ресурсларининг шундай ҳолати тушуниладики, бунда тизим ички транформация ва ташқи муҳитнинг юқори даражадаги динамикаси шароитларида ўз сифатини сақлаб қолиш ҳамда гипотетик ва мос равишда қўйилган мақсадлар сифатида тан олинувчи тизим ҳолатига эришиш йўналишида фаолият юритишни таъминлашга қодир бўлади.

3.5-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмалар молиявий бошқарув барқарорлигини баҳолаш мақсадлари учун унинг активлари ва пассивлари таснифи[75]

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Моҳияти
Мутлақ ликвид активлар	*АА*	Кассадаги ва кичик корхона ҳисоб рақамларидаги пул активлари
Энг ликвид активлар	*НА*	1 ой мобайнида пулга айлантирилиши мумкин бўлган қисқа муддатли молиявий қўйилмалар

[75] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тез амалга оширилувчи активлар	*БА*	Кафолат мажбуриятлари билан мустаҳкамлаб қўйилган дебиторлик қарзлари ва муддати 6 ой мобайнида қопланиши кутилаётган, энг ликвид ишлаб чиқариш захиралари
Секин амалга оширилувчи активлар	*МА*	Кафолат мажбуриятлари билан мустаҳкамлаб қўйилган дебиторлик қарзлари ва муддати 6 ойдан 12 ойгача бўлган давр мобайнида олиниши кутилаётган, паст ликвидли ишлаб чиқариш захиралари
Қийин амалга оширилувчи активлар	*ТА*	Асосий воситалар ва бошқа иммобилизацияланган активлар, кафолат мажбуриятлари билан мустаҳкамлаб қўйилган дебиторлик қарзлари ва муддати 12 ой ўтгандан сўнг қопланиши кутилаётган қарзлар
Энг тезкор мажбуриятлар	*НО*	Тезкор қоплашни талаб этувчи мажбуриятлар ва муддати 1 ой мобайнида қопланиши керак бўлган кредиторлик қарзлари
Қисқа муддатли мажбуриятлар	*КО*	Муддати 1-6 ой мобайнида қопланиши керак бўлган мажбуриятлар
Узоқ муддатли мажбуриятлар	*ДО*	Муддати 1 йил ўтгандан сўнг қопланиши керак бўлган мажбуриятлар
Доимий пассивлар	*ПП*	Шахсий капитал ва унга тенглаштирилган пассивлар

Кичик корхона ва микрофирмалар молиявий барқарорлигини индентификациялаш жараёни унинг барқарорлигини таъминлаш имконини топиш имконини берувчи комплекс услубиётдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Ликвидлик даражаси бўйича гуруҳланган активлар ва мажбуриятлар қопланиш муддатлари бўйича гуруҳланган пассивларнинг нисбатига боғлиқ ҳолда кичик корхона ва микрофирмалар молиявий барқарорлигининг 6 та даражаси идентификация қилинади.

3.6-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг молиявий барқарорлик даражалари таснифи[76]

Молиявий барқарорлик даражаси	Молиявий барқарорлик ҳолатини акс эттирувчи тенгсизлик	Изоҳ
Мутлақ молиявий барқарорлик (*АФУ)*	*МА < ЧОК*	Кичик тадбиркорлик учун назарий жиҳатдан мумкин бўлган идеал даража
Юксак молиявий барқарорлик *(ВФУ)*	*ЧОК < МА,* *НО + КО < АА + НА*	Молиялаштириш меъёрий манбалар ҳисобига амалга оширилади, улар пул маблағларига тез алмаштирилиши мумкин бўлган активлар ҳисобига қопланиши мумкин
Меъёрий молиявий барқарорлик *(НоФУ)*	*ЧОК < МА* *АА + НА < НО + КО,* *лекин* *НО + КО < АА + НА + БА*	Молиялаштириш меъёрий манбалар ҳисобига амалга оширилади, улар 6 ой мобайнида пул маблағларига алмаштирилиши кутилаётган активлар ҳисобига қопланиши мумкин
Беқарор молиявий ҳолат (*НеФУ*)	*ЧОК < МА* *АА + НА + БА < НО + КО, лекин* *НО + КО <* *АА + НА + БА + МА*	Энг тезкор ва қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш имкони фақатгина секин амалга оширилувчи активларни сотиш ҳисобига қўшимча ресурсларни жалб этиш шартларидагина бўлиши мумкин.
Инқирозолди молиявий ҳолати *(ПКФС)*	*ЧОК < МА* *АА + НА + БА + МА < НО + КО,* *лекин* *НО + КО + ДО <* *АА + НА + БА + МА + ТА*	Активлар ва пассивлар тузилмаси баланслаштирилмаган, мажбуриятларни қоплаш ва активларни пул шаклига алмаштириш ўртасидаги муддатларининг мос келмаслиги оқибатида қарзлар йиғилиб қолади
Инқирозли молиявий ҳолат (*КФС)*	*АА + НА + БА + МА +* *+ ТА < НО + КО + ДО*	Молиявий-хўжалик фаолияти тўлалигича қарзга олинган ва жалб этилган капитал ҳисобига молиялаштирилади

[76] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кичик корхона ва микрофирмалар молиявий бошқарув барқарорлиги диагностикасини экспресс-таҳлилнинг мустақил усули сифатида ёки молиявий барқарорликни таҳлил қилишнинг комплементар услубиёти босқичи сифатида ўрганиш мумкин. Кичик корхона ва микрофирмалар молиявий барқарорлигини статистик баҳолаш натижаларини талқин қилишга хусусий услубиёт таҳлили натижалари – хўжалик юритувчи субъект товар, иш ва хизматлари сифати (рақобатбардошлиги), шу жумладан ўз капитали, активлари, ресурс салоҳияти, даромадлилиги ва рентабеллигини бошқариш тизими ҳам таъсир кўрсатади.

Кичик корхона ва микрофирмалар ривожланишини тартибга солишга тизимли ёндашув услубиётини қуйидаги ўзига хос аломатлар асосида шакллантириш таклиф этилади:

– кичик корхона ва микрофирмалар – бирмунча мураккаб тартибли (минтақавий ва миллий иқтисодиёт) тизимининг таркибий бир қисми бўлган элементни акс эттирувчи тизимни англатиб, у паст даражали мустақил тизимлар сифатида ўрганилиши керак бўлган элементлардан шакллланган;

– кичик корхона ва микрофирмаларни турли табақаларга ажралишини тадқиқ қилиш предметни кўп босқичли англашга асосланади: “шахсий даража (кичик корхона ва микрофирмалар)” – “кичик корхона ва микрофирмалар минтақавий ва миллий иқтисодиётнинг таркибий элементи сифатида” – “капитал айланмаси (бошқа объектлар ҳам) “минтақа кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти” қуйи даражаси тизимидаги фирма ичидаги жараёнлар сифатида”;

– “минтақа кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти” тизимини интегратив хусусият ва қонуниятларини белгилаш тизим бир бутунлигини таъминловчи базавий механизмларни ифодалашни талаб этади;

– тизимнинг айланма капитал ҳолати ва ундан фойдаланишга юқори даражада боғлиқлилиги уни миқдорий тавсифларни олиш, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини

таъминлаш омиллари тадқиқотида уларнинг баҳолаш ишончлилигини оширувчи усулларни яратишга йўналтиради.

“Ҳудуд кичик корхона ва микрофирмалари” тизимини давлат томонидан молиялаштиришни инвестицион оқимлар сифатида ўрганиш, жараёнининг ўзи эса (объектни танлаш, мақсадни белгилаш, мақсадларга эришишни баҳолаш) – инвестицион фаолият сифатида ўрганиш таклиф этилади.

Ҳар бир инвестицион фаолият сифатида, давлат инвестициялари кичик корхона ва микрофирмалар ривожланишини тартибга солиш тизимининг амалий таъсирчанлигига умумий ёндашув жиҳатидан самарадорликни мос равишда баҳолаш воситасига эҳтиёж сезади.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ривожланишини тартибга солиш тизимидаги инвестицион фаолиятнинг мувафаққияти етарли даражада давлат томонидан молиявий бошқариш тизимининг амалий таъсирчанлигига боғлиқ бўлади ва унинг якуний натижаларни янада самарали бошқариш мақсадида назорат қилиниши, баҳоланиши ва таҳлил қилиниши лозим. Бу ҳолда ишлаб чиқилган ва амалга оширилган бошқарув қарорларининг оптималлик мезонини танлаш ҳақидаги энг муҳим масала юзага келади.

Чунки белгиланган дастурий мақсадларга эришиш нафақат кичик корхона ва микрофирмалар соҳасидаги тартибга солувчи самарали чора-тадбирлар таъсирининг натижаси ҳисобланади, балки охиргисига нисбатан баҳолаш мезонлари бир қадар модификациялашган (соддалаштирилган) бўлиши керак.

Кичик корхона ва микрофирма субъектларига йўналтирилаётган ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган инвестицион оқимлар самарадорлигини баҳолаш учун ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий параметлари динамикасини баҳолаш тизимига асосланган услубий ёндашувларни таклиф этамиз (3.7-жадвал).

Кичик корхона ва микрофирма субъектлари фаолият юритишига нисбатан қабул қилинган қарорлар агар илмий ва хўжалик муомаласига айланма капитал ҳолати, ҳаракатланиш ва

фойдаланиш параметрларини комплекс баҳолашга асосланган рейтинг баҳоланишларини киритсак, янада объективроқ бўлар эди. Айланма капитал ҳолати ва фойдаланилишини комплекс баҳолаш айланма капиталдан фойдаланиш жараёнининг турли жиҳатларини акс эттирувчи кўрсаткичлар жамланмасини бир вақтнинг ўзида ва келишилган ҳолда ўрганиш бўлиб, умумлаштирувчи комплекс баҳолашни (ягона интеграл кўрсаткич) қиёслаш асосидаги, бу кўрсаткичнинг мос равишдаги ўртача тармоқ ёки ўртача ҳудудий баҳоланиш эталони билан биргаликда ундан фойдаланиш сифати ҳақидаги хулосаларнинг асосланишидир (рейтингнинг аниқланиши).

3.7-жадвал

Вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш тизими самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари[77]

Баҳолаш йўналиши	Ҳисоблаш алгоритми	Изоҳ
1. Иқтисодий параметлар тизими 1.1. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ҳудудий маҳсулот	$\frac{ЯХМ}{ХА}$	*ЯҲМ* – ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми; *ХА* – ҳудуддаги аҳолининг ўртача йиллик миқдори
1.2. Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бир сўмлик инвестицияга тўғри келувчи ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ошиши	$\frac{\Delta ЯХМ}{\sum И}$	*ΔЯҲМ* – ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг мутлақ ошиши; $\sum И$ – ҳудуд кичик тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича умумий инвестициялар ҳажми
1.3. Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги	$ИИС = \Delta ЯХМ - Им \times \sum И \geq 0$	*Им* – ҳудудда қабул қилинган инвестицион сиёсат самарадорлиги меъёри

[77] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2. Ҳудуднинг ижтимоий ривожланиш параметрлари тизими 2.1. Турмуш сифати даражаси	$y = a + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_4x_4 + + a_5x_5 + a_6x_6$	a – тенгликни бошқа қисмида ҳисобга олинмаган бошқа барча омиллар таъсирини акс эттирувчи доимий коэффициент; a_1 – озиқланишга сарфланувчи даромад фоизини ҳисобга олувчи коэффициент; a_2 – хар 100 та кишига тўғри келувчи телефонлар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент; a_3 – қулай турар-жой билан таъминланганликни ҳисобга олувчи коэффициент; a_4 – ҳар 1000 та кишига тўғри келган гўдаклар ўлимини ҳисобга олувчи коэффициент; a_5 – ҳудуд ОЎЮда ўқийдиган аҳоли ҳиссасини ҳисобга олувчи коэффициент; a_6 – турар-жой-коммунал хизматларни тўлашга йўналтирилувчи даромадлар фоизини ҳисобга олувчи коэффициент.

Рейтингни ҳисоблаш ва қийматлар даражаси бўйича тавсифлаш нафақат бундай услубиётдан рақобатбардошлик даражасини ўзини-ўзи таҳлил қилишда фойдаланиш имконини, балки кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти уларнинг инвестицион жозибадорлик даражаси бўйича тартибга солиш имконини беради.

Кичик корхона ва микрофирма субъектларида айланма капитал ҳолати ва ундан фойдаланишни баҳолашнинг энг мақбул маълумот параметрлари қиёсий кўрсаткичлар тизими (коэффициентлар) ҳисобланиб, уларнинг интеграл баҳоланиш объективлигига солиштирма қийматлар (коэффициентлар) берилиши воситасида эришилади (3.8-жадвал).

3.8-жадвал

Айланма капиталдан фойдаланиш коэффициентларининг аҳамияти, балларда

Коэффициент-ларнинг шартли белгиланиши	Кўрсаткич	Экспертлар баҳолаши бўйича қиймати (баллар)
$К_1$	Жорий ликвидлик коэффициенти	8
$К_2$	Шахсий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти	8
$К_3$	Мутлақ ликвидлик коэффициенти	7
$К_4$	Айланма капитал мобиллиги коэффициенти	7
$К_5$	Жорий активлардаги реал соф айланма капитал ҳиссаси	6
$К_6$	Айланма капитал рентабеллиги	3
$К_7$	Айланма капиталнинг айланиш тезлиги коэффициенти	5
$К_8$	Захиралар айланма тезлиги коэффициенти	1-3
$К_9$	Дебиторлик қарзларининг айланма тезлиги коэффициенти	1-3

Айланма капитал ҳолати ва ундан фойдаланиш локал кўрсаткичларини интеграциялаш учун қуйидаги алгоритм таклиф қилдик:

$$R_j^{xxx} = \sqrt{K_1(1-x_{1j})^2 + K_2(1-x_{2j})^2 + ... + K_n(1-x_{nj})^2}\,, \qquad (3.22)$$

бу ерда: *К* – эксперт баҳоловлар асосида аниқланган солиштирма коэффициентлар;

x_{ij} – тадқиқ қилинаётган кичик корхона ва микрофирмалар умумий жамланмаси ($x_{ij} = a_{ij}/max\ a_{ij}$) бўйича унинг максимал қийматига нисбатан хусусий кўрсаткич қийматининг нисбати.

Услубиётга мувофиқ тўпланган баллар миқдори минимал рейтингга эга корхона эталон сифатида олинади. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини тартибга солишда тўпланган баллари

миқдори ортиши бўйича амалга ошириш лозим. Айланма капитал ҳолати ва ундан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш, баҳолаш, қиёслаш бўйича тадқиқотлар хўжалик юритувчи субъектларни маълум белгилар бўйича тартибга солиш, гуруҳлаш, уларнинг ривожланишининг умумий қонуниятларини белгилаб олиш, айланма капитални бошқариш соҳасида асосланган қарорларни қабул қилиш учун асосни шакллантириш ва умуман, кичик корхона ва микрофирмаларни бошқариш имконини берувчи маълумотлар жамланмасини акс эттиради.

3.3. Кичик корхонлар ва микрофирмалар фаолияти самарадорлигининг ўрта муддатли статистик прогнозларини тузиш

“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси[78]да иқтисодиётни юксалтириш ва эркинлаштириш, иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги тармоғини замонавий техника билан таъминлаш ва модернизациялаш ҳамда хусусий секторда фаолият юритаётган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш сингари энг устувор вазифалар белгилаб берилган[79] ва бу вазифалар кичик корхона ва микрофирма субъектлари фаолиятининг турли даражаларда тараққий этиши омиллари ва тенденцияларини статистик усулларда баҳолаш бўйича статистик кўрсаткичлар тизимини яратиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш стратегияларининг статистик моделларини яратиш ва прогнозлашнинг илмий-услубий усулларини мукамаллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

[78] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ—4947-сонли фармони. 1-илова. // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда. / www.lex.uz

[79] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ—4947-сонли фармони. 1-илова. // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда. / www.lex.uz

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг ривожланиш даражаси қайси омиллар таъсирида янада ижобий бўлиши мумкинлигини аниқлаш, қандай омилларнинг салбий таъсирини олдиндан кўра билиш, бундай омиллар таъсирини илмий жиҳатдан асослаб, тегишли хулосалар чиқаришимиз лозим. Шундай экан, Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмалар ривожланишининг кўп вариантли прогнозларини амалга оширишда вилоят статистика ташкилотлари ва илмий изланишлар давомида тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, соҳада яратилаётган маҳсулот ҳажмини аниқлаш бўйича регрессия тенгламасини аниқлаймиз. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятида яратилган маҳсулот ҳажми асосида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ҳисоблаймиз.

Жиззах вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми ҳамда кичик корхона ва микрофирмалар (*КТ*) фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни қуйидагича белгилаб олдик:

ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми (млрд сўм) – *Z*;

кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятида яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми, млрд, сўм – Y_1

кичик корхона ва микрофирмалар ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши, % – *Qi*;

кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар улуши, % – *Li*;

фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони, дона – *Ni*;

2000–2020 йиллар давомида Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯҲМдаги улуши 2000 йилдаги 44,2 фоиздан 2004 йилда 59 фоизгача ортиб, 2005 ва 2006 йилларда бир оз пасайган, 2007 йилдан 2011 йилгача бу кўрсаткич ортиб, 80,1 фоизни ташкил этган. 2018 йилда кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯҲМдаги улуши энг юқори нуқтасига чиқиб, 86,2 фоизни бўлган бўлса, 2020 йил якунида 83,4 фоизни ташкил этган. Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан яратилган товар

ва хизматлар ҳажми ушбу кўрсаткичдан келиб чиқиб ҳисобланди (3.9-жадвал).

3.9-жадвал

Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар динамикаси[80]

Йиллар	Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, млрд сўм	Кичик корхона ва микрофирмалар соҳасида яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми, млрд. сўм	Кичик корхона ва микрофирмалар ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши, %	Кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар улуши, %	Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони, дона
	Z	Y_1	*Qi*	*Li*	*Ni*
2000	83,3	36,8	44,2	59,1	2439
2001	132,8	57,3	45,3	60,8	2657
2002	209,4	105,3	52,3	62,1	2714
2003	322,5	171	54,9	64,6	2908
2004	383,9	219,1	59	67,5	2736
2005	504,7	285,5	58,3	71	3465
2006	665,6	379,4	58,7	74,4	4148
2007	807,7	538,4	68,9	76,8	4596
2008	1051,9	734,9	72,3	77,6	4953
2009	1224,7	876,3	74,4	78,2	5057
2010	2215,3	1716,1	79,4	78,3	5761
2011	3048,2	2405,5	80,1	79,1	6956
2012	3773,5	2895,6	78,3	80,3	6797
2013	4517,9	3363,2	76	81	7183
2014	5635,5	4327	78,4	81,4	7505
2015	6730,8	5473,2	83	81,7	7881
2016	7767,1	6410,3	84,2	81,8	8013
2017	9680,7	8088,3	85,6	80,9	9310
2018	12780,1	10709,2	86,2	79	11197
2019	16143,6	12844,1	83,1	79,9	14011
2020	18148,1	14831,1	83,4	79	17725

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳажмининг ЯҲМга боғлиқлигини аниқлаш

[80] Жиззах вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ва прогнозлашда кўрсаткичлар янада ишончли бўлиши учун, барча пул қийматидаги кўрсаткичларни 2020 йилги нархларда ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жиззах вилоятининг ЯҲМ ҳажми ошиши кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда 2000 йилдан 2019 йилгача бўлган кўрсатичлар базавий 2020 йилларга мос нархлар индексига бўлиш орқали аниқланди. Жиззах вилоятидаги 2000-2020 йиллар мобайнидаги нархлар индекси 3.10-жадвалда келтирилган.

3.10-жадвал

Жиззах вилоятида 2000-2020 йиллар давомида нархлар даражаси ўзгаришига мос базис 2020 йилга нисбатан нархлар индекси[81]

Йиллар	Нархлар индекси	Йиллар	Нархлар индекси
2000	0,0202	2011	0,3221
2001	0,0309	2012	0,3602
2002	0,0458	2013	0,3997
2003	0,0640	2014	0,4578
2004	0,0692	2015	0,5072
2005	0,0837	2016	0,5404
2006	0,1019	2017	0,6248
2007	0,1149	2018	0,7924
2008	0,1390	2019	0,9634
2009	0,1497	2020	1,000
2010	0,2556		

Жиззах вилоятидаги кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси бўйича 3.9-жадвал маълумотларидаги ялпи ҳудудий маҳсулот кўрсаткичлари ва кичик корхона ва микрофирмалар соҳасида яратилган товар ва хизматлар ҳажми кўрсаткичларини 2020 йилдаги қиёсий нархларда келтириш учун 3.10-жадвалдаги мос йилдаги нархлар индексига

[81] Жиззах вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

бўлиш лозим. Масалан 2014 йилдаги ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5 трлн. 635,5 млрд. сўмни ташкил этганини 2020 йилдаги ҳажмини аниқлашда 3.10-жадвалдаги 2014 йил нарх индекси 0,4578 га бўлиш керак. Натижада 12 трлн. 310,4 млрд. сўм кўрсаткич аниқланади. Барча қайта ҳисоблаб аниқланган маълумотлар қуйидаги 3.11-жадвалда келтирилган.

3.11-жадвал

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар динамикаси (қиёсий 2020 йил нархларида)[82]

Йиллар	**Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, млрд. сўм**	**Кичик корхона ва микрофир-малар соҳасида яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми, млрд. сўм**	**Кичик |корхона ва микрофир-малар ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши, %**	**Кичик корхона ва микрофир-маларда банд бўлганлар улуши, %**	**Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофир-малар сони, дона**
	Z	Y_1	*Qi*	*Li*	*Ni*
2000	4123,2	1821,5	44,2	59,1	2439
2001	4296,8	1854,6	45,3	60,8	2657
2002	4576,6	2301,8	52,3	62,1	2714
2003	5035,4	2669,3	54,9	64,6	2908
2004	5549,9	3167	59	67,5	2736
2005	6029,9	3410,8	58,3	71	3465
2006	6531,9	3723,5	58,7	74,4	4148
2007	7031,2	4686,6	68,9	76,8	4596
2008	7567,6	5287,3	72,3	77,6	4953
2009	8181,2	5853,5	74,4	78,2	5057
2010	8666,6	6713,6	79,4	78,3	5761
2011	9464	7468,4	80,1	79,1	6956
2012	10476,6	8039,3	78,3	80,3	6797
2013	11304,3	8415,1	76	81	7183

[82] Жиззах вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2014	12310,4	9452,2	78,4	81,4	7505
2015	13270,6	10791,1	83	81,7	7881
2016	14372	11861,4	84,2	81,8	8013
2017	15493	12944,5	85,6	80,9	9310
2018	16128,3	13514,8	86,2	79	11197
2019	16757,3	13332,3	83,1	79,9	14011
2020	18148,1	14831,1	83,4	79	17725

Олинган натижаларни қуйидаги баҳолаш мезонлари ёрдамида баҳолаймиз: вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмининг ривожланиш жараёнларини баҳолашда регрессия моделидан фойдаланишни лозим топдик. Бунда *n*-кўрсаткичли ва чизиқли кўринишда регрессион моделларини ҳосил қилдик. Бунинг учун жараённинг кўп омилли регрессион моделларини ҳосил қилишда энг кичик квадратлар усулидан фойдаландик.

$Y_x = a_0 + a_1x + a_2x^2 + \cdots + a_kx^k$ регрессион моделини ҳосил қилиш учун қуйидаги ишни амалга ошириш лозим:

$$F = \sum(Y - Y_x)^2 \to min$$

ёки $F = \sum(Y - a_0 - a_1x - a_2x^2 - \cdots - a_kx^k)^2 \to min$

бундан хусусий ҳосила олсак, қуйидаги кўришдаги тенгламалар системаси ҳосил бўлади[83].

$$\begin{cases} \sum Y = a_0n + a_1\sum x + a_2\sum x^2 + \cdots + a_k\sum x^k \\ \sum Yx = a_0\sum x + a_1\sum x^2 + a_2\sum x^3 + \cdots + a_k\sum x^{k+1} \\ \cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots \\ \sum Yx^k = a_0\sum x^k + a_1\sum x^{k+1} + a_2\sum x^{k+2} + \cdots + a_k\sum x^{2k} \end{cases} \quad (3.23)$$

Регрессия тенгламасининг «аҳамиятлилигини» баҳолаш учун Фишернинг *F*-мезонидан фойдаланилади. Фишернинг *F*-мезони миқдори детерминация коэффициенти билан қуйидагича боғланган:

$$F_{haqiqiy} = \frac{r_{xy}^2}{1 - r_{xy}^2} \cdot (n-2), \quad n \geq 3. \quad (3.24)$$

Агар $\alpha = 0{,}05$ (беш фоизли маъно даражаси) ва эркинлик даражаси $k_1 = 1$ ва $k_2 = n - 2$ бўлса, тасодифий миқдорлар Фишернинг

[83] Хабибуллаев И. Эконометрика. Дарслик. – Тошкент: Иқтисод-молия. - 240 б.

тақсимоти келтирилган жадваллардан *F*– белгисининг жадвал қиймати -F_{jadv} топилади. Агар ушбу $F_{\text{haqiqiy}} > F_{jadv}$ тенгсизлик ўринли бўлса, регрессия тенгламаси статистик аҳамиятли ҳисобланади.

Регрессия тенгламасидаги хатоликларга "a" va"b" параметрлар ҳамда r_{xy}- корреляция коэффициентини ҳисоблашдаги тасодифий хатоликлар ҳам таъсир этади. Шунинг учун "a" va "b" параметрларни ҳисоблашдаги стандарт хатоликлар m_a, m_b лар билан аниқланди.

Регрессия коэффициентининг тасодифий хатолиги қуйидаги формула билан аниқланди:

$$m_b = \sqrt{\frac{\sum (y - y_x)^2 / (n-2)}{\sum (x - \bar{x})^2}}. \qquad (3.25)$$

Регрессия тенгламасининг "a"параметри тасодифий хатолиги қуйидаги формула билан аниқланди:

$$m_a = \sqrt{\frac{\sum (y - y_x)^2}{n-2} \cdot \frac{\sum x^2}{n \cdot \sum (x - \bar{x})^2}}. \qquad (3.26)$$

Чизиқли корреляция коэффициентининг тасодифий хатолиги эса қуйидаги формула асосида аниқланди:

$$m_r = \sqrt{\frac{1 - r^2}{n-2}} \qquad (3.27)$$

Регрессия тенгламаси параметрларининг статистик маънодорлигини баҳолаш Стьюдент *t*-мезони ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин (эркинлик даражаси сони *n-2* ва $\alpha = 0{,}05$ бўлганда *t* белгининг жадвал қийматлари Стьюдент тақсимоти жадвалидан топилади). Унда қуйидагилар ҳисобланади[84]:

$$t_a = \frac{a}{m_a}, \quad t_b = \frac{b}{m_b}, \quad t_r = \frac{r_{xy}}{m_r}. \qquad (3.28)$$

Агар *t* белгининг топилган асл қийматлари унинг жадвал қийматидан катта бўлса (яъни $t_a > t_{jadv}$, $t_b > t_{jadv}$, $t_{rxy} > t_{jadv}$), "a" ва"b" параметрлар статистик аҳамиятли ҳисобланади.

Кичик корхона ва микрофирмалар маҳсулотлари ҳажмини Y деб белгиладик, кузатувлар натижасида олинган қийматлар *t* вақт

[84] Эконометрика: Учебник ./Под ред.И.И.Елисеевой. – М.: Финансы и статистика, 2003. - 344 с.

омилига боғлаган ҳолда тренд моделларини ҳосил қилдик. Статистик маълумотларга (2000 – 2020 йиллар) асосланиб (3.11-жадвал), кичик тадбиркорлик маҳсулоти ҳажмининг бир қанча вариантдаги тренд моделлари ҳосил қилинди ва баҳолаш мезонлари билан баҳолаб, оптимал моделларини танлаб олинди. Натижалар Eviews 9 дастурида ҳисобланди. Жараённи таҳлил қилиб, эришилган натижага 3.12-жадвалда ифодаланган.

3.12-жадвал

Жиззах вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми ўсишига кичик кичик корхона ва микрофирмалар соҳаси таъсирида қурилган регрессион модель[85]

Ўзгарувчи	Модель коэффициентлари	Стандарт хатолар	t-Стьюдент мезони	P-қиймати
Y	1,047043	0,016402	63,83510	0,0000
C	2191,339	137,2125	15,97041	0,0000
R^2-детерминация коэффициенти	0,995359	Боғлиқ ўзгарувчининг ўртача қиймати		9776,900
Текисланган R^2-Детерминация коэффициенти	0,995115	Боғлиқ ўзгарувчининг стандарт четланиши		4497,967
Регрессиянинг стандарт хатоси	314,3849	Акайкенинг ахборот модели		14,42951
Қолдиқлар квадратлари йиғиндиси	1877919	Шварцнинг ахборот модели		14,52898
Максимал ўхшашлик функциясининг қиймати	-149,5098	Hannan-Quinncriter		14,45110
F- Фишер мезони	4074,919	DW-Дарбин-Уотсон мезони		0,985355
Prob (F- Фишер мезони)	0,000000			

3.12-жадвалда олинган натижа таҳлили кўрсатадики, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми ривожланиши жараёнининг

[85] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

регрессион моделида детерминация коэффициенти $R^2 = 0,99536$; $F_{ҳисоб} = 4074,92$; ($\alpha = 0,05$ *бўлганда,* $F_{жад}=2,17$) га тенг. Стьюдент мезони бўйича ҳар бир коэффициентни таққослаганимизда жадвал қийматидан ҳисобий қийматлари катта эканлиги аниқланди. Шунинг учун қуйидаги регрессион моделни адекват деб танлаб олдик:

$$Z=2191,339+1,047\times Qi, \qquad (3.29)$$

Жиззах вилоятида кичик кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятида яратиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ошишига қуйидаги омилларни асосий таъсир этувчи омиллар сифатида олдик: кичик кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар сони, кичик кичик корхона ва микрофирмаларга жалб этилган инвестициялар ҳажми, фаолият юритаётган кичик кичик корхона ва микрофирмалар сони, кичик кичик корхона ва микрофирмаларда асосий фондлар қиймати. Бу омиллар орқали кўп омилли регрессион модель тузиш мақсадини қўйдик.

Кўп омилли регрессион модель тузишнинг асосий қоидаларидан бири моделга танлаб олинадиган омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш, яъни танлаб олинаётган омиллар ўртасида боғланиш мультиколленеарлик муаммосини текшириш ҳисобланади.

Натижавий омил учун таъсир этувчи омиллар ўртасида корреляцион матрицаси MS Excel дастурида ҳисобланди. Бу омиллар ўртасида мультиколлениярлик мавжуд эмаслигини аниқлашда автокорреляцион таҳлил ўтказамиз (3.13-жадвал).

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмаларда яратиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ошишига таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эмпирик модель тузиш учун, юқорида келтирилган барча омиллар олинади ва уларнинг моделда ўзларини қандай тутишлари текшириб кўрилади.

3.13-жадвал

Кичик кичик корхона ва микрофирмаларда яратиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ошишига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги коррелляцион матрица

	Z	Y_1	Q_i	L_i	N_i
Z	1				
Y_1	0,879	1			
Qi	0,998	0,900	1		
Li	0,771	0,944	0,784	1	
Ni	0,940	0,764	0,927	0,641	1

Кичик корхона ва микрофирмаларда яратиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ва уларга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги эконометрик модель тузиш ва таҳлил қилиш учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланамиз.

Жараёнларнинг кўп омилли эмпирик моделларига эга бўлиш учун Eviews 9 дастурида бир неча вариантлар ҳисоб-китоб қилинди ва тегишли натижалар олинди. 3.14-жадвалда кичик корхона ва микрофирмалар маҳсулоти ҳажми ошиши учун эмпирик модель қурилган ва бу моделни ҳамда унинг параметрларини баҳолашда мезонл ардан фойдаланиб, аҳамиятлилиги кўрсатилган.

3.14-жадвал

Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмаларда яратиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажми регрессион моделини тузиш

Боғлиқ ўзгарувчи: Y				
Метод: энг кичик квадратлар усули				
Қатор: 2000 – 2020				
Қаторлар сони: 21				
Ўзгарувчи	Модель коэффици-ентлари	Стандарт хатолар	t-Стьюдент мезони	P-қиймати
Ni	0,578976	0,096975	5,970355	0,0003

Li	-118,8362	100,0931	-1,187257	0,2515
Y_1	213,5747	65,05484	3,282994	0,0044
C	-2763,350	3803,604	-0,726508	0,4774
R^2-детерминация коэффициенти	0,951364	Боғлиқ ўзгарувчининг ўртача қиймати		7244,748
Текисланган R^2-детерминация коэффициенти	0,942781	Боғлиқ ўзгарувчининг стандарт четланиши		4285,897
Регрессиянинг стандарт хатоси	1025,204	Акайкенинг ахборот модели		16,87281
Қолдиқлар квадратлари йиғиндиси	17867718	Шварцнинг ахборот модели		17,07177
Максимал ўхшашлик функциясининг қиймати	-173,1645	Hannan-Quinn criter		16,91599
F- Фишер мезони	110,8457	DW-Дарбин-Уотсон мезони		1,520114
Prob (F- Фишер мезони)	0,000000			

Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмаларда яратиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ошиши учун регрессион моделни тузиш ҳисобланган DW мезонининг қиймати жадвал қийматидан юқори эканлиги аниқланди. Агар натижавий омилнинг қолдиқларида автокорреляция мавжуд бўлмаса, у ҳолда ҳисобланган DW мезонининг қиймат 2 атрофида бўлади. Мазкур ҳисобланган DW мезонининг қиймати 1,6 га тенг. Бу эса натижавий омил қолдиқларидан автокорреляция мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Фишер ва Стьюдент мезонлари ҳисобланиб, ҳисобланган қиймат жадвал қийматлари билан таққосланган, жадвал қийматларидан катталиги аниқланган. Қуйидагича эмпирик модель ҳосил қилдик:

$$\begin{matrix} Y = & -2763{,}350 - 213{,}5747 * Y_1 - 118{,}8362 * Li_2 + 0{,}5789 * Ni; \\ t & (-0{,}7265) \quad (3{,}2829) \quad (-1{,}1872) \quad (5{,}9703) \end{matrix} \qquad (3.30)$$

Одатда, детерминация коэффициенти [0;1] кесмада қийматларни қабул қилади. Коэффициент қиймати 1 га қанчалик яқин бўлса, боғлиқлик шунчалик кучли ҳисобланади. Мазкур ҳолатда детерминация коэффициентининг *0,9513* қийматга тенг бўлиши, моделда мазкур иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида етарли даражада кучли боғлиқлик мавжудлигини билдиради.

Тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг статистик аҳамиятлилиги ва ўрганилаётган жараёнга мос келишини аниқлаш учун Фишернинг F-мезонидан фойдаланамиз:

F-мезоннинг жадвал қиймати $F_{жадвал}=110,8457$ га тенг.

$F_{ҳисоб}>F_{жадвал}$ шартни қаноатлантиради, бу эса, *F*-мезоннинг ҳисобланган қиймати жадвалдаги қийматидан катта эканлигидан статистик аҳамиятли бўлиб, ундан кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари томонидан яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳажмини келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкин.

Кўп омилли эконометрик модель (3.30) параметрлари ва корреляция коэффициентларининг ишончлилигини текширишда Стьюдентнинг *t*-мезонидан фойдаланилади. Бунда уларнинг қиймати тасодифий хатолар қийматлари билан таққосланади.

Стьюдентнинг *t*-мезони ҳисобланган ($t_{ҳисоб}$) ва жадвал ($t_{жадвал}$) қийматларини таққослаб, H_0 гипотезани қабул қиламиз ёки рад этамиз. Бунинг учун *t*-мезоннинг жадвал қийматини танланган ишончлилик эҳтимоли (α) ва озодлик даражаси ($\text{d.f.} = n - m - 1$) шартлар асосида топамиз. Бу ерда n–кузатувлар сони; m–омиллар сони.

Ишончлилик эҳтимоли $\alpha = 0{,}05$ ва озодлик даражаси d.f.=21-4-1=16 бўлганда, *t*-мезонинг жадвал қиймати $t_{жадвал}=2,1448$ га тенг.

Кичик тадбиркорликда яратилган товар ва хизматлар ҳажми бўйича кўпомилли эконометрик моделдаги ҳисобланган параметрлар учун ҳам $|t_{ҳисоб}| \gg t_{жад}$ шарти қаноатлантирилиши лозим.

(3.24) модель бўйича натижавий омил қолдиқларида автокорреляцияни текшириш учун Дарбин-Уотсон (DW) мезонидан фойдаланамиз.

$$DW \approx 2(1-\rho_1), \qquad (3.31)$$

бу ерда, ρ_1 – биринчи тартибдаги корреляция коэффициенти.

Натижавий омил қолдиқлари қаторида автокорреляция мавжуд бўлмаса, $DW = 2$, мусбат автокорреляцияда DW нолга, манфий автокорреляцияда эса 4 га интилади.

$$\begin{cases} \rho_1 = 0 \to DW = 2; \\ \rho_1 = 1 \to DW = 0; \\ \rho_1 = -1 \to DW = 4. \end{cases} \qquad (3.32)$$

Агар натижавий омилнинг қолдиқларида автокорреляция мавжуд бўлмаса, у ҳолда ҳисобланган DW мезонининг қиймати 2 атрофида бўлади. Мазкур моделда ҳисобланган DW мезонининг қиймати 1,52 га тенг. Бу эса натижавий омил қолдиқларидан автокорреляция мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Тузилган моделларда (чизиқли регрессия тенгламалари учун) ҳисобга олинган параметрлар турли кўрсаткичлардан иборат. Шунинг учун таҳлил қилишда эластиклик коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш лозим. 3.15-жадвалда тузилган моделни таҳлил қилишда эластиклик коэффициентларини ҳисоблаб чиқдик.

3.15-жадвал

Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмаларда яратиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ошиши учун тузилган модель коэффициентларининг эластиклиги[86]

Ўзгарувчи	Модель коэф-фициентлари	Стандартлаштирил-ган коэффициент	Эластиклик коэффициенти
Ni	0,578976	0,096975	0,52514
Li	-118,8362	100,0931	-1,22984
Y_1	213,5747	65,05484	2,08608
C	-2763,350	3803,604	-0,38142

[86] Муаллиф томонидан EViews 9 дастуридан фойдаланиб олинган натижаси.

Ҳосил қилинган моделдаги параметрларнинг якуний натижага таъсири 3.15-жадвалда келтирилган бўлиб, унга кўра, кичик корхона ва микрофирмаларда банд ишчилар сони (Ni) 1 фоизга ортса, бу соҳада яратиладиган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми (*Qi*) 0,525 фоизга ортиши, бу соҳада банд бўлганлар салмоғи (*Li*) 1 фоизга ортса, соҳада яратиладиган жами маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми (*Qi*) 1,23 фоизга пасайиши, кичик тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши (Y_1) 1 фоизга оширилса, натижавий кўрсаткич (*Qi*) ҳажми 2,086 фоизга кўпайиши аниқланди.

Тузилилган моделлар орқали кичик корхона ва микрофирмалар маҳсулоти ҳажми ва унга таъсир этувчи омилларнинг 3.16-жадвалда прогноз варианти ишлаб чиқилди.

Прогноз вариантларини ишлаб чиқиш учун моделдаги Y_1, *Li*, *Ni* ўзгарувчиларнинг тренд тенгламаларини аниқлашда MS Excel дастуридан фойдаланилди. Қуйида ҳар бир омилнинг вақтга боғлиқлик тренд тенгламалари келтирилган:

Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши, Y_1:

$$Y_1 = 16{,}215 * \ln(t) + 35{,}722\,; \quad R^2 = 0{,}9227. \qquad (3.33)$$



3.2-расм. **Жиззах вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши (фоиз)**

Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмалардаги бандларнинг жами вилоятдаги бандлар улуши *Li*:

$$Li = 8{,}7857 * \ln(t) + 55{,}991; \quad R^2=0{,}908. \qquad (3.34)$$



3.3-расм. **Жиззах вилояти бандликда кичик бизнеснинг улуши (фоиз)**

Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари сони, *Ni*:

$$Ni = 2082{,}4 * e^{0{,}0903*t}; \quad R^2=0{,}9675. \qquad (3.35)$$



3.4-расм. **Жиззах вилояти кичик корхона ва микрофирмалар сони (дона)**

Мазкур MS Excel дастурида аниқланган тренд тенгламалари ва Eviews 9 дастурида аниқланиб, турли статистик аҳамиятлилик мезонларида текширилган (3.23) ва (3.24) моделлардаги регрессия тенгламаларига асосланиб, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятида яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ҳамда унга таъсир этувчи омилларнинг прогноз варианти ишлаб чиқилди (3.16-жадвал).

3.16-жадвал

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти ҳамда унга таъсир этувчи омиллар прогнози (2020 йил таққослама нархида)

Йил-лар	Ялпи ҳудудий маҳсу-лот ҳажми, млрд сўм	Кичик корхона ва микрофир-маларда яратиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажми, млрд.сўм	Кичик корхона ва микрофир-маларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши, %	Кичик корхона ва микрофир-маларнинг вилоят бандлигида-ги улуши, %	Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирма-лар сони, дона
	Z	Qi	Y_1	Li	Ni
2022	*18332,59*	*15416,67*	*84,10*	*83,54*	*16617*
2023	*19392,18*	*16428,70*	*84,70*	*83,91*	*18187*
2024	*20537,32*	*17522,43*	*85,30*	*84,27*	*19906*
2025	*21776,85*	*18706,31*	*85,90*	*84,62*	*21787*
2026	*23120,38*	*19989,53*	*86,40*	*84,95*	*23846*

Жиззах вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2026 йилга бориб, 23 трлн. 120 млрд. 380 млн. сўм (2020 йил нархларида) бўлиши, ёки 2020 йилга нисбатан 127,4 фоизга ошиши кутилмоқда. 2026 йилда Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар субъектлари сони 23846 та, кичик корхона ва микрофирмаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 86,40 фоиз, бандликдаги улуши эса 84,95 фоиз бўлиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилинади.

ХУЛОСА

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудларда кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини устувор ривожлантириш, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ошишини таъминлаш ва эконометрик моделлар ишлаб чиқиш ва прогнозларни амалга ошириш юзасидан ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларида 3-устувор йўналиш иқтисодиётни эркинлаштириш, соҳа ва тармоқларни барқарор ривожланишига қаратилган бўлиб, бунда иқтисодиётимизнинг мутассил юксалишини таъминловчи асосий омил сифатида кичик корхона ва микрофирмалар ва унинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришни иқтисодиёт тармоқлари бўйича диверсификациялаш асосий устувор вазифалар қилиб белгиланган. Бу жиҳатлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини, ривожланиш истиқболини белгиловчи аосий функцияни бажарувчи соҳа ҳисобланади.

2. Пандемия шароитида миллий иқтисодиётнинг мавқеи мустаҳкамланиши, минтақавий ва маъмурий ҳудудлардаги кичик корхона ва микрофирмалар ривожининг тадқиқ ва таҳлил қилишга талаб ортиб бормоқда. Бунда статистик тадқиқотлар ҳудудларнинг кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти салоҳиятидаги устунликлари ва камлик томонларини топиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, кўп вариантли чора-тадбирлар ва дастурлар яратиш, оптимал қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш учун керакли восита ҳисобланади. Бу восита кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга ёрдам беради.

3. Кичик корхона ва микрофирмалар Жиззах вилояти иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса

кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятида Жиззах вилояти ЯҲМ ҳажми ошиши, эскпорт салоҳияти, тармоқларнинг барқарор тараққий этишида иқтисодий аҳамиятга эга бўлса, жамиятда аҳолини барқарор даромад билан таъминлаш ва улар даромадини ошириш, меҳнат қилиш имкониятига эга лаёқатли аҳоли қатламини иш билан таъминлаш, бандликни таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда жуда муҳим аҳамитга эга. Статистик маълумотларга кўра, Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмаларни ЯҲМда улуши 2021 йил 1 январь ҳолатига 84,3 фоизни, бандликдаги улуши 79,1 фоизни ташкил этмоқда.

4. Ҳудудларда кичик корхона ва микрофирмалар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, инновацион фаолиятни юксалтириш учун зарур имконият ва қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат хусусий ташаббускорликни инновацион тадқиқотларга қаратувчи қулай бизнес муҳитини шакллантириши; таркибий ислоҳотларни оптималлаштириши; турли даражаларда (микро, мезо ва минтақавий даражаларда) замонавий инновацион инфратузилма (суғурта, технопарклар, инновацион воситачилар институти ва ҳакозо) тараққий этишини қўллаб-қувватлаши лозим. Буни амалга оширишда бизнесни ташкил қилишнинг анаънавий моделини қўллаётган хусусий тадбиркорлар инновацион моделга ўтиш имкониятига эга бўладилар.

5. Тадқиқот натижаларига кўра, кичик корхона ва микрофирмалар субьектларида инновацион жараёнларни жадаллаштириш бу масала билан шуғулланувчи илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятига боғлиқ. Шунингдек, бу соҳада инновация фаолиятини ривожлантиришга янгича ёндашувни жорий этиш учун қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

-рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берувчи, фан сиғими юқори бўлган юқори технологик жиҳозларни жорий этиш;

- кичик корхона ва микрофирмаларда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг янги воситаларини яратиш (шартнома, грант, кооператив келишув);

-илмий тадқиқот фаолиятини инвестициялашнинг билвосита рағбатлантириш усулларини ривожлантириш (солиқ имтиёзлари, пасайтирилган кредит ставкалари бўйича қарз бериш, давлат илмий тадқиқот ва ўқув муассасаларини лицензиялаш жараёнини молиявий қўллаб-қувватлаш).

6. Жиззах вилоятида эконометрик модель ва усуллар асосида кичик корхона ва микрофирмаларни янада ривожлантиришга қаратилган табақалаштирилган стратегик ёндашув жойларда ресурслар тақсимланишидаги номутаносибликка барҳам бериш, демографик, табиий, иқтисодий имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга хизмат қилади, алоҳида олинган ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ривожланиш истиқболини белгилаб беради.

7. Статистик гуруҳлаш, вариация кўрсаткичлари ҳамда динамика қаторлари, тренд сингари статистик таҳлил усулларидан кенг фойдаланиб, 2000-2020 йилларда мамлакатимизда кичик корхона ва микрофирмаларнинг ривожланиш тенденциялари ва уларга таъсир қилувчи омилларга баҳо берилган.

8. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ривожланиш жараёнлари кўп омилли статистик таҳлил қилинган. Бунда корреляцион-регрессион таҳлил усулларидан фойдаланиб, эконометрик моделлар тузилган. Уларнинг адекватлиги Стьюдент, Фишер, Дорбин Уотсон мезонлари орқали текшириб кўрилган.

